

ШАРАФУТДИНОВА Х. Г.
ШОЙМАРДОНОВА Н. Қ.

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРАФУТДИНОВА ХАДИЧАХОН ГУЛЯМУТДИНОВНА
ШОЙМАРДОНОВА НИГОРА ҚУРБОНОВНА

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Монография

Тошкент
"Innovatsiya-Ziyo"
2020

УДК: 80.9
ББК: 83.971
Х-14

Шарафутдинова Хадичахон, Шаймарданова Нигора
Замонавий мактабгача таълимда педагогик технологиялар
/монография/. Тошкент: "Innovatsiya-Ziyo", 2020, 116 б.

Мазкур монографияда мамлакатимизда мактабгача таълим мазмуни, мактабгача таълимда хорижий мамлакатлар тажрибаси, мактабгача таълим педагогикасининг замонавий муаммолари, мактабгача таълимда илғор педагогик технологияларнинг ўрни, тарбиячининг креативлиги ва ижодкорлиги, тарбиячининг инновацион фаолияти ҳамда мактабгача таълимда болалар ўйин фаолиятининг педагогик-психологик мазмуни ва уларни қўллаш бўйича назарий ва амалий иш материаллари келтирилган.

Ушбу монография мактабгача педагогика курси бўйича машғулотларда ўқитувчи, магистрлар ва талабалар фойдаланиши учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

М.Қ.Бозорова - Термиз давлат университети "Педагогика" кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Ш.Махмудов - Денов тадбиркорлик ва педагогика институти "Мактабгача ва бошланғич таълим" кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди

Мазкур монография Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Кенгашининг 2020 йил 19 июндаги № 10 - сонли қарори билан чоп эттиришга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-6791-2-2

© Шарафутдинова Х., Шаймарданова Н., 2020.
© "Innovatsiya-Ziyo", 2020.

КИРИШ

Республикаимизда таълим тизими доимо давлатнинг эътиборида бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда мактабгача таълим соҳаси чуқур ислох қилиниш ҳолатида.

«Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди ва шу билан бирга, мавжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда», — дейилган "Мактабгача таълим тизими тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари" тўғрисидаги — Ўзбекистон Республикаси Президент Қарорида ва камчиликлар бирма бир санаб берилган.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида мислсиз ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунга асосий сабаб болаларнинг жисмоний, ақлий, рухий ва маънавий ривожланиши мураккаб жараён эканлиги, унга турли омиллар таъсир қилиши ва бундай омиллардан энг муҳими мақсадга йўналтирилган таълим тизими эканлигини кўрсатиш мумкин. Таълим тизими ҳар қандай жамиятнинг тараққиётини таъминлашда муҳим ўринга эга. Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида ушбу аксиома алоҳида эътиборга олинди ва узлуксиз таълим тизимини тубдан ислох қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида этироф этилди. Ушбу жараённи амалга ошириш учун жаҳон мамлакатлари илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг киёсий таҳлили қилиш истикболдаги вазифаларни белгилашга муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳар жиҳатдан ривожланган кишини тарбиялаш муаммоси ҳозирги куннинг асосий талаби бўлиб турибди. Чунки, жамиятда юз бераётган



инкилобий ўзгаришларни инсоннинг ўзини ўзгартирмасдан амалга ошириб бўлмайди. Аммо, янги кишини тарбиялаш ўз-ўзидан эмас, балки ижтимоий муносабатлар янгиланиши жараёнида амалга ошади. Ахборот технологиялари етакчи ўринга чикиб олган ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда таълим тизимини, таълим мазмунини янгилаш заруратга айланди. Эскича ўқитиш усуллари ва методлари маънан эскириб, таълимнинг илғор педагогик технологияларга асосланган янги таълим методлари ва шаклларига эҳтиёж кучайди.

Ўзбекистон таълим тизими кенг камровли ислохотларни ҳамда қайта қуриш ишларини амалга оширишдек мураккаб жараёни бошидан кечирмоқда. Улардан кўзда тутилган ягона мақсад - таълим фаолиятини демократлаштириш, унинг инсонпарварлик тамойилларни ривожлантириш, шу асосда ўқув тарбия ишлари мазмунини, унинг шакл ва услубини комплекс янгилаш ва янада такомиллаштиришдан иборатдир. Бу вазифаларни мувофақиятли ҳал қилишнинг муҳим шартларидан бири миллий анъана ва кадриятларни чет эл мактаби ва педагогикаси тажрибаларига сингдирган ҳолда мактабгача таълим-тарбия муҳитини яратиш, бир сўз билан айтганда, бу орқали биз мактабгача таълимда хато ва янгиланишлардан шубҳали ҳулосаларда ўзимизни сақлашимиздан ташқари таълим тарбияда қотиб қолган, эскирган, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган иш шакллари ва услубларда тезроқ ҳолос бўлиш билан бирга, уни муносиб тарзда янгилашда кўшимча бой манбаларга ҳам эга бўлишдан иборат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

1.1. Мактабгача таълим тизими – давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида сифатли мактабгача таълимни кенгайтириш учун имконият яратишга инновацион ёндашув" мавзусида ташкил этилган анжуманда Мактабгача таълим вазири А.Шин, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари С.Грауманн ва бошқалар Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини жадал ривожлантириш масалалари юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда таълимнинг мазкур илк ва асосий бўғинини ривожлантиришга онд қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу борада комплекс чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, бу йўналишда бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, боғчаларнинг инфратузилмаси ва моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан кенг камровли ишлар бажарилмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан 2018 йил 1 январдан бошлаб юртимиз ҳудудларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди. Бунда давлат-хусусий шериклик механизми замонавий ва ҳаммабон мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни кўп йиллик муддатга бегараз ажратишни кўзда тутди.

Инвесторлар томонидан ташкил этилиши назарда тутилган мактабгача таълим масканларида давлат таълим стандартлари талабларига, санитария-гигиена ва бошқа

меъёрларга риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш, шунингдек, мактабгача таълим хизматида кўрсатиш пархисининг макбул, арзон, шаффофлигини таъминлаш учун масъул бўлиш назарда тутилмоқда. Айни пайтда инвесторларга иқтисодий имтиёзлар яратилиб, Тошкент шаҳридаги давлат мактабгача таълим масканларига тадбиркорлик субъектлари билан давлат-хусусий шериклик асосида тегишли талабларга мос озик-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилди.

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим хизматларининг самарали механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса давлат билан инвесторлар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг мажбуриятларини ҳамда давлат томонидан бериладиган кенг солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар, шунингдек, имтиёзли кредит ажратиш, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандларини тарбиялаш бўйича квоталар масаласи ечими каби жиҳатларни камраб олади.

Бугун Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг моддий техник ҳолатини яхшилаш ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил якуний маълумотларига кўра, мазкур йилда республикада 4916 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 689 минг нафардан ортиқ болалар тарбияланган. Шундан 194 нафари нодавлат мактабгача таълим муассасалари бўлиб, уларда 5715 нафар болалар тарбияланган. Шу билан бир қаторда, болаларни мактабгача таълимга камраб олиш кўрсаткичи паст бўлиб, республикада мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига камраб олиш кўрсаткичи 27 фоизни ташкил этган. Қамров кўрсаткичи, асосан, вилоят ва шаҳар марказлардаги мактабгача таълим муассасалари ҳисобига тўғри келган бўлиб, 2017 йилда республикада жами боғча ёшидаги (2-7 ёш) болалар сони 2,5 млн.дан ортиқ бўлиб, 689 минг нафаригина (шулардан 40 фоизи кишлоқ, 60 фоизи шаҳар) мактабгача таълим муассасалари камраб олган. Қарийб 73 фоиз болалар эса

мактабгача таълим тизимидан четда қолганлигачинарли ҳолат эди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг келгусида мактаб билимини яхши ўзлаштириши, мактабга мослашувнинг енгил ўтиши, бола шахсида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, кийинчиликларни бартараф этишни амалга оширишда болаларнинг мактабгача таълим муассасасига жалб этилганлиги, таълимга қамралганлиги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлокий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори (29.12.2016 й.) “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276 - сонли қарори (15.09.2017 й.). “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261 - сонли қарори (09.09.2017 й.) “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори (30.09.2017 й.) “Мактабгача таълим тизими бошқаруви тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сонли Фармони (30.09.2017 й.) қабул қилинди.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлокий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш имкониятини яратди.

Тадкикотларда инсон ўз ҳаёти давомида оладиган барча маълумотнинг етмиш фоизини беш ёшгача бўлган даврда олиб улгуриши келтирилган. Дарҳақиқат, бу даврда инсон боласи дунёни англайди, ўз она тилини ўзлаштиради, ота-она, оила, маҳалла, Ватанга меҳри уйғонади, умр давомида оладиган билимларга замин ҳозирлайди. Бунда энг аввало оила асосий рол ўйнаса, мактабгача таълим муассасасининг ҳиссаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Шу билан мамлакатимизда айнан мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўлагига, таъбир жоиз бўлса, унинг дебочасига айланган. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 30 декабрь кунги матбуотда эълон қилинган "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан мазкур соҳадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилаётган эътибор замирида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аجدодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурда кенг қўламли стратегик мақсадлар, муҳим вазифалар белгилангани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, ҳужжатда бугунги кундаги ҳаётий талаб ва эҳтиёжлар, соҳада ечимини қутаётган масалалар ҳамда ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳисобга олинганлиги барчамизни қувонтиради.

Айниқса, келгуси беш йилликда 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, кишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўланмалар.

мультимедиа ресурслари билан таъминлаш ҳамда ушбу мақсадлар учун жами 2,2 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилаётгани ушбу қарор ўз ичига нечоғлик кенг қўламли вазифаларни қамраганлигини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда кишлоқ жойларида мактабгача таълим муассасалари сонини кескин ошириш зарурати кўринмоқда. Айрим кишлоқ шароитида яшайдиган ёш оналар учун болалар боғчаси масаласи ҳаётий эҳтиёжга айланган.

Албатта, бу эҳтиёж бежиз эмас. Мактабгача таълим муассасалари, биринчидан, мактаб ёшига қадар бўлган болаларнинг умумий саводини чиқариш, болаларда Ватанни севиш, у билан ғурурланиш ҳиссини уйғотиш, Конституцияни ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш имконини бераётган бўлса, иккинчидан, ёш болали оналарнинг меҳнат қилишга оид конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришга ҳам хизмат қилади.

Қолаверса, ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган янги уй-жой массивларида ёш оилалар фарзандлари учун болалар боғчалари сонини кўпайтириш зарурати пайдо бўлмоқда. Қарорга мувофиқ, айни шу мақсадда жойларда хорижий тажрибадан ва мамлакатимизнинг иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, намунавий лойиҳа асосида 70 ва 120 ўринли 50 та замонавий мактабгача таълим муассасаларининг бунёд этиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш, 983 тасини мукамал таъмирлаш орқали кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бу орқали болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 1,5 баробар оширишга эришилади.

Шу билан бирга, қарорга кўра кишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар бадал тўловини 30 фоизгача камайтириш назарда тутилаётгани кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун енгиллик яратади.

Албатта, бу борадаги ислохотлар самарасини соҳа талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли тизимдаги педагог ходимлар маҳоратини илғор усуллар орқали мунтазам ошириб бориш механизмининг яратилиши, ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ этган ҳолда, узлуксиз

методик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб саналади.

Айни шу омилларни инобатга олган ҳолда қарорда мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш вазифаси белгилангани айни муддаодир. Чунки, биз ўз олдимизга фарзандларимизнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлокий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини қўйган эканмиз, шубҳасиз, педагог-тарбиячиларнинг малакасини ошириш борасидаги мавжуд тажрибаларни замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришимиз зарур. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларини психолог, дефектолог каби мутахассислар билан таъминлаш ҳам бугунги кун талабидир.

Шунинг баробарида мактабгача таълим муассасаларига камраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашда қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларининг роли муҳим саналади. Айни шу сабабли келгусида болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарнинг педагогик-психологик билимларини ошириш ҳам мақсадга мувофиқ саналади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида 3-6 ёшдаги мактабгача таълим муассасаларига камраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали мактаб таълимига тайёрлашни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилгани болаларни таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш даражасини юксалтиради.

Шу ўринда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни интеллектуал, жисмоний, ахлокий жиҳатдан тарбиялаш, умуминсоний кадриятлар билан таништириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида турли тўғараклар, маънавият ва экология хоналари, кичик музей, кутубхоналар ташкил этиш борасидаги анъаналарни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ. Чунки китобга, санъатга, илмга.

умуман, келажакда муайян касбни эгаллашга бўлган қизиқиш болаларда айни шу даврда шаклланади.

Мухтасар айтганда, мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. Шундай экан, бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама қулай шартшароитлар яратиш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг баркамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасига эътибор қилсак: “Айни пайтда фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг замон талабларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни сусайтириб юборганимиз оқибатида кўпгина муаммолар йиғилиб қолганини очиқ айтиш лозим.

Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёқараши қандай юқори бўлишини бугун қимгадир исботлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳеч қандай ҳожати йўқ. Бу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик зиммасига маъмурий ислохотлар доирасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир қатор муҳим вазифалар юкланди.

Бу борада қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин 3-4 йил мобайнида юртимиздаги барча ҳудудларда – бу қатта шаҳарлар бўладими ёки олис қишлоқ ва овуллар бўладими, минглаб янги боғчаларни қуришимиз зарур. Уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаб, малакали тарбиячи ва мутахассислар, янги методика билан таъминлашимиз керак”¹ – фикрлари долзарблиги ва устивор бўлиши, қанчалик қийин бўлмасин, бу тарихий вазифани амалга оширишимиз шарт ва уни барчамиз биргаликда бажарамиз албатта.

¹ <http://www.president.uz/uz/lists/view/1328>

1.2. Мактабгача таълим тизими тараққиётининг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 16 август кунини умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирликлари раҳбарларини қабул қилиб, ҳисоботларини тинглади.

Президент Ш.Мирзиёев мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласига тўхталиб ўтди. Болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб бориш, шу орқали уларни она Ватанга муҳаббат, покиза орзулар руҳида камол топтириш бугунги кундаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан бири эканини таъкидлади. Зеро, фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, қандай юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабгача таълим муассасасида оладиган тарбиясига боғлиқ эканлигини эътироф этди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув тузилмасини ташкил этиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз камраб олишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш, бошланғич таълим муассасаларига қатор имтиёзлар бериш борасида муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган норматив-ҳукукий

ҳужжатлар қабул қилиниб, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши бежиз эмас, чунки, мактабгача таълим уйғун ривожланган шахсни тарбиялаш, болани бутун келажагини белгилаб берадиган билим ва қадриятларни ёш авлод қалбига сингдиришда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган муассасадир. Юқоридаги фикрларни инобатга олсак, ҳали соҳада ечимини қутаётган қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида моддий-техник базанинг ночорлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, сифатли озиқ-овқат таъминотининг пастлиги қабилар болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ камраб олишни таъминлашга имкон бермаётганлиги қабилар.

Ҳозирда бу ўта муҳим ва долзарб вазифаларни тез ва сифатли бажариш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида эканлигини 2017 йил 9 сентябрь кунини қабул қилинган “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори тасдиқлаб турибди.

Қарорда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, МТТлар инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Унга кўра, мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқларни, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан таҳлил қилиш, соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан, зарур инфратузилмани яратишга, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришга, педагог кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини оширишга, хусусий секторни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш каби бир қатор долзарб вазифаларни бажариши назарда тутилган. Айниқса, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини қайта кўриб чиқиш, болаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибини,

ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини танқидий ўрганиш ҳам бевосита комиссия зиммасига юкланди.

2018 йил 1 январдан бошлаб, Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тарикасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши ҳам соҳада ўзига хос янгилик, дейиш мумкин. Бунинг учун инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар фойдаланиш учун ажаратилади. Уларга солиқ имтиёзлари ва имтиёзли кредитлар берилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланиб, шу асосда аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Мактабгача таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, хориж тажрибасидан фойдаланиб, миллий тизимни янада ривожлантиришга доир амалий ишларни бажариш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, Президент Ш.Мирзиёевнинг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ёш авлоднинг баркамол ва етук шахс бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда миллий генофондни мустаҳкамлаш, ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни ўтла камраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПК-3305-сонли Қарорига мувофиқ: мактабгача таълим тизимини комплекс тарбиялашнинг барча жиҳати, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг кўплаб йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, мамлакатимизда сўнгги 20 йил давомида давлат

тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фонздан зиёдрок камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан камраб олинishi 30 фонзни ташкил этиши шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий техника базаси ҳам замонавий талабларга деярли жавоб бермаслиги фармонда қайд этилди.

Айни вақтда ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларида кўпроқ ўрта махсус маълумотли кадрлар фаолият юритаётгани боис мактабга тайёрлов гуруҳларида машғулотлар етарлича ўтилмаётгани, кўплаб боғчалар бинолари талабга жавоб бермаслиги, айниқса, болалар камрови туманлар кесимида олинганда, 18 - 20 фонзни ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас эди. Мазкур ҳужжатда соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, уларга шарт-шароитлар яратиш, болалар камровини босқичма босқич кенгайтириш, ёш авлодда китоб ўқишга қизиқиш уйғотиш, уларнинг соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби жуда долзарб масалалар камраб олинди. Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ҳамда педагог ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ҳам ўта муҳим масалалар сифатида кўрсатилди.

Фармон билан тузилган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бу борадаги бошқарув тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиб, идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат тасарруфидаги барча мактабгача таълим муассасаси мазкур вазирлик тизимига ўтказилди. Мактабгача таълим вазирлиги зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Хусусан, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини юртиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб, мактабгача ёшдаги болаларни ҳар жиҳатдан интеллектуал, ахлокий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шартшароит яратиш, давлат ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобида фарзандларимизни мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич тўлиқ камраб олиншини таъминлаш ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларини миллий маданий тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга кизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ҳамда ўйинчоқлар, бадний адабиётлар билан таъминлаш, тажрибали юқори малакали, касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ва тарбиячиларни ўқув-тарбия жараёнига жалб қилиш қабилар ҳам вазирликнинг диққат-эътиборида бўлиши белгилаб қўйилди.

Мазкур ҳужжатлар узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини саналмиш мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг давлат ҳамда нодавлат тармоғини кенгайтириш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашда дастуриламалга айланди.

Ўзбекистон Республика Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда “Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади”, деб таъкидлади².

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий ҳулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси канчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди. Бунга қўшимча исбот қидириб узокка боришнинг ҳожати йўқ. Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам биз мактабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошландик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширмасак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига

² <http://xs.uz/index.php/homepage/fan-va-talim/item/11694-maktabgacha-ta-lim-vazirligi-so-ada-yangi-tizim-va-amaliyot-zhorij-etildi>

эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади, дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг онги, савияси, жисмони, рухий, маънавий ривожланишида катта фарқ бўлиши шубҳасиздир. Психологияда боланинг мулоқот доираси канчалик кенг бўлса, бу унинг умумий ривожланишига тўғридан тўғри таъсир кўрсатиши таъкидланади. Мактабгача таълим муассасасига борган боланинг мулоқот доираси ўз оиласи ва яқинлари билан чегараланмайди, энди бола болалар жамоасига қўшилади ва ўзининг тор қобилиятдан чиқиб, кенг олам билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширишмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим муассасалари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мактабгача таълим соҳасига ихтисослашган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. “Биз қабул қилаётган барча-барча қарорларни амалга оширадиган, фарзандларимизга билим асосларини, энг зарур ҳаётий тушунча ва кўникмаларни ўргатадиганлар юқори малакали тарбиячи ва мураббийлардир”, дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев³.

Илғор хорижий тажрибалар асосида мактабгача таълим тизимидаги педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув-режа ва дастурларни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари махсус сиртки бўлимларининг “Мактабгача таълим” йўналиши бўйича 2018-2023 йиллар учун квоталар ажратиш масаласига эътибор қаратилди.

³ <https://www.gov.uz/uz/news/view/12752>



Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида малакали тиббий хизматни ташкил этиш, санитария меъёрлари ва гигиена қоидаларига тўла жавоб берадиган соғлом овқатланиш тизimini йўлга қўйиш, шифокорлар ажратиш, тиббиёт ҳамшираларининг малакасини ошириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун доридармон, санитария-гигиена воситалари билан тўлиқ таъминлаш, болаларнинг овқатланишини белгилашган меъёрлар даражасида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш ва навбатга қўйиш бўйича электрон дастур”ни жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, давлат мактабгача таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминланганлик ва интернет тармоғига уланганлик ҳолати танқидий ўрганилиб, уларни босқичма-босқич замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш ва интернет тармоғига улаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари биз мактабгача таълим соҳасида ҳар жихатдан замонавий тизим яратишимиз керак, келгуси 3-4 йилда 5-6 ёшдаги барча болаларни мактабгача таълимга тўлиқ камраб олишга эришмоғимиз шарт, бу эртаги кунимизни ҳал қиладиган масала ва биз буни албатта амалга оширишимиз шарт эканлигини таъкидлади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нуткий, математик, физио-психологик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш бўйича таълим дастурлари жорий этилмаганлиги, умуман, боғчалар “ота-она ишда бўлган вақтда болага қараб турадиган муассаса”га айланиб қолганлиги тизимни тубдан ислох қилишни талаб қилар эди. Шу туфайли Президентимиз мамлакат келажаги ва равнакида муҳим ўрни тутадиган бу соҳага алоҳида эътибор қаратди десак муболаға бўлмайди албатта.

Ш.Мирзиёев ўзининг мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи чоғида мактабгача таълим муассасаларини кириб кўрганлиги, шахсан Президентимиз раислигида бу соҳани ривожлантириш бўйича бир неча йиғилишлар ўтказилгани ҳам ана шу эътибордан далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида соҳа олдидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар белгилаб берилди. Шу кунги қабул қилинган Президент қарорига асосан, бу соҳада алоҳида вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Йиғилишда тизимда амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Президентимиз мактабгача таълим тизимидаги ҳолатни ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб, ўз ечимини қутаётган муаммо ва камчиликларга тўхталди. Хусусан, жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида кадрлар таъминоти ва салоҳияти етарли эмаслиги, соҳада 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилаётган бўлса-да, уларнинг 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этаётгани фарзандларимизни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермаётгани таъкидланди.

Мактабгача таълим муассасаларига болалар бадний адабиётлари йиллар давомида етказиб берилмагани, ота-оналарда боғчага нисбатан ишонч йўқолгани, мактабгача таълим тизимида йиллар давомида қўплаб муаммолар йиғилиб қолгани танқид остига олинди.

Шунингдек, кўпгина маҳаллий ҳокимликлар томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолияти учун зарур шароит яратилмагани, боғча бинолари бўм-бўш тургани, улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаганига алоҳида эътибор қаратилиб, мутасадди раҳбарларнинг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида 2018 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилиши лозим бўлган қатор стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Биринчидан, 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Дастур асосида боғчалар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадал давом эттирилиши таъкидланди.

2018 йил Давлат бюджетидан 427 боғчада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун 771 миллиард сўм маблағ ажратиш (жумладан, 14 тасини янгидан қуриш, 256 тасини реконструкция қилиш ва 157 тасини капитал таъмирлаш) бўйича топшириқ берилди.

Бу жараёнда замонавий киёфага эга бўлган 50, 100 ва 150 ўринли боғча бинолари лойиҳалари кеска муддатда қайта ишлаб чиқиши ва бунда ҳудудлар шароити ҳисобга олиниши, иншоотлар кишда иссик, ёзда салкин бўлиши, болаларнинг ювиниши, овкатланиши, машгулот ўтказиши, ўйнаши, ухлаши учун барча шароит яратилиши, ошхона алоҳида жойлашиши, энг асосийси, янги бинолар қурилишида болаларга таълим-тарбия бериш жараёнини ташкил этиш бўйича қўйилаётган талаблар қатъий инобатга олиниши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Иккинчидан, давлат-хусусий шерикчилик асосида янги турдаги мактабгача таълим муассасаларини фаол ташкил этиш кераклиги қайд этилди. Бу масалада энг муҳим муаммо — сармоя эканлигини ҳисобга олиб, ташкил этиладиган подавлат таълим муассасаларига ҳар томонлама қўмаклашиш, керакли кредит маблағларини ажратиш учун ҳар бир вилоятга тижорат банклари бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига болаларни мактабгача таълимга камраб олиш даражасини кескин ошириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, бунда ҳар бир туман ва шаҳарда 10 — 15 та янги, жумладан, давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Хусусий боғчаларга катта имтиёзлар берилгани, жумладан, 2018 йил 1 январдан бошлаб, 5 йил давомида хусусий боғчалар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун сарфланадиган маблағнинг ярми Давлат бюджети ҳисобидан қопланиши таъкидланди. Бу уларга тўланадиган тўловлар ошиб кетмаслигини таъминлайди.

Учинчидан, боғчаларда болаларни соғлом овкатлантириш ва уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Шундан келиб чикиб, бунинг учун ажратилаётган маблағ миқдорини ошириш чорасини кўриш юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2018 йилдан бошлаб ҳар бир мактабгача таълим муассасасига 10 — 15 нафар фермерни

сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш учун бириктириш топширилди.

Болалар боғчаларига тайёр сифатли иссик овқат етказиб берадиган давлат корхонаси ташкил этиш ва “Кетринг” хизматини йўлга қўйиш механизминини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Тўртинчидан, боғчаларда таълим-тарбия ва тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2018 йили мактабгача таълим муассасаларини Жанубий Корея тажрибаси асосида услубий ва дидактик ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш меъёрлари ишлаб чиқилади.

Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари, таълим-тарбия дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, уларда болаларга ўқиш ва ёзишни турли ўйинлар орқали ўргатишни назарда тутиш лозимлиги таъкидланди.

Юқори малакали тарбиячи ва мураббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада Мактабгача таълим вазирлиги тизимида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти фаолияти такомиллаштирилиши қайд этилди.

Мазкур институтда замонавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини йўлга қўйиш орқали тизимдаги раҳбар ва педагог кадрлар салоҳиятини узлуксиз ошириб бориш, шунингдек, илғор педагогик усул ва услублар ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мактабгача таълим учун кадрлар тайёрлайдиган институтларнинг қабул квоталарини реал эҳтиёждан келиб чикиб белгилаш ҳамда мактабгача таълим педагогларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш топширилди.

Бешинчидан, мактабгача таълим соҳасини такомиллаштириш бўйича хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш вазифаси қўйилди. Жумладан, Жаҳон банкининг Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда “Болаларни илк ёшдан ривожлантиришни такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида 2019

— 2022 йилларда 10 миллион доллар миқдоридagi грант ва 50 миллион доллар миқдоридagi имтиёзли кредитни мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтириш бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Олтинчидан, мактабгача таълим соҳасига онд меъёрий-хукукий хужжатлар базасини тубдан такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ва Мактабгача таълим вазирлигига илғор хорижий тажриба асосида “Мактабгача таълим тўғрисида”ги қону лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Еттинчидан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда боғчаларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини лойиҳалашни тубдан қайта қўриб чиқиш юклатилди.

Мактабгача таълим сифати — эртанги қўнимизни ҳал қиладиган масала. Мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш фақатгина янги ташкил этилган вазирликнинг вазифаси эмас. Бу Президент, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан бошлаб, туман ҳокими, энг қуйи идора раҳбаригача — барчамизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Хулоса қилиб айтганда юқорида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган барча давлат хужжатларининг ўзи соҳани ривожлантиришга инновацион ёндошув ҳисобланади. Демак, мазкур мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича қабул қилинган хукукий-меъёрий ҳуддатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун ҳам бугунги кунда инновацион ёндошув талаб этилади.

1.3. Мактабгача таълимда хорижий мамлакатлар тажрибаси

Россия Федерацияси мактабгача таълим тизимининг хусусиятлари.

Таълим доирасидаги давлат сиёсати мамлакат конституцияси ва таълим тўғрисидаги қонунда ўз аксини топган гуманизм ва демократия ғоялари асосида қурилган. Бу хужжатларда таълим инсонни давлат, жамият ва шахснинг ўз манфаатига мақсадли

йўналтирилган ўқитиш ва тарбиялаш жараёни эканлиги тўғридан-тўғри кўрсатилган.

Россия таълимининг таркибини ўқув дастурлари ва турли поғонали давлат стандартлари ҳамда йўналишлари, шунингдек бошқарувчи ташкилотлар - таълим тизимидан ташқари ва таълим тизимига бўйсунувчи муассасалар ташкил этади. Мактабгача таълим Россия Федерацияси ўқитиш тизимининг биринчи поғонасидир.

Энг кичик ёшдаги болалар учун ҳам таълим олиш имкониятини бериш ғояси 1918 йилда «Ягона меҳнат мактаби тўғрисидаги Низом» вужудга келгандан сўнг пайдо бўлган. Низом қабул қилинган кундан бошлаб ҳар бир бола туғилганидан бошлаб ўқиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги қафолатланган.

Бугунги кун таълим стандартлари «Болалар ҳуқуқлари халқаро Конвенция»сида ифодаланиб, унда қуйидагилар таъкидланади:

- болалар таълим олиш масканларига қатнаш имкониятига эга бўлишлари керак;

- катталар болаларга ўқиш фаолияти учун шароит яратиб беришлари лозим;

- таълим ўз ичига кичик одамни жамият доирасида ўз ҳаётини тушуниб етишга тайёрлаш учун барча керакли шароитларни қамраб олган бўлиши зарур;

- ўқув жараёни қатнашчиларининг ўзаро ҳаракатлари болани ҳурмат қилишни ифодалашга асосланган бўлиши керак.

Россиядаги мактабгача таълим тизими доимо ўзгарувчан ҳолатда бўлиб, у мунтазам равишда янгиланади, кўринишини ўзгартиради ва мукаммаллашиб боради.

Бола учун илк устозлар унинг ота-онаси ҳисобланади. Улар болаларни гўдаклигидан жисмонан, интеллектуал ва ахлоқ масалаларида тарбиялашлари лозим. Мактабгача тарбия муассасалари (МТМ) фаолияти онлаларга билим олиш ва тарбиянинг кейинги босқичида ёрдам беришга қаратилган.

Айрим мутахассислар болалар боғчаларига ҳожат йўқ, мактабгача тарбия эса тўлиқ ота-оналар зиммасига юклатилсин ва уларнинг ўзлари болани I-синфга қаерда ва қандай қилиб тайёрлаш йўлини ҳал қилсинлар, деб таъкидлайдилар. Лекин

статистик маълумотларга кўра, МТМлар хизматидан аксарият ота-оналар фойдаланадилар. Шунинг учун таълим тизимини ривожлантириш стратегияси келажакда Россия мактабгача тарбия модернизациясини биринчи даражали масалаларидан бири деб белгилайди.

Намунавий низомларга биноан, болалар таълим муассасалари беш турга бўлинади:

- ривожланишнинг бир-икки йўналишини амалга оширишни муҳим деб билган болалар боғчалари;

- психикаси нормадан оғиб кетган болаларни малакани коррекциялашга қаратилган компенсацияловчи турдаги боғчалар;

- тарбиячи назорати остида болалар билан соғломлаштириш машқлари ўтказиб бориладиган болалар боғчалари;

- ўз ҳудудида умумий ривожланиш, соғломлаштириш ва компенсацияловчи гуруҳлар турли вариантларда жамланган болалар боғчалари;

- болаларни эрта ривожлантириш марказлари - кичкинтойлар соғломлаштириш, янги билімлар ва қобилиятларни эгаллаш, руҳий мадад олиши мумкин бўлган болалар боғчалари.

Шундай қилиб, мактабгача таълим тизими кўп функционаллик, ранг-баранг режалаштириш, устувор ривожлантириш йўналиши ва турли дастурлашни аниқлаш эркинлиги билан ифодаланади.

Россиянинг мактабгача таълим тизими «Ўқув жараёни модернизацияси Концепцияси»га асосланган. Бу концепцияда таълимнинг сифат кўрсаткичларини таъминлашга муҳим аҳамият берилган. Бу ҳужжат таълим тўғрисидаги қонунга, Россия Федерацияси Конституциясига, МТМ тўғрисидаги Намунавий низомларга ва Таълим вазирлигининг бошқа қарорларига асосланган. Бу Концепцияда алоҳида ташкилотларнинг фойдали тажрибаси асосида ўқитиш мазмунини янгилаш кераклиги хақида сўз юритилади.

Назарий тадқиқотларнинг кўрсатишича, мактабгача таълим мазмунини тўлдиришга стереотип ёндашишларни ўзгартириш керак, таълим бериш жараёни эса қуйидаги тамойиллар кетма-кетлиги асосида қилиниши лозим:

- ўқитишнинг ривожлантирувчи характери асосида ўқитишни олиб бориш болаларнинг яширин ва салоҳиятли ҳислатларини намойиш қилади;

- тизимли таълим болаларга ҳодисалар, ўрганилаётган объектлар ва ҳаётий қадриятларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради;

- боланинг ривожланиши унинг ҳис-туйғулари ва ёшига мос билім олишнинг рационал шаклларига таянади;

- кўп маданиятли тарбиянинг мазмунан кичкинтойларни маданият ва ўзининг маҳаллий ҳамда бошқа миллат ва элатларнинг урф-одатларининг ўзига ҳослигига яқинлаштириш, бошқалар фикрига чидамлироқ бўлиш, ўзининг норозилиги, қазабланиши ва ҳафалигини меъёрланган ҳолда ифодалашдан иборат;

- саломатлигининг соғлом турмуш тарзи, гигиена қоидаларига амал қилиш ва спорт билан шуғулланиш эҳтиёжига асосланади.

Мактабгача таълимнинг инглиз тизими. Маълумки, Буюк Британия поёб маданият ва анъаналар давлати ҳисобланади. Инглиз таълим бериш тизими дунёдаги энг яхши тизимлардан бири деб ҳисобланади, Британия таълим дастурлари энг юқори стандартларга мос келади. Буюк Британияда мактабгача таълим бериш камбағал ишчи оилалар болаларига кўнгилли ёрдам бериш ҳаракатига асосан вужудга келган. 1816 йилда Роберт Оуэн илк бор Шотландияда ўз фабрикаси ишчиларининг фарзандлари учун илк бор болалар боғчасини очган. XX аср бошларида опа-сингил Макмилланларнинг ташаббуси билан бир нечта болалар боғчалари очилиб, уларда асосан кам таъминланган оилалар фарзандларининг саломатлиги ва яхши овқатланишлари учун ғамхўрлик кўрсатилган.

Ривожланиш босқичлари.

1988 йилда «Таълим тўғрисида»ги қонуни қучга кириб, унда нафакат таълим стандартлари, балки болаларни мактабга қабул қилиш вақтида руҳий ривожланиш даражасига базавий баҳо бериш ҳам белгиланган. Англия, Шотландия ва Уэльсда мажбурий таълим 5 ёшдан, Шимолий Ирландияда эса 4 ёшдан бошланади. Ўқитишни бошлаш муддати Европада энг эрта деб ҳисобланади.

Мактабгача таълим устувор йўналиш тоифасига 1996 йилда мактабгача таълим тизими ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейингина тушган. Уни қабул қилишдан асосий мақсад болалар боғчаларида таълим бериш сифатини яхшилаш, таълим стандартларини ошириш ва эрта таълим беришни молиялаштиришдан иборат. Таклиф қилинган тизим доирасида ўзига хос ўқув режаси ўрнатилиб, унинг бажарилиши мактабгача таълим муассасасининг давлат таълим тизими талабларига жавоб бериши лозим. Махсус эҳтиёжларга мухтож ва инглиз тили уларнинг она тили бўлмаган болаларга алоҳида эътибор берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, болалар тарбияси ва таълим олиши ўртасидаги фарқ ҳамма мамлакатларда мавжуд эмас. Буюк Британияда эса иккаласи ҳам аҳамиятли ва зарур, деб тан олинган. Бирлашган Қиролликда бундай хизмат курсатувчи 25 турдаги муассасалар фаолият олиб боради ва шунинг учун бу ердаги таълим тизими турлича ва аҳамияти ҳам тенг эмас.

1997 йилдан Англияда эрта таълим ислохоти амалга оширилмокда. Бу давргача эрта таълим олиш ва тарбиялашга ёндашиш тизимлаштирилмаган эди - мактабгача тарбия муассасаси хоҳлаганича ўқитиш дастури ёки хизмат кўрсатиш турларини қўллаши мумкин эди. Бу ҳолат ягона таълим тизимига жамланмаган «ноёб» ёндашишларнинг тарқалишига олиб келди. Ўқитиш учун хизматлар сифати ўзгариб турар эди. Англиядаги 3-4 ёшдаги болалар учун мактабгача таълим Европада энг яхшилардан бири деб тан олинган бўлса-да, Буюк Британияда ўтган асрнинг 90-йиллар бошига келиб ундан факат 20 фоизгина болалар фойдаланар эдилар. Қабул қилинган ислохот 3-4 ёшдаги болалар тарбияси учун ягона таълим дастури ишлаб чиқарилишига йўналтирилган эди. 1988 йилда мактабгача таълимни ривожлантириш учун 15 млрд. доллар микдорида маблағ сарфланган. Шу билан бирга 1997 йилга келиб Буюк Британияда мактабгача таълимнинг бирорта ҳам хусусий тизими бўлмаган бўлса-да, ҳозирга келиб уларнинг сони 20 тадан ошиб кетди.

Болалар боғчаси факат давлат руйхатидан ўтгандан кейингина давлат томонидан молиялаштирилади. Болалар боғчаларида инспекция мустақил экспертлар томонидан ўтказилиб, натижалари очик ахборот воситаларида эълон

қилинади. 1977 йилги давлат текшируви натижаларига кўра 77 фоиз мактабгача таълим муассасалари қабул қилинган стандартларга мос келмаган: болалар боғчаларида батафсил таълим режалари мавжуд бўлмаган, болалар ривожланишининг мониторинг тизими тақдим этилмаган, таълим дастурларининг турли жихатлари ўртасидаги аниқ боғланиш белгиланмаган. Эксперт ҳисоботларининг 40 фоизиди педагогларнинг болалар ривожланишининг ҳолати тўғрисида тушунчалар етарли эмаслиги кўрсатилган; бола томонидан таклиф этилган фаолият ва таълим дастурига мос равишда педагог томонидан ташкил этилган фаолият ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг мутаносиб тизими мавжуд эмаслиги. Бугунги кунда бундай муаммолар қисман ўз ечимини топган, лекин болалар боғчаси битирувчиларининг тайёргарлиги ва мактабларнинг мактабгача таълим муассасаси битирувчиларига қўйилган ҳаддан ташқари оширилган талаблари орасидаги катта фарқ «Бола қандай ривожланиши керак?» деган масалага назарий нуктаи назар ва педагогларнинг амалдаги ёндашуви ўртасида бир қатор келишмовчиликлар туғдирмокда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Буюк Британиянинг ҳамма ерида мактабгача таълим муассасаларида бир хил таълим стандартлари доирасида иш олиб борилмади. Масалан, Шотландияда эрта таълим соҳасидаги ислохотлар - эрта қўллаб-қувватлаш марказлари билан боғлиқ эмас. Ундан фарқли равишда очик семинар ва конференциялар ўтказилиб, у ерда педагоглар таълим жараёнига ёндашув хусусиятларини намоён этиш йўллари билан тажриба алмашадилар.

Таълимга ёндашув.

Буюк Британияда одатда таълим бериш ўрганилаётган предмет ёки ўқитувчига эмас, балки болага йўналтирилади. Бундай ёндашув инглиз таълими тарихига асосланиб, унинг ривожига Руссо, Фребель, Монтессори таъсир кўрсатганлар. Улар боланинг индивидуаллигини ривожлантириш ва мустақиллигини ҳимоя қилиш керак, деб ҳисоблаганлар. Мактабгача тарбиянинг асосий мақсадлари: ҳар бир боланинг эҳтиёжи ва унинг манфаатларини қондириш, болалар ўртасидаги фарқни ҳурмат қилиш. Бунда бола ўқиш учун ички интилишга эга, қизиқувчан ва табиатан серғайрат, деб тахмин қилинади. Ўқитиш боланинг ўзи таклиф қилган ўйин давомида олиб борилиши керак. Устознинг

асосий вазифаси болага уқтириш йўли билан эмас, балки ўйинни қўллаб туриш, унга тадқиқот ўтказиш учун турли материаллар тақдим этишдан иборат.

Буюк Британиянинг мактабгача таълим тизимини ўрганиш бўйича Ю.Квонг катта тадқиқот ишларини олиб борган. У болалар боғчалари ходимлари ва ота-оналар ўрғасида сўровномалар ўтказган, болалар боғчалари фаолиятини кузатган. Тадқиқот ўтказиш учун эркин равишда 10 та мактабгача таълим муассасаси танланиб, улардан ҳар бирининг икки гуруҳида мунтазам беш кунлик узлуксиз кузатув олиб борилган. Инглиз болалар боғчалар гуруҳларида 25 нафардан ортмаган миқдорда бола тарбияланади (тарбиячилар ва болалар сони бирга ўн нисбатда олинади).

Натижаларнинг кўрсатишича, инглиз педагогларининг 75 фоизи болаларни таълим олишга қизиқтириш учун ташқаридан мотивация қилишни номувоқуф деб ҳисоблайдилар (масалан, болалар ўртасида мусобақаланиш шаклини). Бундай позиция негизида илмий асосланган маълумотлар ётади. Масалан, М.Леннер ва Д.Грин тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болаларни расм чизиш (болалар бунга жуда қизиқади) учун мукофотланганлари миқдори келтирилган. Шундан сўнг болалар бўш вақтида ўзича расм чизишни хоҳламай, фақат мукофот учун расм чизишни истаб қолганлар. Бошқача қилиб айтганда, болаларда ички мотивация йўқолиб, унинг ўрнини ташқи мотивация эгаллаган.

Инглиз болалар боғчасида болалар узоқ муддат мустақил шуғулланадилар, тарбиячи эса уларни четдан кузатиб боради. Умумий вақтнинг фақат 15 фоизи педагог раҳбарлигида гуруҳ кўринишда ўқитишга ажратилади. Бундай ўқитиш ривожланиш даражаси бир-бирига тенг бо-лалардан тузилган кичик гуруҳларда ўтказилади. Шу йўл билан мактабгача ёшдаги болалар ривожланишини инобатга олиш қондаси амалда қўлланилади.

Деярли ҳамма тарбиячилар болаларнинг ҳам ривожланиши, ҳам руҳий шаклланиши даражаси диагностикаси учун мазмуний-ролли ўйинлар, расм чизиш ва нарсалар ясаш усулидан фойдаланиш керак, деб ҳисоблайдилар. Амалда инглиз болалар боғчаларида (амалдаги тил ва математика бўйича мажбурий

машғуллотлардан ташқари) сув, қум билан ўйинлар ва ҳаракатли ўйинлар орқали тадқиқот фаолиятига катта аҳамият берадилар. Мазмуний-ролли ўйинларга педагогларда деярли вақт қолмайди.

Болалар боғчасида ишлашга руҳсат олиш учун алоҳида тегишли тайёрларлик қилиш лозим. Бу тайёрларлик ё уч йил асосий ва бир йил қўшимча ўқишдан ёки тўрт йил турли таълим тузилмаларда таҳсил олишдан иборат. Тарбиячиларнинг атиги 20 фоизи бакалавр мақомига эга. Педагог ёрдамчиси ёки энага бўлиш учун махсус 15 соатлик тайёрлов дастури ўқишлари керак. Бундай ўқишни ҳозирги кунда қўпайиб бораётган таълим ассоциацияларида ўташ мумкин. Буюк Британиядаги мутахассислар тайёрлаш тизимининг шубҳасиз афзаллиги унинг юқори даражада амалиётга қаратилганлигидир. Бу борада 50 фоиз машғуллотлар мактабгача таълим муассасаларида ўтказилади. Мутахассисларнинг баҳолашича, Буюк Британияда мактабгача тарбия муассасаларида яқин 10 йил ичида иш жойлари 250000 тага қўнаяди.

Ота-оналарга ёрдам. 1997 йилда Буюк Британияда кам таъминланган оилалар болаларига йўналтирилган эрта қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш дастури жорий этила бошланди. Бу марказлар болани парваришлаш ва ўқитиш учун барча зарур хизматларни амалга оширади ва бу жараёнга ота-оналар ҳам жалб этилади. 1998 йилда бундай марказлар сони 11 та эди, 2001 йилга келиб уларнинг сони 35 тага етди, бугунга келиб эса 100 дан ортиқ. Эътироф этилишича, ижтимоий паст табақага мансуб ёш она фарзандини илк бор марказга олиб келганида бола учун барча қулайликлар муҳайё бўлади, болалар учун юмшоқ меҳелдан тортиб ўйинчоқларгача бўлган барча зарур нарсалар билан таъминланган тиббий пункт мавжуд.

Мактабгача тарбия масалаларига, ҳусусан ёш болали ота-оналарга диққат-эътибор қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди. 1999 йилда болани парваришлаш учун таътил 14 ҳафтадан 18 ҳафтагача узайтирилди. Бирор-бир қорхона-да бир йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир аёл бундай ҳуқуққа эга. Шу билан бирга уларга 5 йиллик муддатга иш жойини сақлаб қолиш қарантилланилади. 60 фоиздан кўпроқ оналар декрет таътилидан сўнг ўз иш жойларига қайтадилар.

Англиядаги мактабгача тарбия муассасаларида болалар тарбияси учун тўлов Европада энг кўни ташкил этади. Кам таъминланган oilаларга ёрдам тариқасида кредит дастури ишлаб чиқилган ва унга асосан ҳафтасига камида 16 соат ишлайдиган ота-онaлар 14 ёшгача бўлган битта фарзанди учун 105 АҚШ доллари миқдорида, икки ва ундан кўн шу ёшдаги болалари учун 158 АҚШ доллари миқдорида кредит пули олишлари мумкин. Oilалар зиммасига болаларни парваринилаш ва таълим бериш учун асосий молиявий мажбурият юклатилади. Бепул ва ҳаммабон тарбия билан эса 3-4 ёшдаги болалар билан кунига озгина вақт (бир неча соат) шуғулланиш мумкин.

Шу билан бирга Буюк Британияда oilада фақат ёки ота, ёки она бўлган oilалар сони Европа миқёсида энг кўн фоизни (20%) ташкил этади. Бундай ота-онaларнинг кўнчилиги (60%) ишсизлар. Статистик маълумотларга кура, ҳар учинчи бола (4.3 миллион бола) муҳтожликда яшайди (бу кўрсаткич ота-онaларнинг даромади аҳолининг ўртача даромадидан кам бўлганда аниқланган).

Куйи (пастки) ижтимоий-иктисодий табақа oilаларидаги болаларни қўллаб-қувватлаш эрта қўллаб-қувватлаш марказларидан ташқари «Қатъий старт» дастури ёрдамида амалга оширилади. Бу дастурни ташкил этувчи қисмлари: мутахассислар билан болаларнинг уйда учрашувлар, боланинг ўйнаш фаолляти юқори сифати ҳислатини қўллаб-қувватлаш, болага зарур парвариш беришни таъминлаш, махсус эхтиёжларга муҳтож болаларга алоҳида эътибор қаратиш.

Мактабгача ёшдаги болалар учун дастурлар. Буюк Британиядаги мактабгача таълим ўқув режасида нафақат умумий таълим жараёнига урғу берилади, балки боладаги ўқиш ва ҳисоблаш каби кўникмаларга алоҳида аҳамият берилади. Бунда 4-5 ёшдаги болалар ривожланишнинг олти йўналишидаги аниқ кўникма ва билимлари белгиланди: шахсиятлик; ижтимоий-эмоционал; коммуникатив; хабардорлик; математик; жисмонан; ижодий. Мактабгача ёшдаги болалар кўн ўйнашлари керак, лекин адабиёт ва математикани билиш доирасидаги талаблар шунчали юқорики, ўйин учун вақт қолмайди. Масалан, саводхонлик борасида гап кетганда беш ёшли болалар куйидагиларни билишлари керак:

- сўз боши ва охиридаги товушларни аниқлаш;
- товуш ва ҳарфларни ажрата билиш;
- алифбодаги ҳамма ҳарфларни айтиш;
- оддий сўзлар ва гапни ўқиш;
- ўз исмини ёзиш;
- оддий сўзларни ёзишда фонетика билимларидан фойдаланиш.

Бундай мақсадлар юқори технологияли дастурлар яратилишига олиб келади. Уларда ҳар бир машғулот учун нафақат педагог томонидан аниқ ҳаракатлар кетма-кетлиги, балки олинадиган натижалар кам баён этилган.

Германияда мактабгача таълим тизими.

Германия қонунларида мактабгача таълим олишнинг бепул ҳуқуқи белгиланган. Болаларни 4 ойлигиданоқ яслига олиб бориш мумкин. Кўпчилик немислар бу ҳуқуқдан фойдаланадилар. Немисларда кекса авлод вакиллари бўлмиш буви ва бувалар неваралар туғилгандан сўнг нафақага чиқиб, уларга қараш мажбуриятлари тушунчаси йўқ. Шунинг учун ота-онaлар болаларини болалар боғчалари ва яслига беришга мажбур бўладилар.

Мактабгача тарбия муассасаларининг (МТМ) ранг-баранг шакллари ва турлари хайратлантиради. Энг қизиқарли болалар боғчалари турлари куйидагича:

1. Waldkindergarten (немисча Wald сўзидан - ўрмон, Kindergarten - болалар боғчаси). Бундай болалар боғчаларини яратиш фикри Скандинавияда бошланган. Кўпинча бундай боғчалар ўрмонда жойлашади. Болажонлар доимо очик ҳавода бўладилар, дарахтлар ва бошқа ўсимликларни ўрғанадилар, табиий материаллардан турли нарсалар ясайдилар. Болаларга табиатни севиш ва уни асраб-авайлаш ўргатилади.

2. Bauernhofkindergarten (немисча Bauernhof сўзидан - дехқон ховлиси; Kindergarten - болалар боғчаси). Бундай боғчалар дехқон хўжаликларида, фермалар ёки уларга яқин ерларда жойлашган бўлади. Болалар қучлари етгунча фермерларга молларни боқишда, дала ва боғларда сабзавот ва мевалар ўстиришда ёрдам берадилар. Бундай болалар боғчаларини яратиш концепцияси Италиянинг Режио-Эмилио шаҳрида пайдо бўлган ва номи ҳам шундан олинган. Бундай мактабгача тарбия муассасаси бозор

(ярмарка) майдонини эслатувчи - ўртада катта бир хона (холл) ва ундан шаҳарчанинг турли «мавзеларига» - кичик хоналарга чикувчи иншоотни эслатади. Бундай турдаги боғчаларда болалар жойлашган муҳит асосий тарбиячи деб аталади. Ҳар куни эрталаб болалар тарбиячи билан катта хонада йиғилишиб, кун режасини маслаҳатлашадилар, сўнгра хоналарга тарқалишади. Бигга хона қурилиш ва турли конструкторлар йиғиш хонасига айлантирилади. Бу ерда болалар кубиклар ўйнаши, конструкторлар йиғиши мумкин. Яна расм чизиш хонаси ҳам бор, одатда у ерда буёқлар ва деворларга ватман қоғозлар осиб қўйилган. Болаларга махсус кийим кийгазиб қўйилади ва улар хоҳлаган ерларига - деворлар, пол, бир-бирларига расм чизишлари мумкин. Бу ерда хунармандчилик, мусикий ва бошқа хоналар ҳам бор. Бундай боғчаларда тарбиячилар болаларга факат атрофдаги жойни ўзлаштиришларида қўмаклашадилар.

Freinet-Kindergarten. Мактабгача педагогиканинг бу йўналиши ўз номини болалар тарбиясига ўзига хос ёндашиш усулини ишлаб чиққан италиялик оилавий жуфтлик фамилиясидан олинган. Бу йўналишнинг асосий тамойили - боланинг бутунлай эркинлиги ва мустақиллигидир. Фрайнет-боғчасида болалар нима қилишлари, қандай ўйин ўйнашлари, нима билан шуғулланишлари, қачон овқатланишлари ва ухлашларини ўзлари хал қиладилар. «Болалар конференцияси» деб аталмиш йиғилишларда болалар МТМ доирасида ҳуқ-атвор қоидаларини ўзлари белгилашади. Бундай боғчаларда ижод қилиш, сюжет-роль ўйинлари, экспериментлар, табиат қўйни ёки шаҳарнинг корхона ва ташкилотларига экскурсияга боришларга катта аҳамият берилади.

Интеграцион болалар боғчалари. Бундай турдаги МТМларда соғлом болалар билан биргаликда жисмонан ва руҳий поссоғлом болалар биргаликда тарбияланади. Бундай шароит оддий болалар учун қидамлик, бағрикенглик ва ҳурмат қилишни ўрганишга ажойиб имконият, деб қаралади. Имкониятлари чекланган болалар жамиятдан ажралган ҳолатда бўлмайдилар, ўз тенгдошлари билан мулоқот ва ҳамжиҳатликда бўлишни ўрганадилар. Шундай боғча ва мактабларнинг сони кўплиги Германияда ногиронларнинг яшashi, таълим олиши ва ўзини намоён қилиши учун қулай шароитлар яратади.

Интернационал болалар боғчалари. Бундай МТМлар эмигрантлар учун яратилган бўлиб, кўпинча уларни эмигрантларнинг ўзлари фарзандлари учун ташкил этадилар. Германияда гурк-немис, яҳудий, рус-немис болалар боғчалари жуда кўп. Бу муассасаларнинг концепцияси билингваллик тамойилига асосланган. Яъни, гуруҳларда доимо болалар билан она тилида сўзловчи тарбиячи билан бирга немис тилида сўзловчи тарбиячи ҳам бўлади. Бунда болалар ҳам ота-оналарининг тилини, ҳам немис тилини ўрганадилар. Рус-немис боғчаларида кўпинча Россия муаллифларининг дастурларидан фойдаланилади. Унда Россияда нишонланадиган анъанавий - Масленица, 8 март, Янги йил каби кўп байрамларга бағишланган машғулотлар ҳам бор.

Шунингдек, Германияда Вальдорф болалар боғчалари ва Монтессори тизимида ишлайдиган болалар боғчалари ҳам мавжуд.

Агар ўрта статистик немис болалар боғчасини олсак, унинг фаолияти лойиҳалар тамойили асосида ташкил этилганлиги намоён бўлади. Масалан, «Касб» лойиҳаси даврида болалар тарбиячи билан экскурсияларга борадилар, турли нарсалар ясайдилар, театрлаштирилган сахналар қўядилар, печенье пиширадилар, лойдан нарсалар ясайдилар ва хоказо. Болалар стулчаларда ўтириб тарбиячини эшитадиган турдаги машғулотлар йўқ. Болаларга кўп эркинлик берилади. Улар истаган нарсани қилишлари, кийимларини ифлос қилишлари, бутун майдонда сакрашлари ва югуришлари мумкин. Болалар билан ишланга бундай ёндашишнинг кўп ижобий ва салбий томонларини топиш мумкин. Лекин ота-оналар олдида концепция, назария ва ғоялардан иборат катта таълаш ҳуқуқи бор. Улар фарзандларини бола учун энг қулай боғчага беришлари мумкин.

Японияда мактабгача таълим.

Японияда болаларни тарбиялаш методи туўғрисида қуйидаги кенг тарқалган иборани келтириш мумкин: «Бола 5 ёшгача - кироқ, 5 ёшдан 15 ёшгача - қул, 15 ёшдан кейин эса барча билан тенг ҳуқуқли инсон». Бу иборанинг турли талқини бошқа миллатларда ҳам учрайди. Албатта, бу фалсафий иборани борица қабул қилиш шарт эмас. Лекин боланинг ҳаёти бир неча

даврларга бўлинади ва булардан биринчи даврида бола ҳаммани ўзига мафтун этади. уни асраб-авайлашади. эркалашади. Ёши улғайгач болада лаззатланишдан ташқари ўзининг ҳаракатлари учун масъулият ва қатор мажбуриятлар пайдо бўлади. Улғайишнинг маълум ёшига етгач кечаги болакай бугун жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва тенг мақомга эга аъзосига айланади. Бунинг ҳаммаси Япониянинг таълим тизимида бир маром ва кетма-кетликда кузатилиб борилади.

Таълим тизимининг, шу жумладан мактабгача таълим ривожланиши тарихи узок ўтмишнинг Мўйди даврига бориб тақалади. Японияда 1876 йида бой хонадон фарзандлари учун биринчи болалар боғчаси очилган. Болалар боғчаларининг очилишидан мақсад болаларнинг аклан ва жисмонан ривожланишига ёрдам берадиган ўзаро муносабатда бўлиш муҳитини яратишдан иборат бўлган. Албатта бола тарбиясида онанинг роли турлича, лекин болаларнинг ўз тенгдошлари, тарбиячи билан мулоқоти, бирга ўйнаши ва биргаликда меҳнат қилиши уй шароитида эришиб бўлмайдиган натижаларга, яъни унинг соғлом ва гармоник ривожланишига имконият беради. Давлат даражасидаги мактабгача тарбия тизими фақат 1961 йилдан кейин кенг таркала бошлади. Бугунги кунга келиб, амалда ҳар бир япон боласи болалар боғчаси ёки болаларга қараш марказига катнайти.

Японияда болалар боғчаси.

Болаларга нисбатан меҳрибонлик ва муҳаббат япон жамияти учун муҳим жиҳатлардан бири бўлиб бундай муҳаббатнинг асосий ва муҳим манбаи аёлдир. Яқин даврларгача япон оилаларида аёллар ўз оиласини асровчи, ғамхур хотин, меҳрибон она бўлиб болага баркамол тарбия бериш унинг вазифаси ҳисобланар эди. Охирги вақтда вазият ўзгариб, японлар кеч турмуш қураптилар ва кўн аёллар ишлашни хоҳлаётдилар ёки ишлашга мажбурлар. Шунга қарамай япон оналарининг аксарияти болаларни 3 ёшгача уй шароитида тарбиялаб, кейин ижтимоийлашиш учун болалар боғчаларига жойлаштирадидилар.

Японияда мактабгача таълим қуйидаги муассасаларда амалга оширилади:

- болалар яслиси, болаларга қараш марказлар;
- болалар боғчалари;

- ногиронлар учун махсус муассасалар.

Мактабгача таълим умуммажбурий бўлмаса ҳам болалар яслилари ва боғчалари катта эҳтиёжга эга ҳамда болани болалар боғчасига жойлаштириш учун аввалроқ ҳаракат қилиш лозим. Ўртача ояганда болалар боғчасига жойлаштириш учун 25000 бола навбатга туради.

Японияда болани болалар боғчасига уч ёшдан берса бўлади, ёки кўпинча болани 4 ёшдан берилади. Мактабгача ўқитиш муддати 3 йил давом этиб сўнгра бола бошланғич мактабга қабул қилинади.

Болалар яслисига (болага қараш маркази) болани уч ойлигидан бериш мумкин, лекин бундай ҳолат японлар орасида кенг тарқалган эмас, чунки бундай ёшда болани яслига жойлаштириш учун онада жуда жиддий сабаб бўлиши керак. Шунингдек, бундай аёл жамият томонидан яхши она деб баҳоланмайди. Атрофдагиларнинг фикри эса японлар учун энг асосий деб ҳисобланади. Японияда болалар яслисига фақат ота-онаси ишлайдиган болалар қабул қилинади. Бунинг учун муниципалитетга ота-она иш жойдан маълумотнома ва оилада бошқа болага қараб турувчи оила аъзоси йўқлиги ҳақида ҳужжатлар тақдим этилади. Болалар яслилари болаларга қараб туриш фаолияти билан шуғулланадилар ва у ерда таълим бериш дастурлари назарда тутилмайди ҳамда улар Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлигига эмас балки Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва фаровонлик вазирлигига бўйсунадилар.

Японияда болалар яслилари. Болани мактабгача тарбия муассасига жойлаштириш масаласини, қандай муассаса (давлатга қарашли ёки хусусий) бўлишидан катъий назар, муниципалитет ҳал қилади. Мэрияга (шаҳар ҳокимиятига) мурожаат қилган ота-оналарга болалар боғчалари (яслилар) қаерда жойлашганлиги кўрсатилган атлас берилади. Бу атласда у ерга борувчи схема, мактабгача тарбия муассасидаги жойлар сони кўрсатилган. Ота-оналар аввалроқ болалар боғчасига боришлари, тарбиячилар билан суҳбатлашишлари ва уларга ёққан боғчани танлашлари мумкин, лекин ҳал қилувчи натижани муниципалитет белгилайди ва бўш ўрин бўлса ота-оналарга болани боғчага (яслига) бориш учун рухсат беради. Болани боғчага йилнинг барча ойдан олиб бориш мумкин, лекин бўш ўринлар сони 1 апрелга келиб кўпаяди

чунки шу пайтда ўқув йили бошланиб боғчаларни битирувчи болаларнинг бир қисми бошланғич мактабга йўл оладилар.

Япониянинг мактабгача тарбия тизимига қуйидаги турдаги муассасалар қиради:

- давлатга, муниципалитетга, префектурага тегишли;
- хусусий.

Шунингдек мактаблар ва институтлар қошида ҳам болалар боғчалари мавжуд. Яъни болалар учун боғча ёшиданок унинг келажакдаги ўқиш жараёни белгиланади. Бундай ихтисослаштирилган болалар боғча тарбияланувчиси келажакда тегишли нуфузли мактабга кейинроқ эса университетга кириш имкониятига эга бўлади.

Фарзандининг порлок келажакини шакллантиришда ота-оналар мактабгача ва таълим муассасаларни танлашга мантикий сиёсат билан ёндашадилар. Бу жараён болани нуфузли болалар боғчасига кейин бошланғич сўнгра энг яхши ўрта мактабга жойлаштириш билан бошланади ва бола катта бўлгунча давом этади. Натижада бола муносиб касб эгаси бўлиши ва шунга мос иш ҳаққи олиши учун ота-отанар бола туғилишидан бошлаб унинг таълим олишига катта маблағ сарфлашлари керак.

Агар оила бирор бир сабаб билан болани болалар боғчасига олиб бормаса, унда онанинг ўзи уни мактабга тайёрлаш учун ҳамма керакли билимни ўргатиши лозим.

Япониянинг мактабгача таълим тизимининг 80 фоизини хусусий болалар боғчалари ва болага қараш марказлари ташкил этади.

Давлатга тегишли ва хусусий боғчалар ўртасидаги фарк катта эмас. Таълим бериш жараёнининг тизими ва ёндашиш иккала турдаги муассасаларда ҳам 2006 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги асосий қонун"га мос равишда олиб борилади. Бунда боланинг ҳоҳ давлатга қарашли, ҳоҳ хусусий боғчада тарбияланиши учун тўлов пули ота-онанинг даромадига қараб белгиланади - оила даромади қанча катта бўлса боғча пули ҳам шунча катта бўлади. Ўртача қилиб олганда кам таъминланганлар учун 100 АҚШ доллардан, бадавлат оилалар учун 500 долларгача тўлов амалга оширилади. Яслиларда (болага қараш марказларида) яна боланинг ёши ҳам ҳисобга олинади - бола қанчалик кичик бўлса, тулов баҳоси юқори бўлади. Лекин бари

бир хусусий боғчаларда тўлов нархи юқорироқ ҳамда ҳар ойлик тўловдан ташқари кириш тўловини ҳам ўз ичига олади ва бу эса 1000 АҚШ долларгача бориши мумкин.

Шулар билан бирга ҳамма боғчалар учун мажбурий бўлган форма учун ҳам пул тўлаш керак бўлади. Ҳар бир болалар боғчаси ўз формасига эга бўлиб бунда бир хил шимчалар, юбкачалар, кўйлақчалар, иссик кўйлақлар, бош кийим ва орқасига осиб юриладиган халталар бўлиши керак. Формаларни кийиб юриш мажбурий.

Японияда мактабгача тарбия. Мактабгача таълим муассасидаги бола тарбия ва мазмун сифати боғчанинг давлатга қарашли ёки хусусийлигида эмас балки аниқ боғчанинг ўзига, у жойланган ҳудуди ва педагогик жамоасига боғлиқ бўлади. Гуруҳлардаги болаларнинг сони ҳам турлича бўлиб, 8 нафардан 40-50 нафаргача бўлиши мумкин.

Японияда мактабгача тарбия муассасаларида иш соатлари турлича. Мисол қилиб айтганда, давлат боғчалари икки хил кўринишда бўлади - тўлиқ иш кунидан иборат боғча бўлиб, унинг тартибига кўра боғча ҳар куни ва шапба (ярим кун) кунни кўшилган тарзда ишлайди. Бундай боғчага иккала ота-онаси кунига 4 соатдан кўпроқ ишлайдиган болалар қабул қилинади. Кун бундай боғчаларда эрталаб соат 8 дан бошланиб, болани кечки соат бешгача хоҳлаган вақтда олиб кетиш мумкин. Кўшимча тўлов эвазига болага кечки соат 7-гача қараб туриш мумкин. Иккинчи кўринишдаги боғчалар, бу бола-ларни ярим кунга қабул қиладиган боғчалар. Бир хил қутилмаган шароитларда, масалан кучли тўфон ҳавфи ҳақидаги огохлантирувдан сўнг ота-оналар болаларни мактабгача муассасадан олиб кетишлари шарт.

Болалар боғчаларида ота-оналарни тарбияга жалб қилиш жараёни ўта юқори даражада. Эрталаб вақтли болаларни боғчага ташлаб кетиб кечқурун олиб кетадиган бизнинг ота-оналар учун Япония болалар боғчаларидаги тартибга кўникиш жуда кийин, чунки у ерда бола тарбиясида ота-онанинг мунтазам қатнашиши ва фаол иштироки талаб қилинади. Болалар боғчада ота-оналарсиз икки соат, узоғи билан тўрта соат бўлишлари мумкин. Ва бу жараёнда нафақат болалар, балки ота-оналар ҳам тарбияланадилар.

Болалар яслиларида тарбиячилар кундалик дафтар тутиб унга боланинг кун давомидаги фаолиятини ёзиб боради: бола қандай овқатланди, қандай ухлади, ўзини қандай ҳис қилди ва ҳоказолар, ва худди шу нарсаларни ота-оналардан ҳам кутадилар. Педагоглар ва ота-оналар ҳар бир бола тарбияси тўғрисида ўзларининг кизик кузатувларини ва фикрларини ёзиб борадилар. Болалар тарбияси жараёни педагог ва ота-онанинг биргаликдаги яқин ҳамкорлигида амалга оширилади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозим, бу жараёнда педагог (тарбиячи) бошловчи томон ҳисобланади. У эса ўз навбатида ота-оналарнинг болалар тарбиясида йўл қўйган камчилик ҳамда адашinishларини кўрсатиб бериши мумкин ва ота-оналар буни нафакат ҳисобга олиши балки келажакда ундан қўлланма сифатида фойдаланиши зарур.

Мактабгача тарбия муассаса педагогик жамоалари томонидан болаларни тарбиялаш усули бўйича ота-оналар ўқитиб борилади, мунтазам равишда ота-оналар мажлислари ўтказилади. Болаларнинг оналари одатда бир-бирлари билан тез-тез ўзаро суҳбатлашиб турадилар, турли масалаларни ҳал қилувчи «оналар» кўмиталари тузадилар, болалар муассасарида ўтказиб туриладиган спорт кунлари, кузатув ва бошқа тадбирлар кунларида қатнашиб турадилар. Аммо, мактабгача ёшдаги япон болаларининг тарбияси уйдан бошланади. Айнан ота-оналар ўз фарзандларига маълум ахлоқ усулларини сингдириб борадилар, ўз хатти-ҳаракатлари билан болаларни меҳрибон, хушмуомалали, раҳмдил ва мустақил бўлишни ўргатадилар. Бола учун онанинг меҳри жуда юқори даражада ва онанинг яхши муносабатини йўқотиш унинг учун олий жазодан ҳам кўрқинчли ҳол. Япон оналарида одатда бола ҳеч қачон жазоланмайди ва унга «йўқ» дейилмайди. Бунинг ўрнига оилада - бу ҳаракатингдан ота, она ёки яна бирор кимса ранжиши мумкин, деган ибора ишлатилади. Шунга ўхшаш, тарбиялаш мақсадида, болага бундай ишнинг кимгадир ёкмайди, дейиш ҳам мумкин. Ва бу «кимдир» бу японнинг бутун ҳаёти давоми унинг ёнидалиги ҳис этилади, ва японлар учун жамоат фикри жуда муҳим. Оиладаги асос солинган тарбия асослари болаларнинг жамоавий ҳамкорлиги шароитида ривожлантирилади. Тарбиячи болаларга ўзаро муносабатда бўлишни ўргатиш жараёнида алоҳида кичик гуруҳлар - «хап» тузади. Бу гуруҳларда болалар ўзаро фикр

алмашиш ва мустақил бўлиш қўникмаларини ўрганишади. Болаларга гуруҳдаги бошқа қатнашчиларнинг фикрига қулоқ солиб, ҳисобга олган ҳолда ўз фикрини билдиришга ўргатадилар. Болалар ўз гуруҳларида ўзлари қулайликлар ва тартиб яратадилар, йиғиштириб гулларни парвартиш қиладилар, хатто мустақил равишда ўзларига овқат ҳам тайёрлайдилар. Шу йўл билан болаларни гуруҳларда ҳаракат қилишга ўргатадилар. Болаларнинг ўртасидаги келишмовчиликлар ёки ёқалашлар пайдо бўлганда тарбиячи дарров аралашиб, ўртага тушмайди, чунки боланинг ўзи келишмовчиликни ҳал қила билишни ўрганиши керак ва бу унга кучлироқ бўлишда ёрдам беради.

Японияда мактабгача тарбия жараёнида тез-тез тарбиячи ва гуруҳлар ўзгартириб турилади. Бу болани бир хил одамларга, бир хил шароитга ўрганиб қолмай жамиятда яшашга ўргатиш учун зарур. Болалар мактабда ёзишни, ўқишни ўргатадилар, лекин болалар боғчасига қатнашдан асосий мақсад болани ижтимоийлаштириш. Уни гуруҳларда яшаш, гуруҳ манфаатлари билан яшашга ўргатишдир. Японияда мактабгача тарбия бешта йўналишни ўз ичига қамраб олган, булар: - ижтимоий муносабатлар; - саломатлик, ҳавфсизлик; - тил; - атроф муҳит; - ҳис-туйғуларини ифодалаш.

Мактабгача ва мактаб таълими соҳалардаги бундай давлат сиёсати туфайли япон болаларига спорт билан шуғулланиш ва чинқиш қўникмалари сингдирилади. Тез-тез Япония кўчаларида октябрь ойида боғча рангидаги қалта шим кийган болаларни учратиш мумкин. Бу болаларда совук кунларда оёқ яланг юриш қўникмаларини сингдириш амалиётидан дарак беради. Болаларга оилада ва жамоатда муомала қилишни, ўзига ишонишни, янги қўникмаларни эгаллашга, ҳалқ эртакларини ва китобларни ўқиб тилга ва маданиятга ўргатадилар. Япониядаги мактабгача тарбия тамойиллари - соғлом, мустақил, ҳар томонлама ривожланган, билимга эга ва ўз маданияти ҳамда Ватанини севувчи жамият аъзосини яратишга қаратилган. Болалар боғчаларидаги машғулотлар. Болалар боғчаларида таълим дастурлари ҳам инobatга олинган, ёзиш ва ўқишдан ташқари болаларга қўшиқ айтиш ўргатилади, спорт мусобақалари ўтказилиб, мунтазам сайрларга чиқиб турилади. Аммо булар билан бир қаторда бу тадбирларни ўтказилишидан мақсад - болада ҳамжихатлик,

жамоада яшаш хисларини ривожлантиришдан иборат. Кушиқ айтилса, хор (жамоада) айтилиши керак, яккахон кўшиқчи қўлланилмайди, мусобака ўтказилаётганда ёки ҳамма ёки гуруҳ голибликка эришилади, ва мутлақо якка голиб эмас. Жамоа билан мунтазам равишда бир кунлик сайрга чиқишдан мақсад болани чидамликка ўргатиш ва ўзи атрофидаги ҳудудни ўрганиш. Япон болалари табиатни жуда севадилар ва чуқур хис этадилар. Балки, айнан шунинг учун ҳам Японияда турли дарахтлар, табиат ходисаларига бағишланган миллий байрам ва фестиваллар кўп бўлса керак. Ёшликдан гўзалликни севишни ва табиатни хис этишни ўргатилган япон болалар бу туйғулар билан умрбод яшайдилар. Болаларни тарбиялашдаги бундай ижобий қарашлар билан бир вақтда, давлатдан ташқарида Японияда жамоавийлик хислатлари жуда ривожланиб, шахсият тушунчаларини инкор этилади фикрлар тарқалган. Ўзини шахс сифатида намоён этадиган инсон Япония жамиятида қўллаб қувватланмайди. Лекин бу Японияда ҳамма бирдек ҳисобланиб, шахсият инкор этилади дегани эмас. Япония ёшларини фотосуратларини кўрсангиз у ерда етарлича ранг-баранг, ўзига ишонган йигит-қизларни кўрасиз, лекин улар гуруҳ бўлиб яшайдилар ва бу уларнинг улғайшларидаги маълум поғона демакдир. Мак-таб ва институтларни тугатган ранг-баранг ва ўзгача фикр юритувчи ёшлар қонунларга итоат этувчи ва меҳнатсевар япон фуқаролари қаторига қўшилиб кетадилар.

Хорижий мамлакатларнинг мактабгача таълим тизимларини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини таҳлил этиш ва республикамиз шаронтига мослаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мамлакатимиз мактабгача таълим тизимини такомиллаштириб замонавийлаштиришга имкон яратади.

1.4. Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини жаңубий Корея тажрибаси асосида ислоҳ қилиш жараёنлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари давлат таъриф доирасида Мактабгача таълим вазирлиги томонидан 20

га яқин учрашувлар ўтказилиб, тажриба алмашинуви, Ўзбекистонда экспериментал тарзда болалар боғчаларини очиш, биргаликда кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш имкониятларини ўрганиб чиқиш бўйича келишувларга эришилди⁴.

Сафар доирасида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Кореянинг қатор мактабгача таълим ва бошқа турдаги муассасаларига ташрифлар уюштирилди ва уларнинг фаолияти ўрганилди, жумладан боғчаларнинг ўзига хос жиҳатлари, қўлланилаётган таълим бериш услублари, молиялантириш ва тўлов тизимлари, педагогик ходимларнинг малака даражаси ва хизмат шароитлари, озик-овқат ва моддий-техник таъминот ҳамда соҳаларига тегишли дастурлар ва услублар атрофлича ўрганилди.

Педагоглар фаолияти учун максимал қулай шароитларнинг яратилгани, педагогнинг ижодий эркинлиги, катта ҳажмдаги ҳисоботларнинг йўқлиги, давлат боғчалари педагоглари ижтимоий статусининг юқорилиги, болалар ўзларини намоён қилишлари учун яратилган ижодий муҳит, жумладан хоналарнинг хатто кичик деталларига қулай дизайни ва жиҳозлангани, улар учун бой адабиётлар ва ривожлантирувчи ўйинларнинг мавжудлиги, эрта болаликдан жамиятда ўзини тутиш ва шахсий гигиена кўникмаларини тарбия қилиш каби алоҳида жиҳатлар Корея мактабгача таълим тизими муваффақиятининг асосини ташкил этади.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир жиҳат, давлат жамиятининг энг ҳимояланмаган қатламлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон болаларга, биринчи навбатда ғамхўрлик кўрсатади ва боғчаларга қабул давомида уларга устуворлик принципини қўллайди ва шу сабабли ҳам, Кореяда инклюзив таълим принциплари таҳсинга сазовордир.

Кореянинг таълим тизимига кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ва тасарруфида мактабгача таълим муассасари бўлган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Сянмёнг Университети, (Sangmyung University) ҳамда Чунг-Анг Университети (Chung-Ang University)

⁴ <http://kun.uz/news/2017/11/24/maktabgacha-talim-vazirligida-korea-modeli-elementlari-kullanadi>

билан Хадли келишувлар имзоланди. шунингдек Чоннам Миллий Университети (Chonnam National University) билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Келишувлар ва Меморандум доирасида куйидаги соҳалардаги ҳамкорлик назарда тутилган: талабалар, илмий-педагогик ва бошқарув мутахассислари ўртасида тажриба алмашинувлари, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишга қаратилган чоралар, жумладан энг янги дастурлар ва услубларни жорий қилиш, ҳамкорликда тадқиқотлар, конференциялар, кўргазма ва семинарларни амалга ошириш, мактабгача таълим мутахассисларини тайёрлаш бўйича махсус кўшма магистрлик ва докторлик дастурларини таниқил этиш, шунингдек Ўзбекистонда экспериментал равишда Корея тизимига асосланган экспериментал боғчаларни ташкил этиш каби муҳим вазифалар назарда тутилган.

Мактабгача таълим вазирлиги делегациясининг Корея Республикасига ташрифи давомида болаларнинг эрта ривожланиши ва мактабгача таълим тизими соҳасига ихтисослашган нуфузли илмий-тадқиқот институтлари билан учрашувлар ҳам ўтказилди. Жумладан, 2017 йилнинг 23 ноябрь кунин Корея болалар парвариши ва мактабгача таълим масалаларини ўрганиш Институти (KICSE) билан Хадли келишув имзоланди. Келишув доирасида Мактабгача таълим вазирлиги ва KICSE ҳамкорлигида кўшма тадқиқотлар ўтказилади, педагогик кадрларни тайёрлаш орқали тажриба алмашинувида қаратилган дастурлар амалга оширилади, семинарлар ва конференциялар ташкил этилади. Шу билан бир каторда ҳамкорлик асосида мактабгача таълим тизимини ривожлантириш стратегияларининг ишлаб чиқиши, таълим дастурлари ва стандартларининг қайта кўриб чиқиши, таълим статистикасини жорий қилиш назарда тутилган.

Сеул болаларни эрта ривожлантиришга кўмаклашиш Институти (Seoul Early Childhood Education Promotion Institute) билан 2017 йилнинг 22 ноябрь кунин ўтказилган учрашув чоғида кўшма тадқиқотларни ўтказиш, тажриба алмашинуви, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ қилиш имкониятини берувчи ҳамкорликдаги илмий-амалий тадқиқот муассасаларини ташкил этиш, ўқув-услубий материалларни

тайёрлаш борасида келгусида ҳамкорлик битимларини имзолаш келишиб олинди.

Яна бир самарали учрашув — Мактабгача таълим вазирлигининг энг муҳим салоҳиятли ҳамкори — Корея Республикаси Таълим вазирлигининг Мактабгача таълим ва бола парвариши Департаментида бўлиб ўтди. Учрашувда Корея томонин Ўзбекистон делегациясига Кореяда мактабгача таълим ва бола парвариши босқичлари, соҳани ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш принциплари, янги NURI мактабгача таълим Миллий дастурини жорий қилиш жиҳатлари ҳақида маълумот бердилар. Шунингдек, тўлов тизимлари, таълим муассасаси туридан келиб чиққан ҳолда нархларни белгилаш принциплари, Давлатнинг мактабгача таълимга йўналтираётган харажатлари, шунингдек истикболдаги режалар, жумладан, мактабгача таълим структурасида Давлат боғчалари улушини кенгайтириш, электрон қабул тизимини жорий қилиш, педагоглар малакасини ошириш ҳамда соҳани такомиллаштириш тенденциялари ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Корея Республикасининг тажрибаси албатта эътиборга молик ва ишонамизки, Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини ислох қилиш жараёнларида бу борадаги Корея модели элементлари албатта ўз аксини топади.

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

2.1 Мактабгача таълим педагогикаси

Инсон тарбияси инсоннинг ўзи каби қадимий ва кенг камровлидир. Шу сабабли, инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аجدодларимиз маърифат ва маданиятни ёш авлодга ўргатиш, уларни қомилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Дарҳақиқат, инсоннинг маърифатлилиги ва маънавий қомиллигига эришни ишлари педагогика фани етакчилигида амалга оширилади. Демак, педагогика фани кишига ҳар томонлама тарбия бериш, ҳар бир шахсни ҳамма ёш давларида уйғун ривожлантириш қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Шу боис, педагогика фани инсонни ҳар томонлама тарбиялаш ҳақидаги фан бўлиб, тарбия соҳасидаги жамият талабларини амалга ошириш йўлида хизмат қилади. Мактабгача педагогика эса болага туғилганидан то етти ёшигача ҳар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва боғча шароитида таълим-тарбия ишлари ташкил этишнинг мазмуни, методи ва шакллари ишлаб чиқади.

Инсон тарбиясига оид қонунлар дастлаб халқ оғзаки ижодида: эртак, кисса, панднома, мақол ва матал қабиладарда, кейинроқ ёзма ёдгорликларда, ҳадисларда асослаб берилган. Таълим-тарбия ишларининг такомиллашиб боришида Шарк ва Фарбнинг қомусий олим ва педагогларининг ўрни каттадир. Марказий Осиёлик машҳур алломалар: Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фуркат, Абдулла Авлоний каби жаҳон тан олган мутафаккирлар ўзларининг қатор асарларида таълим-тарбияга катта эътибор билан қараганлар. Файласуф олим Форобий ўзининг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» асарида тарбия орқали инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳлаб беради. Абдулла Авлоний эса тарбия ҳақида ғоят ибратли фикрларни билдиради. «Педагогика — Абдулла Авлонийнинг ёзишича, — бола тарбиясининг фани, демакдир». «Дарс ила тарбия иккиси жон ила тан қабидир». «Дарс олувчи—билувчи, тарбия олувчи—амал қилувчидир». Бу

ерда педагогика фанига қисқа ва лўнда таъриф бериб, таълим билан тарбияни эса жон билан танга ўхшатиб, уларни бири-биридан ажратиш мумкин эмаслигини ёрқин ифодалаб берган. Авлонийнинг таъкидлашича, тарбияни ёшликдан бериш ниҳоятда зарур. Болага аввало, кичик ёшдан бошлаб, ота-она тарбия беради, кейин тарбия билан бутун жамоа-атчилик шуғулланади, чунки бунда инсон тақбири ҳал этилади дейди. Демак, педагогиканинг бош масаласи тарбия саналади. Тарбия жараёнида эса боланинг онги, ҳис-туйғулари шаклланади. Ўнг муҳими ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий муносабатларга хизмат қиладиган ҳулқий одатлар ҳосил бўлади.

Мактабгача таълим педагогикаси болаларнинг, ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Мактабгача тарбия муассасалари ҳам болаларни ҳар томонлама тарбиялайди. Бола ҳаётидаги илк ёш ўнг муҳим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор бўлади.

«Мактабгача таълим педагогикаси» фани «Педагогика» фанининг бир қисми бўлиб, ўзининг назарий, илмий ва амалий асосларига эга. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг назарий асослари: ёш авлодни барқамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган, таълим-тарбия борасида яратилган тажрибаларга, назарий ва методик манбаларга, Ўрта Осиё ва жаҳон тан олган буюқ мутафаккир олимларнинг асарлари ва таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларига асосланади. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг миллий асослари—таълим-тарбия муаммоларини, муайян миллатнинг миллий қадриятларини умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаган ҳолда ҳал этиш, ҳар бир миллатнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларига таянган ҳолда миллий тарбия масалаларини ёш авлод онгига етказиш мазмуни, усул, метод ва тамойилларини миллийлаштиришдан иборат. Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама қамол топтириш, унинг онги, дунёқараши, эътиқодини ўстириш, ҳулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача педагогика фанининг долзарб муаммоларидан саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган барқамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва

вазифалари маънавий бойлик, ахлокий поклик, жисмоний мукамалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади тарбиячи мураббийларнинг ўз олдига аниқ мақсад қўйиши, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган етук шахс қилиб тарбиялаш учун ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, аёлларни замон талаблари асосида тарбиялаш учун тарбиянинг янги усул ва воситаларидан кенг фойдалана олиш каби тарбиячилик маҳоратини шакллантиришга қаратилади. Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чиқишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим педагогикаси фанининг коида ва қонуниларини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги қирраларини излаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидир. Шунингдек, мустақиллик шароитида узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш мактабгача таълим педагогикаси фаши олди га қатор вазифаларни қўймоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифалари эса шахсни тарбиялаш мақсадлари асосида уларнинг ёшига ва хусусиятларига қараб белгиланади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш жисмоний, аклий, ахлокий, меҳнат ва эстетик тарбия мажмуасидан иборатдир. Бу соҳада Шарқ ва Ғарб халқлари яратган оғзаки ижодиёғ, буюк мутафаккир, педагог ва олимларнинг таълим-тарбияга доир илғор фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб, баркамол инсонни тарбиялаш жараёнини ўрганиш биз учун жуда қимматлидир:

➤ таълим-тарбия тўғрисидаги қонун-қоида таъминл, метод ва усулларни болалар боғчалари амалий ҳаёти билан боғлаб, бўлажак тарбиячи — ўқитувчиларга ўргатиш ҳамда халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур ўрганиб, бўлажак тарбиячиларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш;

➤ мактабгача тарбия муассасаларида онла билан узвий ҳамкорликда болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ишини амалга ошириш. Бундай вазифаларда тадқиқ этиш;

➤ биринчидан, болалар соғлигини сақлайди ва мустахкамлайди, жисмоний ривожланишини таъминлайди;

➤ иккинчидан, илмга қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантиради;

➤ учинчидан, Ватанга, табиятга, жонажон ўлкага муҳаббат, қатталарга ҳурматни, ўрғоклик ва жамоатчилик, хайрихоҳлик, ҳуққ маданияти, мустақиллик, уюшқоклик ва интизом, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатларни тарбиялайди;

➤ тўртинчидан, эстетик тарбияни амалга оширади. Кейинги йилларда жисмоний, аклий, ахлокий, меҳнат ва эстетик тарбия бўйича олиб борилган илмий- педагогик тадқиқотлар мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифаларини уларнинг психик-физиологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда белгилан зарурлигини кўрсатиб берди. Улар болалар боғчасининг “Учинчи минг йилликнинг боласи” таъинч дастурида ўз аксини топган.

Илмий тадқиқот ишлари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни халқ таълимининг ҳамма бўғинларидаги ўқув-тарбиявий ишларни қелғусида янада яхшилаш йўлларини топиш учун амалга оширилади. Илмий тадқиқот методлари (метод — лотинча йўл деган маънони англатади) орқали амалга оширилади. Илмий тадқиқот ишида олимлар педагогика, мактабгача таълим педагогикаси ва психология фанининг вакиллари, мактаб ўқитувчилари, болалар боғчалари тарбиячилари ва шунингдек, тарбия бериш амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган кишилар қатнашадилар.

Педагогик воқеа-ҳодисаларнинг қонуниятларини очиб ҳар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Тадқиқотнинг эмпирик даражасида ҳар хил фактик материаллар йиғилади, улар тўлиқ ёритиб борилади, шунингдек воқеалар ўртасидаги объектив боғлиқликлар аниқланади, тадқиқ этилаётган воқеа қар томонлама пухта ўрганилади. Тадқиқотнинг назарий даражаси ўрганилаётган воқеанинг моҳиятини аниқлашга йўналтирилган махсус тизимлаштириш ва таҳлил усулидир. Илмий тадқиқот ишини олиб боришда қўлланиладиган мактабгача таълим

педагогикаси фанининг ривожланишини таъминлайдиган илмий тадқиқот методларига қуйидагилар киради.

Адабиётларни ўрганиш методи. Адабиётларни ўрганиш жараёнида миллий ва умуминсоний кадриятларни акс эттирувчи буюк мутафаккир педагогик олимларнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари таълим - тарбия борасида қабул қилинган қарорлар тадқиқот мавзусига онд дарслик, рисола ва мақолалар, педагогик, психологик тадқиқотлар, диссертациялар ўрганилади.

Кузатиш метода. Кузатиш - адабиётларни ўрганишдан кейин бошланадиган жараён. Кузатишда тадқиқотчи маълум педагогик ҳодисани, мақсадни кўзлаб ташкил этади. Тадқиқотчи кузатишга олдиндан пухта тайёрланади, кузатишдан кўзда тутилган мақсадни аниқлайди, унинг дастури режалари тузилади, кузатиш манзили, муддати белгиланади. Кузатиш икки турга ажратилади: қисқа ва узок муддатли кузатиш. Қисқа кузатиш деганда — объектнинг қундалик фаолиятидаги ўзгаришлардан маълум хулосага келиш тушунилади. Узок муддатли кузатиш эса мақсад — режа ва дастур асосида олиб борилади ва маълум илмий, якуний хулосага келиш тушунилади. Кузатиш якунларини кайд қилишда кино, видео ёзуви, телевидение ва бошқа техникавий воситалардан фойдаланиш мумкин.

Сухбат методи. Сухбат аниқланиши керак бўлган масалаларни ойдинлаштириб олиш мақсадида, олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади. Сухбат яқка тартибда ҳамда жамоа тарзида олиб борилади. Сухбат болалар ҳаётининг у ёки бу воқеа-ҳодисалари тўғрисидаги қизиқишлари, тасаввурлари, мулоҳаза ва муҳокамаларни аниқлаб олишга бевосита ёрдам беради. Сухбатдан метод сифатида фойдаланишда, албатта, унинг мақсади ва режасини аниқлаб олиш керак бўлади. Сухбат методи жараёнида интервью олиш ҳам муҳим саналади. Ўринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаниқ жавоблар магнит тасмасига ёзиб олинади ва таҳлил этилади.

Хужжатларни ва болаларнинг ишларини ўрганиш. Болалар ишларини ўрганиш илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Тадқиқотчи педагогик хужжатларни ўрганиш орқали ўрганилаётган объект тўғрисидаги ҳар хил маълумотларни билиб олади. Бунга мактабгача тарбия муассасалари мудирлари,

тарбиячиларнинг режалари ва ҳисоботлари, болалар боғчаси тарбияланувчиларнинг расмлари, лой ва пластилиндан ясалган буюмлар ва шу кабилар киради. Масалан, болалар анча илгари чизган расмларини қараб чиқиш, таҳлил қилиш, болаларга берилган топшириқларнинг қай даражада мураккаблашиб борганини аниқлаш ҳамда улар билан кейинги олиб бориладиган ишларни белгилашга ёрдам беради.

Педагогик эксперимент таълим жараёнига педагогик янгиликларни киритишдир. Педагогик эксперимент ёрдамида илмий фаразларнинг ишончлилиги текширилади. Табиий эксперимент ва лаборатория эксперименти педагогик экспериментнинг асосий турлари бўлиб, улар кўпгина ишларни ўз ичига олади. Табиий эксперимент шароитида янги иш режалари, дастурлари, дарсликлар адабиётлар ва одатдаги иш режаларини бузмай туриб текширилади. Педагогик эксперимент — бу ҳам кузатиш, лекин у педагогик жараённинг ўтиш шароитларини мунтазам ўзгартириш муносабати билан махсус ташкил этилади. Лаборатория иши ҳам илмий тадқиқотнинг анча қатъий шакли ҳисобланади. Қуйидагилар педагогик экспериментнинг босқичлари ҳисобланади: Экспериментни режалаштириш — эксперимент ўтказиш ва натижаларни шарҳлаш. Экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланган режага қатъий амал қилган ҳолда олиб борилиши керак. Шарҳлаш босқичида маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади.

Тажриба ўрганиш ва умумлаштириш метода. Педагогик тажриба тушунчаси кўп қирралидир. Педагогик тажрибанинг кенг маъноси таълим ва тарбия амалиётидир. Педагогик тажрибанинг асосий мақсади — мактабгача муассасаларда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари қай даражада амалга оширилаётганини ўрганишдир. Педагогикадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таълим-тарбия жараёнини ўрганиш, амалий ходимларнинг ижодий наشرларини назарий асосда идрок этиш ва қайта ишлаб чиқиш, яъни илғор тажрибани умумлаштириш, ёйиш катта аҳамиятга эгадир.

2.2 Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни

Мактабгача таълим педагогикаси фанида бир-бири билан узвий боғланган куйидаги тушунчалар мавжуд: тарбия, таълим, маълумот. Тарбия— кишилик жамиятининг барча босқичларида шаклланиб, ривожланиб, ўсиб, авлоддан-авлодга ворислик вазифасини бажариб келган бўлса-да, аммо ҳар бир жамиятда тарбиянинг мазмуни мақсади, вазифалари, ўзига хослиги билан фаркланади. Тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур ходиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар тизимини, малака ва кўникмаларини махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бериш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган етук инсон қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўяди. Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш муаммолари дастлаб халқ оғзаки ижоди, педагогикаси, ёзма ёдгорликларда, пандномаларда мутафаккир ҳамда маърифатпарварлар асарларининг бош мавзусини ташкил этган. Абдулла Авлони тарбия ҳақида гапирар экан, ҳақли равишда шундай деган эди: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё садоқат - ё фалокат масаласидир”. Демак, тарбия ва одоб Ватанга чексиз мухаббат, имон-этикод, меҳр-мурувват, ростгўйлик, адолатгўйлик, самимийлик, меҳнатсеварлик ва билимдонлик каби ғоялар воситасида шаклланиб боради. Таълим - болаларга билимни тартибли баён қилиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва ҳулқига таъсир этиш, ақлини, онгини, идрокини, дунёқарошини, этикоддини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир. Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён бўлиб ва ўқитишни ўз ичига олади. Ўқитиш - педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир. Ўқиш - ўқувчининг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши таъминлайди. Маълумот - асосий педагогик тушунча бўлиб, у ижтимоий ҳаёт воқеаларни объектив акс эттиради. Бу жараён кишининг табиат,

жамият ва киши тафаккури гўғрисидаги умумлаштирган ижтимоий зарур билим, малака, кўникмалар тизимининг эгаллаб олиниши натижасидир. Маълумот кишининг билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди.

Мактабгача таълим турли ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш билан бирга, уларни соғлом, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради, унда ўқишга интилиш хиссини уйғотади. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча оилада ҳамда давлат ва давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларида амалга оширилади. Мактабгача таълим бола шахсини мактабгача болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом, етук, мактабда ўқишга тайёр тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Мактабгача таълимнинг вазифалари:

➤ Болаларни халқнинг бой миллий маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий ахлокий жиҳатдан тарбиялаш.

➤ Болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик хисларини шакллантириш.

➤ Мактабгача ёшдаги болаларнинг билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилишини шакллантириш, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлаш.

➤ Болалар тафаккурини ривожлантириш ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш.

➤ Болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлаш.

Мактабгача таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш қонунга мувофиқ равишда амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасалари уларнинг йўналишларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

➤ болалар ялғиси, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болалар боғчаси, (ҳам мустақил муассаса сифатида, ҳам филиал сифатида);

➤ боғча мактаб мажмуаси;

➤ тарбияланувчиларни бир ёки бир неча устувор йўналишларда ривожлантирадиган (тил ўрганиш, бадий-эстетик, спорт ва бошқа йўналишлар бўйича) мактабгача таълим муассасаси.

➤ Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва рухий ривожланишидаги камчиликларини бартараф этишни устувор равишда амалга оширувчи махсус мактабгача таълим муассасаси.

➤ Санитария-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбирлари ва муолажаларни устувор равишда амалга ошириладиган соғломлаштирувчи болалар боғчаси.

➤ Аралаш турдаги мактабгача таълим муассаси (аралаш турдаги муассаса таркибига соғломлаштирувчи гуруҳлар турлича миқдорда бўлиши мумкин). Мактабгача таълимнинг турлари ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан таъминланади.

2.3 Мактабгача таълимда тасвирий фаолият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ИҚ-2707-сонли қарори ижросини таъминлашда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлокий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини, Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Мактабгача таълимнинг вазифаси болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва маънавий ахлокий жиҳатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик хисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам

равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний ва рухий соғлигини таъминлашдан иборат.

Асосий мақсадлардан яна бири замонавий тасвирий санъат орқали болалардаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқаришдир. Тасвирий санъатнинг ўзига хос мураккабликларини тушуниб, унинг нозик қирраларини мактабгача ёшдаги болаларга улаштириш вазифаси эга бўла оладиган тарбиячиларни етиштириб чиқариш фаолият туридир. Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият воситасида болаларнинг эстетик қобилиятларини шакллантиришда тарбиячиларнинг ўрни бекиёс. У чуқур билим ва юқори малакага эга бўлиши, бунинг учун мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ўзининг илмий назарий савиясини тинимсиз кўтариши, илгор тажрибаларга таяниши керак.

Давлат умумий таълим тизимини тубдан ислох қилиш, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талабларига мослаштириш, таълим сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга йўналтирилди. Тасвирий фаолияти бўйича мактабгача таълим муассасаси дастури ва мактабда тасвирий санъат дастури болаларда теърак атрофга нисбатан, санъат болаларда эстетик муносабатни тарбиялаш ижодий қобилият ва тасвирлашларини ривожлантиришни кўзда тутди.

Мактабгача таълим муассасаси машғулотларида, мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун зарур бўлган вазифалар хал этилади. Расм, аппликация, лой ишлари жараёнида болалар фикр юритишнинг анализ, синтез, такрорлаш, конкретлаштириш қабилар шаклланади. Шунингдек бу жараёнларда таълим жамоада ишлашга, ўз харакатини ўртоқларининг харакатига бўйсундиришга ўрганадилар. Болалар мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолияти машғулотлари болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган малака кўникмаларни шакллантиради. Мактабгача таълим муассасаларининг тасвирий фаолият бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади.

Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини

(театр, музика, бадий адабиёт, расм чизиш, аппликация ва бошқ.) комплекс тарзда қўлланилгандагина аниқ бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ўтиладиган "Тасвирий фаолият" машғулоти болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадий фаолият ҳисобланади. Бадий фаолият машғулотларининг барча турлари болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

"Тасвирий фаолият" машғулоти жараёнида:

1. Бадий дидни тарбиялаш;
2. Амалий бадий фаолият ва малакаларни ривожлантириш;
3. Фантазия, ижодий фикрлаш ва тасаввур қилиш, идрок қилишни ривожлантириш;
4. Қўлнинг аниқ ҳаракатлари ва бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш;
5. Касбий бадий-ижодий фаолият куртакларини намоён бўлиши учун имкон яратиш каби таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади. Мактабгача таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган "Болажон" таянч дастурининг тузилиши ва мазмунининг таҳлилидан аёнки, кичик гуруҳлардан бошлаб энг кўп вақт тасвирий фаолиятга ажратилган.

Агар тасвирий фаолиятнинг турлари

- расм (2 соат),
- аппликация (0,5 соат),
- қуриш-ясаш (0,5 соат)
- лой ишини (1 соат) кўшиб ҳисобласак, жами 4 соатни ташкил этади.

Ҳафталик юклама 12 соатни ташкил этилишини эътиборга оладиган бўлсак, тасвирий фаолият барча фаолиятларнинг учдан бир қисмининг ташкил этади. Демак, тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг тта бўлим

ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантиқий ва дидактик боғлиқликда амалга оширилади. Бу омил тасвирий

фаолият машғулоти мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англатади.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият машғулотида

болалар асосан амалий ин бажарадилар, санъат асарларини билан расмга қараб ҳикоя қилиш; мактабда эса тасвирий санъатнинг турлари ранг тасвир, график, ҳайкалгарошлик ва декоратив санъат асарлари билан янада чуқурроқ танишадилар. Мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолият машғулоти хилма-хилдир: расм чизиш, лой, аппликация, қуриш-ясаш машғулоти ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида келтирилган машғулотларнинг ҳаммасига катта аҳамият берилади. Бошланғич синфларда таълим-тарбия масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши, мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирлаш фаолияти машғулоти

билан узвий равишда олиб борилади.

Болалар гуруҳдаги олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотида, қалам ҳамда мўйкаламдан эркин фойдаланишга ўз характерини ва қўл кучини идора этишга ўрганадилар. Бу эса, малакани эгаллаш, болаларда қўлнинг енгил, эркин бир текисдаги ҳаракат қилиш хусусиятларини ривожлантиради. Болалар турли шакл, катталиқ, пропорциядаги предметларни чизиш жараёнида предметнинг иш хусусиятига қараб йўналишни сақлаш зарурлигига, предметнинг катталигига мос равишда ҳаракатланишга ўрганадилар. Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотида материалдан тартибли фойдаланишга, уларни тоза сақлашга, фақат зарур материаллардан ҳамда уларни ишлатиш йўллари режалаштиришга ўрганадилар. Бу машғулоти болаларда диққатни ва қўриш хотирасини ривожлантиради.

Мактабгача таълим муассасалари тайёрлов гуруҳида натурага қараб расм чизиш ёки тасвирлашга нисбатан талаблар ошади ва бу талаблар мактаб талабига яқинлашади. Натурага қараб тасвирлашда ишнинг кетма-кетлигини кўрсатиб, болалар тайёрлов ва катта гуруҳида ўрганишнинг бошланғич босқичидагина амалга оширилади. Болалар натурани анализ

килишга бутун умумий шаклни хомаки коғозга тушириб олишга, расмни натурага солиштиришга, хато ва камчиликларини тўғрилашга, натурага ўхшатишга уринадилар.

Тасвирий фаолият машғулотларида геометрик шаклларни топа олишга ёки кўра олишга, уларни терминлар билан аташга, кенглиги катталиги, узунлиги, баландлигини, қисмларнинг бири-бирига нисбатан фазовий жойлашишини билан танишишни болаларни мактабни 1-синфда элементар математик тушунчаларини пухта эгаллашларига ёрдам беради.

Куриш-ясаш машғулотларида материаллардан куриш ясаш болаларда кўз билан чамалашни шакллантиради ва болаларни мактабдаги техник дарсларни эгаллашга ёки ўзлаштиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, тасвирий фаолият машғулотларида болалардаги бадний дид ва ижодий қобилиятлар ўсади ва бу орқали мактабда ўқишга тайёрланиб борилади. Чунки болалар предметлар билан узвий боғланадилар, уларнинг ўзига хос сифатлари, шакли, ранги, катта-кичиклиги билан танишадилар, уларни фарқини, ўхшашлигини аниқлайдилар, бу эса, болаларни сенсор тарбиялашга, кўргазмали, образли фикр юритишга имкон беради.

Тасвирий фаолият болаларни ахлокий тарбиялайди. Болалар ишларида ўз ҳаётида, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни акс эттирадилар, улардан мамнун бўладилар, ҳаяжонланадилар. Тасвирий фаолият жараёнида болаларда ироданинг сифатлари-бошлаган ишини охирига етказиш, олдига мақсад қўйиб, ўшани бажаришга томон интилиш, қийинчиликларни енгиш, ўртоқларига ёрдамлашиш каби хусусиятлар тарбияланади. Жамоа ишини яратиш жараёнида болаларга бир-бирига ёрдам, келишиб ишлаш каби сифатлари; ишни баҳолаш жараёнида, уларда ўртоқларининг ишга нисбатан реал муносабатда бўлиш, тўғри баҳолаш, ўз ишидан ва ўртоқларининг ишидан хурсанд бўлиш каби ахлокий сифатлар шаклланади.

Тасвирий фаолият-бу болаларни ўз олдига қўйган мақсадларини бажаришда тинмай меҳнат қилишга ундовчи фаолиятдир. Тасвирий фаолият болаларга эстетик тарбия беришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳар бир предметнинг катта-кичиклигини, рангини, шаклини, фазода жойлашишини

ажратиш бу эстетик сезгининг бўлаклари ҳисобланади. Болаларда эстетик сезгининг ривожланиши - ранги, ритми, пропорцияни чуқурроқ сезиш билан боғлиқдир. Бола рангини, шаклни, унинг хилма-хиллигини сезса, шунчалик ранглар аралашмасинини хилма-хиллигидан завқ олади, баҳраманл бўлади.

Болаларда эстетик сезгининг ривожланиши, уларда предметга ва унинг баъзи сифатларига нисбатан эстетик баҳо беришни ривожлантиради. Уларда тасвирий санъат асарларини тушунишга, уларга нисбатан ҳис-туйғунини, муносабатини тарбиялайди. Тасвирий фаолият болаларнинг бадний ижодий ўсишида муҳим ўрин эгаллайди. Боланинг бадний ижодий ўсиши-бу образли фикр юритиш, эстетик идрок этишни ва образ яратишда зарур бўлган малака, кўникмаларни эгаллаш ҳисобланади.

Масалан: табиатга ёки истироҳат боғига сайр, куз фаслида экскурсия уюштириш. Тарбиячи болаларни предмет ёки теварак атрофи кузатишда келиб чиқувчи эстетик ҳис-туйғу орқали, теварак-атрофга, кишилар меҳнатига тўғри баҳо бериш. Ватанга нисбатан муҳаббат каби сифатларни тарбиялаш мумкин. Болаларни ўз ишини яна ҳам чиройли ва яхши бажариш, бошқаларга ёқадиган, улар кўрганда қувонадиган қилиб яратиш - бу бадний, ахлокий тарбиялашнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мактабга болаларни тайёрлашда тасвирий фаолият катта аҳамият касб этади. Расм, лой, куриш материаллари бўйича билим, малакаларини эгаллаш мактабда тасвирий фаолият дарслари ва меҳнат дарсларини муваффақиятли эгаллашларига асос бўлади. Уларни ўқув фаолиятини бажаришга ўргатади. Олдига тинглашга, унинг кўрсатмаларини бажаришга ўргатади. Олдига қўйилган вазифани ҳал этишда, унинг асосий ва муҳим ҳал этиш йулларини излаб топишбу ўқув фаолиятининг асосий сабабчиларидан биридир. Тасвирий фаолият жараёнида ўз ишини назорат қилиб бориш, мактабда вазифаларни бажаришда ҳам роль ўйнайди. Шунингдек, бола тасвирий фаолият жараёнида психологик жиҳатдан ҳам тайёрланиб боради.

2.4 Болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методлари

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методлари - педагогикада қабул қилинган таърифга кўра қўйилган масалани ечиш учун танланган яъни она йўл сифатида таърифланади. У машғулотдаги боланинг ва тарбиячининг бутун фаолиятини ўргатиш усуллари-айрим ёрдамчи восита бўлиб, машғулотдаги фаолиятнинг хусусиятини аниқламайди, у таълимда тор маънодаги аҳамиятга эга. Айрим методлар машғулоти ишининг умумий йўналишини аниқламай, балки усул сифатида намоён бўлади.

Масалан: машғулоти бошида шеър ёки хикоя бериладиган вазифага болаларнинг кизиқишини уйғотиш учун ўқилса, бошқа машғулотларда эса, шеър ўқиш тарбиячи учун хизмат қилади. яъни машғулоти бошини ташкил қилиш учун қўлланилади. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг мустақил ишлари катта ўрин эгаллайди, факат бу мустақил ишларга болаларнинг мураккаб муаммолари масалаларни ечиши кирмайди, чунки бундай мураккаб масалалар узок вақтни талаб қилади. Қолган методлар мактабгача ёшдаги болалар учун мураккаблик қилади, чунки уларнинг деярли барчаси муаммолари масалаларни ечиш билан боғлиқдир. Мактабгача таълим муассасаси учун ўзига хос бўлган асосий гуруҳни ўйин усуллари ташкил этади ва бу ўйинлардан турли методлар ичида фойдаланиш мумкин.

Кўргазмали метод ва ўргатиш усуллари. Кузатиш методи тасвирий фаолиятга ўргатиш тизимининг умумий асосини ташкил қилади. Чунки, у атроф-муҳитни ўрганишда, билиш ҳамда уни акс эттиришда муҳим омил сифатида хизмат қилади. Болаларда қанчалик кузатиш, атроф-олам кўриниши билан алоқа ўрнатиш, умумийлик ва яққаликни ажратиш малакаси ривожланган бўлса, шунча болалар ижодий қобилиятининг ривожланиши боғлиқ бўлади.

Лекин кузатишнинг ўзи кўрганни тасвирлаб беришга тўла имкон бермайди. Болаларни тасвирлашнинг муҳим усуллари, турли тасвирлаш атериалларидан фойдаланиш йўллари, ўргатиш зарур. Кўргазмали метод ва ўргатиш усуллари, натурадан, расм репродукцияларидан, намунадан, бошқа кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш, алоҳида предметларни

кўриб чиқиш, тарбиячи томонидан тасвирлаш усуллари, кўрсатиб бериш, болаларнинг бажарган ишларини машғулоти якунида кўрсатиш, уларни баҳолаш киради. Натурадан фойдаланиш. Тасвирий санъатда натурадан фойдаланиш деганда, кузатиш асосида предмет ёки кўринишнинг тасвирлаш тушунилади. Натурадан фойдаланиб ишланганда чизаётган кишининг кўзига нисбатан натуранинг қай ҳолатда турганини ҳисобга олган ҳолда маълум бир нуктадан назардан туриб, предмет кўринишнинг тасвирланади. Бу натурадан олиб тасвирлаш хусусияти машғулоти мобайнида ўзгача идрокнинг ривожланишига кўмак беради. Бунда асосийси боланинг идрокни бўлиб, текисликда тасвирланган предмет (расм, аппликация) факат бир томондан идрок қилинади; лойдан буюм ясаганда ва қуриш-ясаганда болаларда натурани ўгириб қуриш ҳамда ҳажм-шаклни турли хил бурилишда таҳлил қилиш имкони бўлиши керак.

Натура хотира ишини енгиллаштиради, негаки тасвирлаш жараёни идрок билан бирлашади, предметнинг шаклини, тузилишини, рангини тўғри тушуниб, етказиб бера олишга ёрдам беради. 4-5 ёшдаги мактабгача таълим болаларининг қобилиятларидан қатъий назар, мактаб таълим олувчиси ёки расмнинг натура билан ишлашига нисбатан қараганда, болаларнинг тасвирланган объектни таҳлил қилишлари, шу натура билан ишлашларининг ўзига хос фарқи бор. Мактабгача таълим ёшдаги болалар учун содда шакли, аниқ чизмалар бўлиши керак. Масалан: болалар машинани ёни томонидан, кўнрақчонни олдида чизади ва бунда ҳажмининг етказиб беролмайдилар. Агар гуруҳда болалар сони кўп бўлса, барчасига тенг кўриниши учун 2-3 та бир хил предмет қўйилади. Тарбиячи чиқади, бунда у таҳлил жараёнини осонлаштириб, ўз сўзлари, ҳаракатлари билан йўналтиради. Бу жараёни маълум бир идрок маданиятини, ривожланган аналитик фикр юритишни талаб қилади. Бундай кўникмалар болаларда 5-6 ёшда ривожлана бошлайди. Бу ёшда болалар тасвирлаётган ишларини натурага нисбатан таққослашга уринадилар. Масалан: катта гуруҳда натурдаги арча шохларини тасвирлаётганда, болалар шохни фазода жойлаштирадилар (вертикал ёки кия олатда) ва шохдаги шохчаларнинг сонини, ўлчамларини чап ва ўнг томондан, тўқ ёки

оч ранг билан чизадиладар. Натура сифатида трик кушлар, хайвонлардан фойдаланиш мумкин эмас. Уларнинг ҳаракатлари, товушлари болаларни расм ишдан чалғитади, болаларнинг предметни керакли ҳолатда идрок килишларига, диққатларини бир нуқтага каратишга халакит беради. Шундай килиб, ўргатиш методи сифатида натурадан оидаланиш тасвирлашнинг бутун жараёнини ўз ичига мужассамлаштиради: предметнинг бирламчи тахлили; тасвири натурага нисбатан аққослаш; натижанинг шаклини, ҳолатини, рангини таққослаш; натижадаги расм ва натурани таққослаш йўли билан баҳолаш.

Машғулотда предметларни кўриб чиқиш. Кичик ва ўрта гуруҳларда Кўпинча машғулот бошида алоҳида предметлар кўрсатилади. Болалар диққатини топиширқка аратиш ва тасаввурларини жонлантириш мақсадида болаларга копток, лента (тасма), белкурак ва шу кабилар кўрсатилади. Машғулотнинг колган вақти мобайнида эса, болалар ўз тасаввурлари асосида чизадиладар. Улар расмларини кўрган предметларига нисбатан таққослай олмайдиладар ва предметларни идрок килишларига кайтиб мурожат қилмайдиладар. Катта гуруҳда ҳам предметларни кўриб чиқиш учун имкон бўлади. Масалан: "Уч айик" эртаги мавзуси бўйича расм чизишдан ёки буюм яшадан аввал, тарбиячи болаларга ўйинчок айикни кўриб чиқишни, предмет шаклининг асосий хусусиятларини ва айрим қисмларнинг пропорция нисбатларини аниқлашни, сўнг предметнинг бурилишига нисбатан шу айрим қисмларнинг ўзгаришини кузатишни таклиф қилади. Болалар расм чизишда эртанинг қайси эпизодини танласалар, айикни ҳам шу эпизодга нисбатан мос ҳолатда тасвирлайдиладар.

Намунадан фойдаланиш. Намунадан фойдаланиш кўпроқ ўргатиш усулига тааллуқлидир. Болаларнинг умумий эстетик диққатларини ошириш учун

чиройли предметларни томоша қилдириш керак. Масалан: гиламлар, вазалар, каштачилик ва ҳоказо. Декоратив расм чизиш машғулотларида болалар кўрган предметларини акс эттириб, улардаги нақшларни қайта чизибгина колмай, балки мустақил равишда нақшларни акс эттириб, ёркин ранг ва шаклларни мослаштириб чизишни ҳам ўрганадиладар. Шунинг учун бошланғич босқичда болалар намунадан нақш элементларини

чизиб оладиладар, кейинчалик элементларни ўрнини ва рангини ўзгартириб борадиладар. Болалар маълум бир малакага эга бўлганларидан кейин, бир неча хил намуналарни болалар ихтиёрига кўрсатиш мумкин. Баъзи машғулотларда тарбиячи намунани кўяди ва болалар кўриб чиқиб, танишиб, тарбиячининг кўрсатмасисиз мустақил равишда ишлайдиладар.

Предметли расм чизиш ёки буюм яшашда намуна кўчириб олиш учун эмас, балки тасвирланаётган предмет ҳақидаги тасаввурни аниқлаш учун кўйилади. Расмлардан фойдаланиш. Расмлар асосан болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш учун ва тасвирий усуллар, воситаларни тушунтириш учун хизмат қилади. Педагог ва психологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, 2 ёшдаги болалар расмни предмет тасвири сифатида тушуниб етадиладар. Лекин расмдаги қаҳрамонларнинг ўртасидаги боғлиқликни, яъни ҳаракатларни тушуниш кечроқ, 4-5 ёшларда юзага келади. Масалан: 2 ёшли бола расмдаги хайвонларни «турибди» дейди, 4-5 ёшлигиси эса «тапирапти», «юряпти», «келяпти» ва ҳоказо дейди. Болаларнинг кузатишлари кўпинча қиска муддатли бўлади (масалан: шаҳар шароитида хайвонларни кузатиш).

Шунинг учун расмлардан фойдаланиш қайта идрок килишга ва кейинги тасвир учун характерли бўлган энг асосийсини аниқлашга ёрдам беради. Расмлар ана шундай шароитларда керак бўлади: керакли предмет қўл остида йўқ пайтида; ёки бўлмаса текисликда тасвирлашнинг айрим усуллари билан таништириш учун хизмат қилади. Масалан: тарбиячи болаларга узоклашган предметни тушунтириш учун расмни кўрсатади. Ҳаётда болалар шу узокдаги предметларни бир чизикда жойлашган деб идрок қилсалар, расмда тарбиячи предметларни узоклашганини кўрсатиб, тушунтириб беради, 6 ёшдан бошлаб шу мақсад билан расмдан фойдаланиш мумкин. Расмни кўра туриб, бола ерни бир чизик билан эмас, балки кенг ер бўлаги билан чизишни, узоклашаётган предметлар юкорирокда, яқиндагилари пастроқда ва қоғоз четига жойлашишини тушуниб етади. Расм машғулот давомида болалар олдида қолдирилса, болалар тушуниб етмай нусха кўчиришга ўрганиб қоладиладар. Бу ёшда эса, болалар нусха кўчириш билан эмас, балки ижод билан расм чизишлари керак. Баъзида машғулот давомида болаларга айрим қисмларни аниқлаб

олиш учун расмни кўрсатиш керак бўлади. Кейин эса расм олиб қўйилади, чунки болалар нусха кўчира бошлайдилар.

Тарбиячи томонидан ишлаш усулини кўрсатиб бериш. Мактабгача таълим муассасида таълим жараёнида болалар ўрганиши керак бўлган тасвирлаш кўникма ва малакаларни ўлчамини аниқлаб беради. Кенг бўлмаган доирадаги малакаларни ўлчамини аниқлаб беради. Кенг бўлмаган доирадаги малакага эга бўлган бола турли хил предметларни тасвирлай олади. Масалан, уйни чизиш учун тўғри тўртбурчак шаклини чизишни билиш, яъни чизикларни тўғри бурчак остида бирлаштиришни билиш керак. Ана шу чизиш усуллари машина, поезд ва бошқа тўғри тўртбурчакли предметларни чизишда қўлланилади. Тарбиячи тасвирлаш воситаларини кўрсатиб бериши кўрғазмали амалий усул бўлиб, бу усул болаларни керакли шаклни аниқ тажриба асосида онгли равишда чизишга ўргатади. Кўрсатма 2 хил турда бўлади: имо-ишора билан кўрсатиш; чизиш усули билан кўрсатиш.

Ҳар иккала турда ҳам кўрсатма оғзаки тушунтириш йўли билан олиб борилади. Имо-ишора билан предметнинг коғозда жойлашиши тушунтирилади. Қўлнинг ёки қаламчанинг коғоз бўйлаб ҳаракатни, ҳатто 3-4 ёшли болалар учун етарли бўлади. Имо-ишора орқали бола хотирасидаги кийин бўлмаган предметнинг асосий шаклини ёки унинг алоҳида қисмларини эслайди. Болалар бирор предмет ёки ходисани тарбиячининг қайси ҳаракат ишораси орқали идрок қилган бўлсалар, худди шу ҳаракат-ишорани тарбиячи машғулотда қайтарса, болалар кўрганлари билан чизмоқчи бўлганлари ўртасида алоқадорликни онгли равишда сезади. Масалан: уй қурилишини болалар қузатаётганларида тарбиячи қурилатган уйнинг қорпус чизикларини тепага қараб қурилатганлигини ҳаракатлари билан кўрсатади, худди шу ҳаракатларни машғулот бошида қайтарар экан, болалар хотирасидаги кўрганларини қайта эсга туширади. Ишора билан бола хотирасидаги предмет шаклини эслагча, ҳамда чизиш мобайнида боланинг қўл ҳаракатларининг йўналиши аниқланади. Боланинг ёши қанча кичик бўлса, уни чизишга ўргатишда шунчалик қўл аракатларини ишорасини кўрсатиш муҳим рол ўйнайди. Кичик гуруҳдаги боланинг ҳаракатлари яхши ривожланмаган бўлса ва бола ўз

ҳаракатларини бошқара оlmаса, тарбиячи боланинг қўлини ушлаб, биргаликда ҳаракат билан чизади.

Бундай иш усули шу ҳаракатларни боланинг ўзи хис қилиши учун қўлланилади. Агарда предметнинг шакли мураккаб бўлмаса, ишора билан бутун предметни чизиш мумкин. Масалан: копток, китоб ёки олма шаклининг қисмларини, арча шохининг жойлашиши, куш бўйинининг қиялиги.

Тарбиячининг кўрсатма бериши машғулотда қандай топширик берилишига боғлиқ. Машғулотда предмет шаклини тўғри ҳаракатлари билан чизиб кўрсатади. Бу асосан кичик гуруҳда ўтказилади. Масалан: болаларга юмалок шаклдаги предметларни чизишни ўргатиш учун тарбиячи копток ёки олмани, ўз ҳаракатларини тушунтирган ҳолда чизиб кўрсатади.

Агар предметни тасвирлаётганда унинг қисмларини аниқ кетма-кетликда чизиш керак бўлса, тарбиячи предметни бошидан якунига қадар чизиб кўрсатади. Фақат бунда болаларнинг диққатини жалб қилиш учун тарбиячи болаларга “Энди нимани чизиш керак?” деган саволни беради. Катта гуруҳдаги болалар кўпинча қисман кўрсатмалар бериш ўринли қисмини ёки алоҳида элементини чизишда кўрсатмалар берилади. Масалан, 4-5 ёшли болалар дарахтнинг танасини учбурчак шаклида, кенг асос билан чизади. Бу кўпинча тарбиячининг оғзаки тушунтиришидан келиб чиқадиган камчиликдир.

“Дарахтнинг танасини юкори қисмида тор, қуйи қисмида эса кенг бўлади”. Оғзаки айтиб бериш билан бирга қўл ҳаракатлари билан чизиб кўрсатиш лозим. Катта гуруҳда эса, “Чиройли уй” мавзусида болалар расм чизаётганларида, тарбиячи доскада уйнинг ойна-эшиклари турли хил шаклда бўлишини кўрсатиб беради. Бундай кўрсатма боланинг расмини умумий чизмада ҳеч қанчалик чегараламайди. Малакаларни мустаҳкамлаш учун қайтарилаётган машқларда, сўнг улардан мустақил равишда фойдаланишда кўрсатма фақатгина индивидуал равишда, маълум бир кўникмага эга бўлмаган болаларга берилади. Доимий равишда кўрсатма бериш болаларнинг пассивлашишига, ҳамда фикрлаш жараёнларини тормозланишига олиб келади. Чунки

болалар тарбиячининг кўрсатмасини ва ёрдамини кутиб, ўрганиб қоладилар.

Тарбиячининг кўрсатмаси янги техник усуллари тушунтиришдагина керак. Болалар ишларини таҳлил қилиш. Болалар ўзлари бажарган ёки дўстлари бажарган ишни мустақил равишда таҳлил қилиб, баҳо беришлари 5 ёшга бориб тўла шаклланади. Кичик гуруҳдаги болалар ўз ҳаракатларини ва уларнинг натижаларини назорат қила олмайдилар, шунинг учун улар ўз ишларини бажараётган вақтда мамнун бўлган бўлсалар, уларнинг натижасидан ҳам мамнун бўлиши учун тарбиячидан мактов эшитишни кутадилар. Кичик гуруҳда тарбиячи болаларнинг ишларини баҳолаётганда таҳлил қилмайди, балки 4-5 яхши бажарилган ишларни болаларга кўрсатади. Шу билан бирга қолган болалар ишларини ҳам мактайди чунки мактов болаларнинг ушбу машғулотга нисбатан қизиқишини мақсади эса, қолишга ёрдам беради. Расмларни кўрсатишнинг мақсади ўрта ва болаларнинг ўз ишларини натижасига жалб қилишдир. Ўрта ва катта гуруҳларда тарбиячи болаларнинг ишларини кўрсатади ва камчиликларини айтиб ўтади. Болалар камчиликларини қанчалик кўра билсалар, шунчалик кейинги расмларини онгли равишда қизиб борадилар.

Машғулот якунида тарбиячи болалар ишларидан бирини олиб, ижобий томонларини кўрсатади. Масалан: "Рангларини яхши тапплаганини-оч ранг билан тўқ ранг ёнма-ён яхши кўриниши, қизикларнинг озода ва аниқ қизилганлигини" ва ҳоказо. Агарда камчиликлар қўпчилик болаларда учраса, шу камчиликни бартараф қилиш учун болаларга савол беради ва диққатини қаратади. Агарда бир боланинг камчилиги бўлса, у ҳолда яккама-якка тушунтириш муносибдир, чунки жамоа олдидан биргина боланинг ишини таҳлил қилиш, фақатгина шу боланинг ўзи учунгина тушунарли бўлади. Катта гуруҳда таҳлилга барча болаларни жалб қилмоқ зарур. Баъзида эса, тарбиячининг ўзи баҳо беради. Масалан: яхши қизмайдиган боланинг ишидаги камчиликларни бошқа болалар айтишларини тарбиячи олдиндан била туриб, ўзи аввал шу бола бажарган ишининг ижобий томонларини айтиб ўтади. Вақтни тежаш мақсадида тарбиячи 5-6 та боланинг ишини олиб, таҳлил қилади, фақат ҳар машғулотда бир хил болаларнинг ишларини олиб

баҳолаш ярамайди. Чунки доимий мактов асосида ўша болаларда ҳаддан ташқари ишонч, бошқалардан ажралиб туриш ривожланади. Ўта қобилиятли болалар билан уларнинг лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида иш олиб борилади.

Баъзида тарбиячи таҳлил қилиш учун бажарилган ишларни болаларнинг ўзларига топширади. Бунда барча болаларнинг ишлари столга ёйилади ёки стендга маҳкамланади ва болалар ўзлари энг яхши бажарилган ишларини танлайдилар. Сўнг тарбиячи таҳлил қилади. Кўпроқ болаларга (6 ёшда) ўз ишини натурага нисбатан ўзи баҳолашга имкон бериш керак. Чунки бола ўз ишига, ҳамда дўстларининг ишларига танқидий томондан баҳо беришга ўрганади. Оғзаки метод ва ўргатиш усуллари. Тасвирий фаолият машғулотдаги доимо тарбиячининг болалар билан суҳбатидан бошланади. Суҳбатнинг мақсади болалар хотирасидаги аввалги идрок қилинган образларни қайта эсга олиш ва машғулотга бўлган қизиқишини уйғотишдир. Болалар ўз тасаввурлари асосида ижод қиладиган машғулотларда суҳбатнинг ўрни каттадир.

Суҳбат қисқа, мазмунли ва ҳис-ҳаяжонли бўлиши керак. Тарбиячи асосий диққатини машғулотда қилинадиган ишга қаратади. Болаларнинг мавзу бўйича ёки янги тасвирлаш усуллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаб олишдан аввал, суҳбат мобайнида ёки суҳбатдан кейин тарбиячи керакли предмет ёки расмни кўрсатади. Топширикни бошладан аввал эса иш усулини болаларга кўрсатади.

Суҳбат - ўргатиш методи сифатида 4-7 ёшли болалар билан ишлашда асосий роль ўйнайди. Кичик гуруҳларда суҳбат болалар асвирлашлари керак бўлган предметни эслатиш учун ёки

янги иш усулини ўргатиш учун керак бўлади. Бундай ҳолларда суҳбат тасвирлашнинг мақсадини ва вазифаларини болаларга яхшироқ тушунтириш учун хизмат қилади. Болаларнинг тасаввурлари ва ҳиссиётлари тез жонланиб, ижодий қайфиятлари тез йўқолиб қолмаслиги учун суҳбат метод сифатида ҳам, усул сифатида ҳам қисқа ва 3-5 минутдан ошмаслиги керак. Яхши уюштирилган суҳбат машғулотда мақсадга яхши эришиш учун қулай шароит яратади.

Бадний адабиётнинг образларидан фойдаланиш. Бадний образни ўзида мужассамлашгирган нутқ ўзига яраша

кўргазмаликка эгадир. Масалан: шеър, ҳикоя, топишмоқ ва ҳоказо. Ифодали ўқилган бадий асар ижодий кайфиятнинг ошишига, тафаккурнинг, ҳаёлининг фаол ишлашига ёрдам беради. Шу мақсад билан бадий сўздан факатгина ифодали ўқиш машғулотида эмас, балки предметларни идрок қилгандан сўнг тасвирлаш жараёнида ҳам фойдаланилади. Барча ёш гуруҳларда машғулоти мақсадга йўналтирилган ҳолда топишмоқ айтишдан бошлаш мумкин. Масалан, "Боши тарок, думи ўрок". Бу топишмоқ орқали хўрознинг бошқа қушлардан чиройли тожиси, думини бетакрорлиги каби қисми шакллари ажратилади. Баъзида кичик шеърларни ёки асарлардан парча ўқиш ҳам мумкин. Агар керак бўлса, асарни ўқиш билан бирга оғзаки образга кўшиб натура ёки предметнинг тасвири болаларга кўрсатилади. Расм чизиш, лойдан буюм ясаш машғулотида бадий асар ўқиш ҳар доим ҳам қўл келвермайди, уни бошқа ўргатиш усули билан алмаштирган маъқул. Чунки бола оғзаки сўзни эшитгандан кўра натурани кўрганида кўпроқ жонланади. Тарбиячи бадий образни танлаётганида жуда ҳам эҳтиёткорлик билан танлаш лозим. Негаки, тўғри танланган асар предметни, киёфаларини кўриш идрокини ўз ичига олади (рангини, шаклини, ҳолатини).

Масалан: "Бўғирсоқ" эртаги орқали бўғирсоқнинг образи, "Олтин балиқ" эртаги орқали эса балиқ образи янада ёркинрок тасвирланади. Тарбиячининг кўрсатмалари ва тушунчалари. Тарбиячининг кўрсатмалари барча кўргазмали усуллари ўз ичига олади ҳамда ўзи мустақил ўргатиш усули сифатида хизмат қилади. Кичик ёшдаги боғча болалари учун оғзаки кўрсатмалар камдан-кам берилади. Болаларнинг тасвирлаш малакалари етарли бўлмай, сезги анализаторининг иштирокисиз тарбиячининг кўрсатмасини тушунмайдилар (кўриш, эшитиш, қўл, таъм билиш сезгилари). Агарда болалар мустақкам кўникмага эга бўлсалар, тарбиячи кўргазмали кўрсатмасиз тушунтириши мумкин. 5-6 ёшли болалар учун бир сўзнинг ўзи хотирадаги чизиш усули ҳақидаги тасаввурни эслашга ёрдам беради. Тарбиячининг кўрсатмалари бутун гуруҳ болаларига ва алоҳида болаларга қаратилган бўлиши мумкин. Бутун гуруҳ учун бериладиган кўрсатмалар машғулотида бошида берилади. Улар қисқа, лўнда, тушунарли бўлиши керак. Ўрта ва катта гуруҳларда тарбиячи

болалар топириқларини қандай ўзлаштирганликларини билиш учун бирор боладан топириқнинг кетма-кетлигини ва қайси усуллардан фойдаланиб бажариш кераклигини сўрайди. Бундай қайта сўраш яхши тушунишларига ёрдам беради. Кичик гуруҳда тушунтириб, кўрсатгандан сўнг, тарбиячи яна ишни нимадан бошлаш кераклигини қайта эсга солиди. Катта гуруҳда эса болаларга: нимани чизишнинг ёки ясашнинг, асосийси нимадан иборат, предметларни қандай жойлаштириш кераклиги ҳақида ўйлашни таклиф қилади. Болалар ишга киришгандан сўнг, тарбиячи ҳар бир болага кўрсатма беришга киришмасдан, балки ишга кириша олмаётган болаларга нима нарса тушунарли бўлмаганини сўраши лозим, бундай болаларга қайтадан вазифа тушунтирилади ва кўрсатма берилади. Ҳамма болаларга ҳам кўрсатма бериш зарур эмас.

Кўрсатма иккиланувчан, уятчанг, ўзига ишонмайдиган болаларга кераклир. Юзага келадиган қийинчиликларни тарбиячи ҳар доим ҳам олдиндан айтиб бериши керак эмас. Баъзи бир болалар ўзи мустақил бажаришига тарбиячининг кўзи етса, у ҳолда тарбиячи кўрсатма беришдан бош тортиши ҳам мумкин эмас. Асосийси, тасвирий фаолиятда бола қийинчиликка дуч келиб, уни ечишга йўл топа олиши керак. Кўрсатма шакллари ҳамма болалар учун ҳар хил бўлиши керак. Айрим болаларга мактовли оҳангда кўрсатма берилса, ўзига ишонган болаларга эса кўпроқ талаб қўйилади. Тарбиячининг кўрсатмалари тўғридан-тўғри, буйрук шаклида бўлиши керак эмас. У болани ўйлашга, фикрлашга ундаши керак. Бола қилган ҳатони кўрсатиш билан бирга, тасвирийнинг маъноси ўзгараётганига диққатни қаратиш лозим. Масалан: "Қизчанинг кўйлаги худди гижимга ўхшайди" (яхши бўялмаган), "Дарахтлар йиқилиб кетаётганга ўхшайди" (яхши жойлаштирилмаган). "Бу одам бирам катта, аммо уйга қира олмагани". Шу билан бирга ҳатони қандай қилиб тўғрилаш кераклигини айтиб бермаслик лозим. Боланинг ўзи фикр юритсин. Кўрсатма ёқимли товуш билан берилиши болаларнинг кизиклигини орттиради. Индивидуал кўрсатмалар бошқа болаларнинг диққатини жалб қилмаслиги учун настрок товуш билан берилади.

Машғулоти давомида қачон кўрсатма берилади, қачонки, қўйчилик болалар хатога йўл қўйсалар ва тарбиячи барча

болаларнинг диққатини ўзига жалб қилади ва қайтадан тушунтиради. Бундай машғулот давомида бериладиган кўрсатмаларни камрок бериш керак, негаки у ижодий фаолиятини бузади.

Ўйинли ўргатиш усуллари. Тасвирий фаолиятда ўйинларидан фойдаланиш кўргазмали амалий ўргатиш усулига киради. Бола канча кичик бўлса, ўйин унинг тарбиясида шунча катта ўрин тутати. Ўйин усуллари қўйилган масалага нисбатан болаларнинг ишини диққатини яхши жалб қилади ва ҳаёл билан тафаккурнинг ишини енгиллаштиради. Кичик ёшдаги болалар учун ўйин машқларидан расм чизишда кенг фойдаланилади. Мақсад болаларнинг оддий чизикли шакллари чизишга ўргатиш, ҳамда қўл ҳаракатларини ривожлантиришдир. Болалар тарбиясининг ортидан қўллари билан ҳавода, сўнг қоғозда турли чизикларни чизади. Тарбиячи: “болакай йўлда чопиб кетяпти”, “машина юриб кетяпти” ва ҳоказо, деган иборалар билан тушунча ҳосил қилади. Образ билан ҳаракатнинг бирлашуви бола томонидан чизикларни ва содда шакллари тасвирлаш малакасига эга бўлишни **анча** тезлатади. Кичик гуруҳда предметларни тасвирлашда ҳам ўйин усулларида фойдаланилади. Масалан: меҳмонга кўғирчок келади ва болалар унга нозу-неъматлар ясайдилар, нон, кулча, ширинлик, ва ҳоказо. Бундай иш мобайнида болалар шарни яссиласига караб чизишлари керак. Шунда кизикарли ўйин ўтказиш учун, айникча эшикни тақиллатади, сўнг болалар билан саломлашиб, болалардан унинг расмини чизиб беришларини илтимос қилади. Машғулот якунида у расмларни баҳолашда қатнашади ва яхши расмларни ўзи танлайди. 6 ёшли болалар билан ҳам тасвирлаш фаолияти давомида ўйинлардан фойдаланилади. Лекин кичик гуруҳга қараганда бу ўйинлар анча камаяди. Масалан: сайрда болалар ўзларининг фотоаппаратлари билан атрофни расмга оладилар: дарахтлар, кушлар, ҳайвонлар ва ҳоказо. Боғчага келиб, ўзлари олган “расмларни прояска қиладилар ва расмларни чиқарадилар”, яъни кўрганларини қоғозга туширадилар. Тарбиячи ўйиндан фойдаланганида бутун машғулотни ўйинга айлантириб юбормаслиги керак, chunki бу болаларнинг диққатини

топширикни бажаришдан тортиб, кўникма, малакаларга эга бўлиш мавзусини бузади.

Амалий методлар. Тасвирий санъатга ўргатиш мобайнида болалар турли материаллардан фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар. Расм чизиш, лойдан буюм ясаш, аппликация турли методлардан ҳамда ўргатиш усулларида фойдаланишни талаб қилади, шу жумладан болаларда кўникма малакаларни ҳосил қиладиган амалий методлардан ҳам фойдаланиш талаб қилади. Амалий методлардан асосийси бўлмиш, техник ва баъзан тасвирий малакаларни ўргатадиган машқлардир. Кичик гуруҳда бу машқлар болалар учун сезиларли эмасдир юмалок шаклли предметларни ясашни ўрганиб, болалар коптокни, олмани, апельсинни ва шу каби предметларни ясайдилар. Йўлларни, ёмғирларни чизиб, улар горизонтал ва вертикал чизикларни чизишни машққиладилар. Катта гуруҳдаги болалар олдида эса тўғридан тўғри маълум бир топширик қўйилади, чиройли ва тўғри штрих билан чизишга ўрганиш. Штрихлаб чизишни кўрсатиб бергандан сўнг, болаларга мураккаб бўлмаган предмет контурини (масалан: уй, кўзикорин, олма) чизиб олиб, уни озода қилиб бўямаслик расмини хунук қилиб қўйишни биладилар ва сидкидилдан машққиладилар. Машқлардан тасвирий характерга эга бўлган топширикларни гуштиниш учун фойдаланилади. Масалан, тарбиячи бир чизик билан инсон бошининг ёнмача киефасини чизишни кўрсатиб берганидан сўнг, болалар бир неча марта одам бошининг расмини қайта - қайта чизади. Тарбиячининг вазифаси болаларнинг тасвирий фаолиятини шундай ташкил қилиш керакки, у фаол ва ижодий бўлсин. Ҳар бир машғулот факатгина дидактик вазифасини эмас, яъни маълум бир предметни тасвирлашни ўргатиш эмас, балки боладан ишни мустақил бажаришни ҳам талаб қилади. Шу мақсад билан тарбиячи турли хил усуллардан фойдаланиши мумкин: маслаҳат, мактов, топширикни бажариш усулини кўрсатмаси (тўлик бўлмаган), ўйинчок кўрсатмаси, эслатма ва шу кабилар. Болани шундай ҳолатга қўйиш керакки, у ўйлаган ўйини бажариши учун ўзи йўл топсин. Шундай қилиб у ёки бу метод ва усулларни танлаш қуйидагиларга боғлиқдир: Машғулот мазмунига ва машғулот олдида турган мақсадга, шу билан бирга, тасвирий

фаолиятнинг вазифаларига; Болаларнинг ёши ва ривожланиш даражасига;

Болалар фойдаланадиган тасвирлаш материалларига боғлиқдир. Атроф олам ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш мақсадидаги машғулотларда, асосан оғзаки методлар қўлланилади: суҳбатлар, болаларнинг кўрганларини хотирадан қайта эслаш учун ёрдам берадиган саволлар берилади. Тасвирий фаолиятнинг турли кўринишларида ўргатиш усуллари турличадир, чунки бир образ турли воситалар ёрдамида вужудга келтирилади. Масалан: мазмунли мавзуларда композицияга ўргатиш вазифасини расмда иллюстрацияларга қараб тушунтирилади, узоклашаётган предметлар юқорида, яқиндагилари эса пастроқда чизилади. Бу масала лойдан буюм ясаганда шаклларнинг уларнинг ҳолатига қараб жойлаштирилади; ёнма-ён ёки кетма-кет ва хоказо. Бу ерда алоҳида тушунча ёки кўрсатма бериш шарт эмас. Ҳар бир усулдан ўйлаб, машғулот олдида турган вазифаларга нисбатан, дастурда берилган машғулотнинг мазмунига нисбатан ва асосан ушбу гуруҳ болаларининг қай даражада ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш керак.

III БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БОЛАЛАР ЎЙИНИ

3.1. Болалар ўйинларининг турлари ва хусусиятлари

Ўйин — тарихий ташкил топган ижтимоий воқеа, мустақил фаолият тури, инсонга хосдир. Ўйин фаолияти жуда ҳам турли-тумандир: ўйинчоқлар билан ўйналадиган болалар ўйинлари, цол ўйини, доира бўлиб ўйналадиган ўйин, ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари. Шунингдек, ўйин ўз-ўзини билиш воситаси, ўйин-кулги, дам олиш, жисмоний ва умумий ижтимоий тарбия воситаси, спорт воситаси бўлиши мумкин.

Ўйин маданияти элементи сифатида жамиятнинг барча маданияти турларива кишиларнинг ҳар хил эҳтиёжлари билан ривожланади: ўйин-кулги, дам олишда, маънавий, аклий ва жисмоний кучни ривожланишида қатта ўрин эгаллайди.

Ўйин фаолияти — нафакат маданиятнинг бир элементи, балки болалар ва ўсмирларни тарбиялашда ҳам фойдали восита ҳисобланади. У ҳар доим мақсадга йўналтирилган ва турли-туман мақсадли йўл-йўрик ҳамда асосланган ҳаракат билан ўзига хос хусусиятни кўрсатиб туради. Ўйин фаолияти айниқса болалик даврида кўпроқ меҳнат билан умумийликка эга бўлади. Бироқ ўйин жараёнида ҳаётний эҳтиёжларни қондириш учун киши моддий бойлиқни ярата олмайди.

Ўйин — жуда ҳам қувноқ жўшқин фаолиятдир, шунинг учун у ёшлар ва болалар билан тарбиявий иш олиб боришда қатта бойлик қасб этади. Ўйиннинг турли-туманлиги қатта-кичиклар орасида, айниқса ўсмирлар ва болалар ўртасида энг кенг тарқалгани бу ҳаракатли ўйинлардир.

Ҳаракатли ўйинларнинг ўзига хос хусусияти унинг мазмуни ҳаракатнинг ролини ёрқин ифода қилиш ҳисобланади (югуриш, сакрашлар, улоқтириш, отиш, тўпни узатиш ва илиб олиш, қаршилиқ кўрсатиш ва бошқалар). Бу ўйинлар ҳаракатланиш ва унинг мазмунини асослаб беради. У ўйинда қўйилган мақсадга эришиш йўлида, турли-туман қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтишига йўналтирилади.

Ҳаракатли ўйинларнинг орасида ҳақиқатан ҳам (элементар) ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари билан фарқ қилади. Ҳақиқатан ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйновчиларнинг ўзларини

ихтиёрий равишда ўр- натишган, мақсадга шартли равишда эришишга йўналтирилган, ўзида онгли равишда ташаббускорлик фаолиятини мужассамлаштирган бўлади. Ўйновчиларнинг мақсадга эришишида фаол ҳаракатлантирувчи ҳаракат талаб қилади, уни бажариши ўйновчиларни ўзларининг ижод қилишига ва ташаббускорлигига боғлиқдир нишонга тезда югуриб бориш, нишонга тез отиш, «рақиби»га тез ва эпчиллик билан етиб олиш ёки ундан ўзиб кетиш ва ҳоказо.

Маълумки, ҳаракатли ўйинлар қоидалар билан белгиланади. Спорт ўйинларидан фарқли ўлароқ, ҳаракатли ўйинлар қоидаларига шарт-шароитдан келиб чиқиб келишилган ҳолда ўзгартириш киритиш мумкин. Ўйин қоидаси мақсадга эришиш йўлида ўйиндаги кийинчиликларни ва тўсиқларнинг ҳарактерини аниқлайди.

Ҳақиқатан ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйин қатнашчиларидан махсус тайёргарликни талаб қилмайди. Шунинг учун ўйин қоидаси ўйин қатнашчилари ва раҳбарларнинг ўзлари ўтказилаётган ўйиннинг шароитига қараб уни ўзгартириб борадилар. Чунки унда ўйновчиларнинг аниқ белгиланган сони, майдоннинг катта- кичиклиги белгиланмаган бўлади, шунингдек, асбоб-анжомлар ҳам ўзгартириб турилади.

Спорт ўйинлари — бу ҳаракатли ўйинларнинг энг юқори босқичидир. Бунда ўйин қоидаси қатъий белгиланган бўлиб, уларда махсус майдон ва жихозлар талаб қилинади. Спорт ўйинининг ўзига хослиги ўйин жараёнида маълум тактикада ўзини тутиши ва мураккаб ҳаракат техникаси ҳисобланади. Бу эса ўйин қатнашчиларидан махсус тайёр- гарлик ва машқни талаб қилади. Ҳар бир спорт ўйини белгиланган ўйинчиларнинг сонига, майдон ўлчамлари ва асбоб анжомларига эга бўлади.

Ҳаракатли ўйинлардан ёшлар ва болаларнинг умумий жисмоний тайёргарлик воситаси сифатида фойдаланилади, шунингдек, спорт ўйинла- рига ва бошқа спорт турларига ҳамда «Алпомиш» ва «Барчиной» тест меъёрларини топишига тайёрлаш воситаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ҳар бир ҳаракатли ўйин ўзининг мазмуни шакли (тузилиши) ва методик хусусиятига эгадир. Ҳаракатли ўйинларнинг мазмуни куйида- гилардан иборат: мавзу ёки мазмун (ифодали ёки

шартли ўйлаб қўйилган иш, ўйин режаси) мақсадга эришиш учун ўйинга қирадиган ҳаракат ва қондалар.

Ҳаракатли ўйинларнинг шакли қўйилган мақсадга эришиш усул- ларини кенг танлаш имкониятига эга бўлиши, ўйин қатнашчиларининг ҳаракатини ташкил қилишдан иборат. Ўйин қатнашчилари бир хил ўйинларда ўзининг шахсий қизиқишларига эришиш учун яқка ёки гуруҳ бўлиб ҳаракат қиладилар, бошқаларида эса ўзларининг жамоалари қизи- кишларини химоя қиладилар. Шунингдек, ўйин учун ўйновчилар ҳар хил тузилишда ёки шаклда сочилиб ёки тарқалиб, доирада, сафда, қаторда турадилар.

Ўйин шакли мазмуни билан боғлиқ равишда келиб чиқади. Ўйиннинг методик жиҳатдан ўзига хос хусусияти унинг мазмуни ва шаклига боғлиқдир. Ҳаракатли ўйинлар методик жиҳатдан ўзига хос бўлади:

- жонлилиги;
 - чегараланган қоида бўйича мақсадга эришишда мустақил ҳаракат қилиш;
 - қоидага мос равишда ижодий ташаббускорлик билан ҳаракат қилиш;
 - ўйиндаги алоҳида ролларни бажариш, унинг мазмуни мувофиқ лиги, ўйин қатнашчиларини жамоадаги маълум даражадаги ўзаро муносабати ўрнатилади;
 - тўсатдан ўйинда ўзгариб қолиш ҳолати, бу эса ўйинчи- лардан ташаббускорликни, тез реакцияни талаб қилади;
 - ўйиндаги мусобақа элементлари ўйинда жўшқинликни (эмоцио- налик) оширади ва кучни тўлиқ сарф қилишни талаб қилади;
 - ўйинда келиб чиқадиган «қелишмовчиликлар»ни ҳал этишда қарама-қарши томонларнинг манфаатларини бир-бирига зид қўймоқ эса юқори даражадаги жўшқинлик тонусини яратади.
- Ҳаракатли ўйинлар нафақат восита, балки болани жисмоний тарбия методи бўлиб ҳам ҳисобланади. Тарбияда ўйин методининг тушунчаси ўйин методикасининг ўзига хос хусусиятини инкор қилади, яъни бу бошқа тарбия жихозларидан унинг методи муносабатда бўлишида фарқланади мусобақа элементни, сюжетнинг мавжудлиги, мақсадга эришишнинг турли- туман усуллари, нисбатан мустақил ҳаракати.

Ўйин методи айникса, мураккаблашган ва ўзгартирилган шароитда ҳаракатни комплекс такомиллаштириш учун фойдаланилади. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия ва ўйин методи воситаси сифатида жисмоний сифатларни такомиллаштиришга ҳамда тарбиялашга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳаракатли ўйинларда гимнастика, енгил атлетика, чанги ва бошқа спорт турлари машғулотида алоҳида малака, кўникма ҳамда табиий ҳаракатларни мустаҳкамлайди ва такомиллаштиради.

Педагогика амалиётида ҳаракатли ўйинларнинг иккита асосий туридан фойдаланилади:

1. Эркин, ижодий ёки эркин ўйинлар. бунда ўйин катнашчиларининг ўзлари ўйин режасини белгилашади ва белгиланган мақсадни ўзлари амалга оширишади. Бу болаларда гўдаклик, мактабгача ёшда ва кичик мактаб ёшида улар ҳаммадан кўра тез-тез мазмунли бўлади, чунки ўйиннинг мазмунига қараб рол тақсимланади, шунинг учун уларни психологияда ёўла шаклида ўралган, деб аталади. Улар алоҳида ёки бир кишилик ва гуруҳ шаклида бўлиши мумкин.

2. Белгиланган қоидага асосан ташкил қилинган ҳаракатли ўйинлар унга катта ёшдаги болалар-етакчиларнинг ўзлари раҳбарлик қилишлари талаб қилинади.

Ўйин мазмуни ва мураккаблиги бўйича жуда ҳам турли тумандир:

Оддий жамоасиз ҳаракатли ўйинлар, бунда ҳар бир ўйин катнашчиси, ўйин қоидаларига риоя қилган ҳолда, битта ўзи учун курашади. Ўқувчилардаги барча ўйин фаолияти шахсий тақомиллаштиришга, бошқалар устидан эпчиллик, аниқ нишонга теккизишда, кучда, тезкорликда ва бошқа сифатлар бўйича шахсан устунликка эришишга йўналтирилган. Бу ўйинларда энг асосий аҳамият шахсий ташаббускорликни ва ҳаракат имкониятини, ўзининг шахсий сифатларидан фойдаланишини билиш мақсадга мувофиқдир.

Профессор В.Г.Яковлев ўйинларнинг алоҳида гуруҳларини бир-лаштириб, ўйин катнашчиларининг ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабати принципларидан келиб чиқиб, жамоа бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинларнинг педагогик таснифини тақлиф қилди.

Ушбу тасниф педагогик болаларда жамоанинг кизикишини тарбиялашга йўналтиради. Бундай ўйин материалларини тақсимланиши методик кетма-кетликни ёки изчиллик ўрнатишни енгиллаштиради ва ўйинни мазмуни ва шакли бўйича мураккаблик даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Бизнинг мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш амалиёти шунга гувоҳлик берадики, болаларда юқори ахлокий ҳамда жисмоний сифатларни шакллантиришнинг энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айникса, мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбиясида жуда катта ўрин эгаллайди, чунки улар саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда, жисмоний ривожланишни нормал бўлишига, ҳаракат малакаларини комплекс тақомиллаштиришга туртки беради.

3.2. Ҳаракатли ўйинларнинг тавсифи ва ривожлантирувчи хусусиятлари

Ҳаракатли ўйинларнинг келиб чиқиши қадим халқ педагогикасига бориб тақалади. Ўйинларнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақидаги маълумотлар бизгача XII асрнинг буюқ лингвисти, тарихчиси, этнографи Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китоби орқали етиб келгандир. Асарда ўзбек ҳаракатли ўйинларини бошлашдан олдин амалга ошириладиган чакириш, тўпланиш, ўйин боши, чек ташлаш каби ўйин шаклларида намуналар келтирилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам спорт ўйинларидан қиличбозлик, кураш, кўпкари... га алоҳида эътибор берилиб, уларни ёшларни жисмонан баққуват бўлишларига катта таъсир кўрсатиши кўрсатиб ўтилган.

Илк ёшли болалар оилаларда боланинг дастлабки ҳаракати билан боғлиқ овунмачоклар, эрмак ўйинлар ёрдамида тарбияланганлар. Ундан каттароқ ёшдаги болалар ҳаётида ранг-баранг ҳаракат мазмунига эга бўлган (ўз ичига болаларни ром қилувчи ўйин бошланмалари, хиргойилари, санашмачокларни олувчи) халқ ўйинлари катта ўрин олган.

Мактабгача таълим ёшидан бошлаб, болаларда ўз халқининг урф-одатлари, анъаналари, тарихини билишга бўлган

кизикишни тарбиялаш мақсадида «Учинчи мингйилликни боласи» таянч дастурида ҳар бир ёш гуруҳи учун ўргатиладиган миллий ва ҳаракатли ўйинлар белгилаб кўрсатиб берилган.

Атоқли рус педагоги П.Ф.Лесгафт «ўйинни болани ҳаётга тайёрлашга ёрдам берувчи машқ деб ҳисоблайди». Бу машқ мустақил фаолият бўлиб, унда боланинг шахсий ташаббуси ривожланади ва ахлоқий сифатлари тарбияланади. У ҳар бир ўйин мақсадга эга бўлиши керак дейди. Бунинг учун ўйиндаги ҳаракатлар боланинг ўзини бошқара олин малакасига мос бўлишига; бу ҳаракатлар тизимли машқларда олдиндан ўзлаштирилган бўлиши лозим.

Ҳаракатли ўйинларни мунтазам ўтказиш болаларда ўз ҳаракатларини бошқаришни ривожлантиришга ёрдам беради, улар гавдасини тартибга солади, яъни турли зўриқишда ҳаракат қилишга ўргатади. Ўйинлар болани жуда чакконлик, муайян мақсад ва тезкорлик билан ҳаракат қилишга; қондаларни бажариш, ўзини тугиш, ўртоқликни кадрлай олишга ўргатади.

П.Ф. Лесгафт ҳаракатли ўйинлар назариясини ишлаб чиқди, унинг издошлари эса уни ижодий ривожлантирдилар. Ўзбекистонда ҳаракатли ўйинлар назариясини ривожланишига Таълат Усмонхўжаев, Фахриддин Хўжаевлар, Абдурахмонов И.Р, Галиев Ш ва бошқалар ўзларининг катта хиссаларини қўшганлар.

Т.Усмонхўжаев ўзининг «1001 ўйин» номли китобида ҳаракатли ўйинларни бола организмга таъсири, унинг аҳамиятини тўлиқ очиб берган. Шунингдек китобда мактабгача тарбия ёшидаги болалар ёшига мос келадиган ҳаракатли ўйинларни мазмуни ва уни ўтказиш методикаси аниқ ёритиб берилган.

Ҳаракатли ўйинлар эрталабки ва кечки сайр соатларида ташкил этилиб, кунига 1-2 марта бутун гуруҳ, ёки гуруҳча билан ўтказилиши керак. Ўрта ва катта гуруҳларда турли хил спорт ўйинлари ўтказиб турилади. Ҳамма ўйинлар учун кун тартибидан вақт ажратиш ва керакли материаллар билан таъминлаш тарбиячининг зиммасига юклатилган.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга мўлжалланган ҳаракатли ўйинларнинг қуйидаги турлари мавжуддир:

Қондали ҳаракатли ўйинлар.

а) мазмунли ўйинлар;

б) мазмунсиз ўйинлар;

в) спорт ўйинлари.

Мазмунли ҳаракатли ўйинлар ҳаётий ва афсонавий эпизодларни шартли шаклда акс эттиради. Болаларни ижодий амалга ошириладиган ўйин образлари жалб этади. («Чумчуқлар ва автомобил», «Бўри ва ғозлар», «Маймунлар ва овчилар».)

Мазмунсиз ҳаракатли ўйинлар. Болалар учун кизикарли бўлган, тушунарли бўлган мақсадга эришишда уларга ёрдам берувчи ҳаракатли ўйин топшириқлардан иборатдир. Улар ҳам ўз навбатида югуриб ўтиш, қувлашмачок тинидаги ўйинлар; мусобақа элементлари мавжуд ўйинлар («Кимнинг звеноси тезроқ сафланади», «Ким ўз байроқчасига тезроқ етиб бора олади...); мураккаб бўлмаган ўйин-эстафеталар («Ким тўпни тезроқ узатади»), буюмлар (тўплар, чамбараклар, арғимчоклар, кеглилар) билан бажариладиган ўйинлар, ҳаракат мазмунига кўра фарқланадиган ўйинлар (югуриш, сакраш, улоқтириш...). Шунингдек кичик ёшли болаларга мўлжалланган ўйин эрмаклар («Чапак-чапак», «Шохли эчки»...) ҳам мавжуд.

Спорт ўйинларида энг аввало мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинади, шунинг учун фақат уларбоп содда, бироз ҳаракат техникаси қондалари, ўйинни ташкил этишнинг ҳақиқий элементлари танланади. Шу туфайли ўйин омиллари катта кишиларда бўлганидек жисмоний ва асабий зўриқиш уйғотмайди. Айни пайтда улар мақсадга интилганлик, ўртоқлик ва маъсулият ҳиссини ва спортга муҳаббатини тарбиялайди.

Мактабгача таълим муассасаларининг катта ва мактабгача тайёрлов гуруҳларида спорт ўйинларини ўтказиш мумкин. Уларда болалар мусобақаси, ўйин эстафетаси элементлари мавжуд. Спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинларни уюшган ҳолда ўйнайдиган ва ҳаракатли ўйинни мустақил ташкил этадиган бўлганда аста-секин жорий этилади. Спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинлардагидан кўпроқ ўзини тутта билишини, ҳаракатининг кузатувчанлик муайян ҳаракат техникасини, агар ҳаракатли тезкор реакциясини эгаллашни талаб қилади. Агар ҳаракатли ўйинларда болалар ижодий ташаббус кўрсатган ҳолда турли ҳаракатлардан фойдалансалар, спорт ўйинларида ҳаракатларни

бир кадар чегараланганлиги кузатилади, бу мазкур ўйиннинг ўзига хос хусусияти ва ҳаракат фаолияти техникасининг аниқлиги билан белгиланади.

Спорт ўйинларида катнашувчилар сони аниқ белгиланган, уларнинг вазифалари тақсимланган, ўйин муддати вақти чегараланган бўлади. Ўйинларни ўтказиш шартлари махсус тайёрланган жойни, белгиланган майдончани, тегишли жиҳоз ва инвентарларни талаб қилади.

Болаларнинг спорт ўйинларини (баскетбол, волейбол, теннис) ўйнаши учун улар тўпни эркин эгаллаш кўникмасига эга бўлишлари муҳимдир. Тўп билан ҳаракат қилиш, тутиб олиш, фазода тўғри мўлжал олиш каби зарур малакаларни ривожлантиради.

Ҳаракатли ўйинларни ҳар бир ёш гуруҳ учун танлашда уларни мураккаблашиб боришини ҳисобга олиши лозим. Ҳаракатли ўйинлар болаларда мушак зўриқиши: кучли, ўртача, суяқ ҳаракатчанлик даражасига қараб бўлинади. Ҳаракатли ўйин турлари ўз ичига асосий, сафланиш ва умумривожлантирувчи машқларни олади.

Ҳаракатли ўйинларни ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқдир. Бироқ вариантлар фақат ўйинни ранг-баранглаштириш болаларнинг унга нисбатан кизиқишини сақлаб туриш учунгина эмас, балки педагогик вазифалар-ҳаракатларини такомиллаштириш, бирмунча мураккаб ўйин ҳаракатлари, қоидаларини бажаришга ўйин вазияти шаронининг ўзгариши учун керак бўладиган жисмоний сифатларини тарбиялаш учун ҳам зарурдир. Улар болалардан муайян аклий ва жисмоний кучни ва шу билан бирга ўйинга нисбатан ортиб боровчи кизиқишни талаб қилади.

Масалан: «Қопкон» ўйинининг бир неча варианты мавжуд: Тўп билан ўйналадиган «Қопкон» ўйини, «Оёқни ердан узиб ўйналадиган «Қопкон ўйини»

Шунингдек ҳаракатли ўйинлар вариантларини тарбиячининг ўзи яратиши мумкин. Бунда у ўз гуруҳидаги болаларни аклий ва жисмоний ривожланганлигини ҳисобга олади ва уларга қўйиладиган талабларнинг тобора ошиб боришини кўзда тутди

Қоидали ҳаракатли ўйинлар-жисмоний тарбиянинг энг асосий методи ва воситасидир. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний

тарбиянинг асосий воситасидир. Ҳаракатли ўйинлар болаларнинг ҳаракат фаолияти жисмоний ривожланишига, ҳаракат кўникмалари ва жисмоний сифатларнинг шаклланишига, организмнинг функционал фаолиятини оширган ва эмоционал кувноклик тўйгуларини кучайтирган ҳолда саломатликни мустаҳкамлашга ижодий таъсир этади.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказишда эришиладиган соғломлаштириш самараси болаларнинг ўйин фаолияти жараёнида юзага келадиган ва бола руҳиятига яхши таъсир этадиган ижобий эмоциялар билан узвий боғлиқдир. Эмоционал кўтаринкилик болаларда барча учун умумий бўлган мақсадга эришишга интилиш уйғотади ва у вазифаларни аниқ тушунишда, ҳаракатларнинг ўзаро мослигида, фазода ва ўйин шароитларида аниқ мўлжал олишда, топшириқларни тезлаштирилган суръатда бажарилишида ифодаланади.

Болаларнинг мақсадга эришишга нисбатан кучли иштиёқи ва завкли интилиши асосида турли тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам берувчи ироданинг роли ошади. Ҳаракатли ўйинлар болалар томонидан аввал эгалланган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш методи бўлиб хизмат қилади.

Ўйин жараёнида бола ўз эътиборини ҳаракатни бажариш усулига эмас, балки мақсадга эришишга қаратади. У ўйин шартларига мувофиқ ҳаракат қилади, бунда чакконлик кўрсатади ва шу аснода ҳаракатларни такомиллаштиради.

Ҳаракат фаолияти сифатида ҳаракатли ўйин муайян ўзига хос хусусиятларга эга: у боладан сигнал ва ўйинда тўсатдан бўладиган ўзгаришларга тезда жавоб беришни талаб қилади. Деярли ҳар бир ҳаракатли ўйинда ҳаракатлар ва болалар ҳаракатига оид сигналлар мавжуд. Масалан «чумчуқлар ва автомобил», «самолётлар».

Ўйиндаги фаол ҳаракат фаолияти бола кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларини такомиллаштирган ҳолда нерв тизимини машқ қилдиради, кузатувчанлик, топқирлик, чакконлик муҳитда мўлжал олиш қобилиятини, ботирлик, мустақил усулни ташаббус кўрсатиш, мақсадга эришишнинг мустақил усулни танлашни тарбиялайди.

3.3 Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш

Тарбиячининг ўйин жараёнига раҳбарлик қилиши методикасини эгаллаган бўлиши ўйинларни муваффақиятли ўтказишнинг асосий шarti ҳисобланади. Тарбиячи ўйин фаолиятига раҳбарлик қилар экан, болаларни аста-секин ва «сездирмасдан» кизикарли ўйин вазифаларини бажаришида мустикаллик ва толқирлик кўрсатиш, юзага келган ўйин вазиятида чакқон интилиб ҳаракат қилиш, ўртоқлик ёрдами бериш, ҳамма учун умумий бўлган мақсадга эришишга ва бундан қувонишга ўргатиб боради.

Методика – бу тарбиячи меҳнатининг профессионал технологияси бўлиб, тарбиячи уни эгаллаган бўлиши ва болаларга раҳбарлик қилиш усулларини тўхтовсиз такомиллаштириб бориши керак.

Ҳаракатли ўйинларни танлаш ва режалаштириш дастурга мувофиқ амалга оширилади. Бунга ҳар бир ёш гуруҳининг иш шароити ҳисобга олинади, чунончи болаларни жисмоний ва ақлий ривожланишининг умумий даражаси ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши, ҳар бир бола соғлигининг аҳволи, ўзига хос хусусиятлар, йил фасли, кун тартиби, уйини ўтказиш ўрни, шунингдек болалар кизикишларини ўзига хос хусусиятлари. Ҳаракатли ўйинлар дастур талабларига мувофиқ аста-секин мураккаблаштириб борилади, болалар онгини ўсиши, улар тўплаган ҳаракат тажрибасини, мактабга тайёрлаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириб турилади.

Кичик гуруҳда мазмуни ва қондасига кўра содда бўлган мазмунли ва мазмунсиз ҳаракатли ўйинлар ташкил этилади. Бу ўйинларда барча болалар бир хил рол ёки ҳаракат топишигини тарбиячининг бевосита иштирокида жумладан, барча болалар – қушчалар, тарбиячи – она қуш бўлиб бажарадилар.

Ўрта гуруҳда энг оддий мусобақа усулидаги ўйинларни яқка тарзда ҳам, жамоа тарзда ҳам ўтказиш мумкин. Катта гуруҳда болалар учун ҳаракатли ўйинлар ўз мазмуни, қондалари, ролларнинг миқдори, топишисни жамоа мусобақасига жорий этишга кўра мураккаблаштирилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳи болалари бирмунча мураккаб ҳаракатли ўйинлар, шунингдек жамоа мусобақаларидан иборат команда ўйинларини, ўйин эстафетаси, спорт ўйинларини ўйнайдилар. Буларнинг ҳаммаси чакқонлик, тезкорлик, кизикарлиликни ривожланиши, ҳаракат кўникмаларини такомиллашувига, ахлоқий-иродавий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Болаларни ҳаракатли ўйинларда мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир:

Ўйинда болаларни ташкиллаштириш.

Болаларни янги ўйин билан таништириш.

Ўйинда ролларни тақсимлаш.

Ўйинни якунлаш.

Ўйин ўзининг мазмуни, ўйин топирикларининг навбатма-навбат бажаришларига қараб барча болалар билан бир вақтда ёки кичик гуруҳ (бу вақтда болаларнинг қолган қисми бошқа фаолият билан банд бўладилар) билан ўтказилади. Болаларни ўйинда тўғри ташкил этиш керак, ўйинда навбатни кутиб қолиш, ҳолатларнинг бир хиллиги, кичик ёшдаги болаларда кизикишнинг, ҳаракат реакцияси тезлигининг сусайишига олиб келади; болалар арзимаган баҳона билан ўйиндан қалғийдилар. Маълум бир ҳаракатда, узок вақт кўзгалиш ҳолатида бўлганда марказий нерв тизимида умумий толиқиш юз беради.

Шундай қилиб, фақат ўйинни тўғри танлашгина эмас, балки уни катта самара берадиган даражада ўтказиш муҳимдир.

Болаларни янги ўйин билан таништиришда унинг мазмуни ва қондаларини тушунтириш тарбиячидан пухта тайёргарлигини талаб этади. Айрим ўйинларнинг мазмуни олдиндан бўладиган суҳбатлар асосида болаларни билимларини ойдинлаштириш мумкин. Уларнинг тасаввурлари аниқлашади, ўйин образларга нисбатан муносабат таркиб топади, асосий ҳаёл ўсади.

Ўйинларни тушунтириш уларнинг турларига кўра ҳар-хил ўтиши мумкин, бироқ бу тадбир доимо эмоционал жихатдан кизикарли, болаларни қувноқ ўйин фаолиятига тайёрлайдиган, ўйинни тезроқ бошлаш ичагина туғдирадиган ва ўйин топирикларини иштиёқ билан бажаришга ундайдиган бўлиши керак.

Мазмунсиз ўйинни тушунтириш киска, аниқ ва ифодали оҳангда бўлиши лозим. Тарбиячи ўйин ҳаракат изчиллигини тушунтиради, болалар ва ўйин атрибутларининг жойлашиш ўрни жумладан, кичик ва ўрта гуруҳда буюмларни мўлжаллаб, катта гуруҳларда эса мўлжалга олмай кўрсатади. Яъни, фазо иборасидан фойдаланган ҳолда кўрсатади ва қоидаларни аниқлаштиради. Шундан сўнг тарбиячи болаларга бир неча саволлар беради.

Ўйинни қоидаси болаларга тушунарли бўлсагина ўйин қувноқлик ва уюшқоқлик билан билан ўтади. Мусобақа элементлари мавжуд ўйинларни ўтказишда тарбиячи ўйинни тушунтираётиб қоидаларни, ўйин усулларини, мусобақа шартларини аниқлаштиради, болаларни топириқларни яхши бажаришга ҳаракат қилишлар ва яхши уддаланишга ишонч билдирган ҳолда рағбатлантиради. Тарбиячи болаларнинг жисмоний қомолоти ва яққа ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақалашаётган кучлари тенг гуруҳлар – командаларни бирлаштиради; ўзига ишончсиз, тортинчоқ болаларни фаоллаштириш мақсадида уларни жасур, фаол болалар билан қўшиб қўяди. Баъзан ўйинга спорт кўринишини бериш учун команда сардорлари, ҳакам ва унинг ёрдамчиларини сайлаш мумкин.

Мазмунли ўйинларни тушунтиришда тарбиячининг вазифаси болалар кўзи ўнгида ўйин вазиятининг кўргазмалли манзарасини тавдалантиришдан, ўйин образларини ёрқин тасвирлашдан, болалар тасаввури ва ҳисларига таъсир этишдан, уларнинг ижодий ташаббусни фаоллаштиришдан иборатдир. Бунинг учун кичик гуруҳларда ўйинчоқ ва ҳикоядан фойдаланиши мумкин.

Ўрта гуруҳларда – таниш ўйинни таклиф этиб, қоидаларини эслатиб ўтиш билан чекланиши кифоя. Катта гуруҳларда ўйин мазмуни эслашни болаларнинг ўзларига таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Улардан бири фазо терминалогиясидан фойдаланган ҳолда ўйинчиларнинг жойлашиш ўрнини белгилайди, ўйин ҳаракатларининг боришини баён қилади, иккинчиси қоидаларни санаб беради. Кейинчалик болалар ўзлари тарбиячининг ёрдамсиз ўйинни ташкил эта бошлайдилар.

Ўйинда ролларни тақсимлашда тарбиячи педагогик вазифаларга амал қилиб янги келган болани рағбатлантириш ёки аксинча, фаол бола мисолида ботир бўлиш қанчалик муҳим эканлигини исботлаш ёки ўзига ишонган бола илтимосини рад этиб, бу ролни кўрқиб турган тортинчоқ болага топириш, бошловчи тайин этиши ёки болаларни ҳурсанд қилган ҳолда ўйинга ўзи қиришиб ўз зиммасига бошловчи ёки оддий иштирокчи ролини олади.

Шунингдек бошловчи сайлашни болаларни ўзига ҳавола этиши ва улардан бу ролни мазкур болага нима учун топириганларини тушунтириб беришларини сўраши мумкин.

Кичик гуруҳда бошловчи ролни тарбиячини ўзи бажаради. Ўйин жараёнида тарбиячи болалар ҳаракати ва ўзаро муносабатлар, қоидаларини бажарилишини кузатиб боради, қисқача кўрсатмалар беради, болаларнинг ҳиссий ҳолатларини бошқариб боради. Қоидаларнинг айрим болалар томонидан бузилиши ҳақида ўйинни қайта ўтказишдан олдин гапирди.

Ҳаракатли ўйин жисмоний юқламани қамайтирадиган ва пулсни нормал ҳолга келтирадиган умумий юриш билан тугалланади. Юришнинг аҳамиятига кўра бир хил бўлган кам ҳаракатли ўйин билан алмаштириш ҳам мумкин.

Ўйини тугатган заҳоти уни якуний чиқариш, ҳаракатли Боланинг тез ҳаракатдан дам олишга аста-секин ўтмаслиги, тарбиячи фаолиятини ва бутун организмга ноҳуш таъсир этади. Тарбиячи ўйинни баҳолашда унинг ижобий томонларини таъкидлайди, ўз ролларини муваффақиятли бажарган, жасурлик, қиёматчилик, ўзаро ўртоқлик ёрдами кўрсатган болалар номини айтади ва қоидаларнинг бузилиши ҳамда болаларнинг шу билан боғлиқ ҳаракатини қуйиниб кўрсатиб ўтади.

Катта гуруҳларда тарбиячи болаларни ҳаракатли ўйинларни мустақил ташкил этишга тайёрлайди, бунда ўйинларнинг боришини ва айниқса, қоидаларни бажарилишини ҳамда болалар ўртасидаги муносабатларни кузатиб боради. У болаларга ҳаракатли ўйин вариантларини унинг мазмуни, қоидасини, ўйин ҳаракатларини ўзгартирган ҳолда ўйлаб топиш, ташкилотчилик ўзи ўйлаб ўйин топиш каби топиришлар беради.

Катта гуруҳ болаларида мустақиллик, ташкилотчилик малакасини тарбиялаш мақсадида тарбиячи уларга кичик гуруҳ

болалари билан ўйин ташкил этишини таклиф этади. Ўйин кичик гуруҳ тарбиячиси кузатуви оқида ўтказилади.

Харакатли ўйинлар болаларни ҳар томонлама тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўйин фаолияти қайси шаклда ифодаланмасин болани қувонтиради, уларда ижобий ҳисларни уйғотади. Харакатли ўйинлар бола дунёқарабини кенгайтиради, атроф-муҳитни билишида ўзига ҳос восита ҳисобланади.

Харакатли ўйинлардаги қондалар ўйиннинг борлигини белгилайди, болалар ҳаракат фаолиятини, **ўзаро** муносабатларини йўлга солади, ахлокий-иродавий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ҳар бир боланинг ўйин қондасини аниглаши ва унга риоя қилишда қатталарнинг раҳбарлиги катта аҳамиятга эгадир.

Ўйинлар орқали болаларда ҳалоллик, адолатлилик, дўстлик, ботирлик, ўзини тута билиш, қатъиятлик каби ахлокий сифатлар тарбияланади.

Ўйин фаолиятида диққатни, идрокни ривожлантириш, тафаккур, тушунча ва мўлжал олишни аниқлаштириш учун қулай шароит яратилади; ўйинлар ижодий ҳаёл, хотира, топқирлик, фикр юритиш фаоллигини ривожлантиришга ёрдам беради. Шундай қилиб ҳаракатли ўйинлар боланинг умумий ривожланишига ёрдам беради.

Бола ўйин фаолияти туфайли фазо ва буюм воқелигини амалда ўзлаштиради, шу билан бирга фазони идрок бола механизминини ўзи ҳам жуда такомилланилади. Масалан, бола томонидан ҳаракат йўналишини мустақил танлаш ва ҳаракатини ўйин қондасида қатъий белгиланган йўналишда бажариши бир томондан ўйин вазиятини бевосита идрок қилинадиган ва кўриш-мотор реакциясини, ўйин ҳаракатларини дарҳол баҳолашни, иккинчи томондан ўз ҳаракатларини фазо-ўйин муҳитида аниглаш ва тасаввур қилишни талаб этади.

Ўйинлар мазмунини, бутун ўйин вазиятини, унинг қондаларини, персонажлар ҳаракатини мустақил тушунириш, болаларнинг жойлашиш ўрнини, ўйин атрибутларини ва ҳаракат йўналишларини фазовий ибораларни ишлатган ҳолда кўрсатиш, ўтказилган ўйинга баҳо бериш болаларнинг ақлий ривожланишига хизмат қилади.

Харакатли ўйинлар катта боғча ёшидаги болаларни ижодийликни ривожланиши учун қулайлик яратди. Бунда болалар эшитган эртаклари мазмунини асосида кичик ўйинлар ўйлаб топишлари мумкин ҳаракатли ўйинлар ўз мазмунини ва шаклига кўра эстетик фаолият ҳисобланади. Ўйин ҳаракатларининг ранг-баранглигини уларни болалар аниқ чакконлик билан, ўзига ҳос ифодали бажаришларида ифодаланади. Харакатли ўйинларда мусулсани қўллаш катта эстетик аҳамиятга эгадир.

Харакатли ўйинларни ўтказишда **ҳаракатлар гўзаллигини** ва маданиятини унутмаслик керак: диққатни ҳаракатлари **бирмунча** ифодали болаларга қаратиш, образларни **ифодали**, муваффақиятнинг бера олганларни рағбатлантириш керак.

3.4. Тайёрлов гуруҳидаги болалар жисмоний ва руҳий тарбиялашга йўналтирилган машғулотларни режалаштириш ва уларни ўтказиш

Таълим фаолияти учун болалар анчагина жисмоний ва ақлий куч сарфлашлари керак бўлади. Шунинг учун ота-она бола таълим муассасасига борганига қадар унинг тўғри жисмоний ривожланиши ва соғлом бўлиб ўсиши гамхурлик қилиши жуда муҳимдир.

Бола ҳаётининг режими. Одатда, соғлом бола касалманд ва заиф болага нисбатан таълим муассасаси режимида ва бутун машғулоти давомида ўзида жўш уриб турган гайратларини тийиб жим ўтиришга тезроқ кўникади. Соғлом қилиб ўстириш эса тарбиячиларнинг қўлидадир. Ҳар бир бола аниқ кун тартибига оғли равишда риоя қилишига боғлиқ.

Болани таълим муассасаси режимида тайёрлашда, унинг соғлигини мустаҳкамлашда эрталаб маълум вақтда унингдан туриш, овқатланиш ва уйкуга ётишга аниқ қилиниши керак. Ҳар бир оила меҳнат фаолиятининг характери, маиший шароити, болаларнинг сони ва шу қабиларга ўз яшаш тартибини урнатади. Бироқ сиз бир нарсани, яъни мактабгача ёшдаги боланинг қонуштаси ва тушлиги уртасидаги оралик 4 соатдан ошмаслигини, тушлик ва кечки овқат уртасидаги оралик – бир оз

каттарок (6-7 соат), бунинг орасида енгил овкатланиш кечки чой булиши кераклигини унутмаслигингиз керак.

Боланинг бир суткадаги уйкуси тахминан 11 соатни ташкил килиши керак. Бола тушликдан сунг 1-1.5 соат дам олишга одатлансин. Кечкурун у доимо бир вақтда, яъни 9 дан кечикмай ухлагани етсин. Бола мирикиб ухласин десангиз, куйидаги коидаларга риоя килинг:

- бола ухлайдиган хонани яхшилаб шамоллатинг;
- болани ухлаганга ёгиндан олдин тишини тозалашга, юз-кули, буйни, оёгини ювишга олатлантинг;
- болага уринда нонушта асло йул куйманг;

Боланинг нормал ривожланиши учун у тоза хавода кун харакат килиши

керак. Тенгдошлари билан чопсин, сакрасин, нарсаларга тирмашиб чиксин. Бола очик хавода киш ойларида 4 соатдан кам булмасин, ёзда эса деярли бутун кунини очик хавода утказсин.

Болага кун давомида тиним билмай ликиллаб юришга йул куйиб булмайди, бундай оргикча уйнокиликдан бола таълим муассасасининг талабчан иштизомига кункиши кийин булади. Харакатли ўйинларнинг тинч машгулотлар билан алмашилиб туришини кузатиб боринг.

Боланинг кундалик режимга амал килиши учун асосан, катъий назорат лозим. Бола кундалик режимни бажариш мажбурийлигига ва ҳеч қандай гап, илтимослар, маълум вақтда овкатланмаслик ҳамда ўйнамасликка сабаб була олмаслигига кункиши керак. Шу билан бирга сиз режимнинг зарурлиги ва унинг фойдасини доимо тушунтириб боришингиз керак:

- Эрталабки бадантарбия машқларини яхши бажардинг, энди кун бўйи тетик юрасан;

- Баракалла, гулларни тозалаб яхши килибсан. Менга анча ёрдамнинг тегди;

- Ўз вақтида овкатлансанг, тез усасан ҳамда, касалга чалинмайсан;

ва шу кабилар.

Баъзан кундалик режимнинг бир оз бузилиш холлари ҳам булади. Масалан: якшанба кун бутун оилангиз билан шаҳар ташқарисига чикмокчисиз. Бу уйку режимининг бузилишига олиб келади. Бунга йул куйсангиз булади, бироқ белгиланган

вақтда (агар уйкуни ташкил килиб булмаса) боланинг очик хавода дам олишини таъминлашингиз керак.

Режимнинг киммати бола фаолиятининг ҳар хил турларининг алмашилиб туришини таъминлашдир, бу эса ёш, усувчи организмни чарчашдан саклайди, боланинг ҳар томонлама камол топишга имкон беради. Масалан, кизингиз расм солишга кизикиб кетиб, столдан 40 минут давомида турмади, лекин у актив ҳаракат килиши, яъни ўйнаши, чопиши керак. Шунинг учун у ўйнаб булганидан кейингина унга тинч ўйин ёки машгулотни тавсия килиш мумкин. Агарда иш шу йусида кетса, бола шундай тартибга риоя килса, у қай даражада булмасин аста-секин уз фаолиятини бошқаришга одатланади, бу уни кундалик ва таълим муассасаси режимининг асосий моддаларига осонгина кункишида катта аҳамиятга эгадир. 6 ёшли боланинг кундалик режими тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

№	Кундалик режим	Вақти
1	Уриндан туриш, бадан тарбия машқларини килиш, ювиниш, уринни йиғиштириш.	8.00-8.45
2	Нунушта	8.45-9.15
3	Сайр	9.15-10.00
4	Машгулот	11.00-11.00
5	Очик хавода ўйнаш, сайр килиш, қўнғил очиш.	11.00-12.45
6	Тушлик овкат	12.45-13.15
7	Қўнғузги уйку	13.15-15.00
8	Ўзи ёқтирган иш билан шугулланиш учун буш вақт	15.00-16.00
9	Кечки чой	16.00-16.15
10	Очик хавода сайр килиш ва ўйнаш	16.15-18.00
11	Кечки овкат	18.00-18.30
12	Тинч йишлар, катталар топширигига курақулидан келадиган ишларни бажариш	18.30-20.15
13	Уйкуга тайёрланиш, гигиеник тадбирлар (тишни тозалаш, ювиниш)	20.15-20.30
14	Тунгу уйку	20.30

Мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолатини ташхислаш таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга. У боланинг қайси жиҳатларига тузатиш (агар у зарур булса) киритишда, олти ёшлининг муваффақиятлари ва

камчиликларига қандай ёндашишда, шу мақсадда у тарбиячиларга, колаверса 1-синф уқитувчилари учун ҳам керак. Чунки болани уқитиш учун уни ҳар томонлама билиш керак.

Афсуски бугунги кунда ташхис тизимининг такомиллашмаганлиги, ўзини оқламаган турли хил шаклларни кўплиги таълим муассасаларининг ҳамда ота-оналарнинг болаларни таълим муассасасига тайёрлаш борасида фаолиятини кийинлаштирмоқда. Масалан, айрим таълим муассасасиларда болаларни биринчи синфга олишда боланинг таълим муассасасига тайёргарлигини белгиловчи асосий курсаткич сифатида тез уқиш қуникмаси (бир минутда 50-70 ва ундан ҳам ошқин суз) илгари сурилмоқда. Ваҳоланки, бу қуникма мактабгача таълим давлат дастурига киритилмаган.

Агар бола тез ўқишга ўрганган бўлса ёмон эмас, бироқ бу таълим муассасасига боришдаги шартли талаб сифатида қабул қилинмаслиги керак.

Ташхис утказиш, боланинг ривожланганлиги ва таълим муассасасида таълим олишга тайёргарлиги даражасини аниқлаш мақсадида ушбу китода турли усулларнинг бир неча вариантлари берилмоқда. Бироқ бу ҳар бир болага ташхис қўйишда мазкур услубларнинг барчасини қўллаш зарур, дегани эмас.

Болани ташхисдан ўтказишни мажбурийликка асосланмаган, ишончли суҳбат ёки ўйин тартибида олиб борган маъқул. Токи бола ўзини текшириладиётганлигини сезмасин. Болани берилган саволларга жавоб бериётганда шоширмаслик, унинг кизикишини сундирмаслик учун суҳбат ва тавсия этиладиётган ўйинлардан 2-3 тасини утказган мақул.

Бир марта ташхис ўтказиш вақти 20-25 минутдан ошмаслиги лозим. Мазкур китоб тузувчилари мавжуд ташхис ўтказиш вариантларини ўрганиб, барча турдаги мактабгача таълим муассасалари, таълим муассасасилар учун мажбурий бўлган ҳамда ота-оналарнинг ҳам болани таълим муассасасига тайёрлигини аниқлаш ва бола ривожланишидаги айрим жиҳатларни чуқурроқ ечишлариға имкон берувчи қўшимча шаклларни билишни таъминловчи асосий йўналишларни белгилаб олишни маъқул қўришди.

I. Асосийларга қўйидагилар қиради:

1. Соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолати ташхиси.

2. Шахсий – психологик ва ақлий ривожланганлик ташхиси.

- ташхисловчи кириш суҳбати;

- Керн-Йерасек системаси бўйича ташхислар;

- Венгер методи бўйича ташхислаш (график диктант).

3. Таълим олиш фаолиятининг қўнимма ва илк заминини аниқлаш ташхиси:

- болаларнинг таълим муассасаси ҳақидаги тасаввурларини аниқловчи саволнома (мативацион тайёргарлик);

- болаларнинг математик тушунчаларини аниқловчи саволнома;

- болаларнинг оғзаки саводхонлиги ва нутқи ривожланганлигини аниқловчи саволнома.

4. Текширишнинг қўшимча шакллари:

Қандай текшириш керак:

- қуриш хотираси;

- эшитиш хотираси;

- мазмун хотираси;

- тасаввур ва ижодий фикрлашининг ривожи;

- оғзаки – мантикий фикрлаш ривожи;

- маълум жойда, ҳудудда мулжал олиш ривожи;

- математик тушунчалари ривожи;

- тасвирлаш фаолияти бўйича қуникма ва удаллаш ривожи;

- ўзи ва ўзининг тасвирлаш фаолиятига муносабатини ифодалаш.

5. Болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолатини ташхислаш.

Таълим муассасасига қабул қилинишдан олдин барча болалар уз яшаш жойларидан болалар поликлиникаси таркибида тор мутахассислик бўйича шифокорлардан иборат бўлган тиббий комиссия текширувидан ўтиши шарт. Улар боланинг соғлиги ва таълим муассасасига тайёргарлиги ҳақида уз ҳулосаларини беришади.

Мазкур текширувнинг эрта баҳода утказилиши болада аниқланган етишмовчиликларни ёз давомида диспансеризацияда тулдириб олиш имконини беради.

Харакатнинг асосий турлари, қўл мускуллари спорт ўйинларининг оддий қуникмалари, ҳаракат сифати ривожланганлигини мусобақа, эстафета тарзида утказиладиган спорт ва ҳаракатли ўйинлар давомида текшириш мумкин.

II. Боланинг шахсий – психологик ва ақлий ривожланганлигини таъхислаш

1. Таъхислаш суҳбати саволлари

- 1) Фамилияни, исминини, отанинги исминини айт.
- 2) Ота – онанинг фамилияси, исми, отасининг исминини айт.
- 3) Сен кизми ёки уил ? Катта булсанг ким буласан: холам, тоғами?
- 4) Сенинг аканг (онанг) борми, ким катта ?
- 5) Ёшинг нечада ? Бир йилдан кейин нечага кирасан, икки йилдан кейин- чи?
- 6) Ҳозир эрталабми ёки кечкурун(кундузими ёки эрталабми)?
- 7) Сен қачон нонушта киласан-кечкурунми. эрталабми? Тушликни эрталаб киласанми, кундузими? Тушлик олдин буладими ёки кечки овқат?
- 8) Сен қаерда яшайсан? Уй манзинингни айт(Қандай мамлакатда? Президент ким ? Д

Болани таълим муассасасига тайёрлашда навбатдаги муҳим иш уни шифохонада шифокор текширувидан ўтказишдир. Боланинг соғлиги ва жисмоний ривожланиши хақидаги маълумотлар таълим муассасаси учун зарур. Таълим муассасаси шифокори ва педагог боланинг жисмоний ривожланиши, куриш ва эшитиш даражасини ҳисобга олиб, уни ўқишнинг дастлабки кунларидаёқ партага тўғри ўтказишда, унга тегишли жисмоний тарбия машғулотларини тавсия этишда, шунингдек, боланинг ҳуш-атворини, ахлоқини билиб олиб, ҳар қайсисига ҳос муомала топишда шу маълумотлардан фойдаланади. Бола қандай юқумли касалликлар билан оғриганлиги, у қандай эмлан-дорилар қабул қилганлиги ва касалликлар олдини олиш учун нима қилиш кераклигини таълим муассасаси шифокори билиши лозим.

Ҳар йили 1 январдан бошлаб, шифохонанинг патронаж ҳамшираси шу йили таълим муассасасига бориши керак бўлган болаларнинг уйларига бориб, ота-оналарга болаларини узлари билан бирга олиб бориб, участка болалар шифокорига курсатишлари лозимлигини айтади. Ота-оналар ҳамширанинг таклифига жиддий қараб, пайсалга солмай поликлиникага боришлари керак.

Поликлиникада мутахассис шифокорлар боланинг кузи, кулоғи, бурни, томоғини текширадилар, тишини даволайдилар. Нуткида нуксони бўлган (айрим ҳарфларни нотўғри талаффуз этадиган, нутқи ноаниқ, дудукланадиган ва ҳақозо) бола шифокор-логопедга юборилади.

Бундай атрофлича текширишлар натижасида шифокор ота-оналар қулига боланинг шифохонадаги шифокорлар қуриғидан ўтганлиги хақида Маълумотнома беради. Таълим муассасаси шифокорнинг сурови билан шифохона боланинг шахсий амбулатория карточкасини таълим муассасасига юборади.

Болаларини биринчи синфга берадиган ота-оналар бажарадиган тайёрлов ишлари мана шулардан иборат.

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда болани уйда қандай қилиб соғломлаштириш кераклиги хақида тухталиб ўтамиз. Шунинг учун ҳам замонавий соғломлаштириш тадбирларини санаб ўтамиз:

1. Аввал кировли, сунг қорли ерда яланг оёқ юриш;
2. Очик ҳавода бадандан сув қуйиш;

3. Саунадан фойдаланиш;
4. Контрастли душ;
5. Юриш учун музлатилган сочикдан фойдаланиш;
6. Релаксация ва медитация ўтказиш;
7. Болага индивидуал ёндошиш, магнит тулқинлар даврида енгиллатилган режим билан таъминлаш;

Биз боланинг соғломлашишини қуйидаги вазифаларнинг амалга

оширилишидан қурамиз. Болалардаги шамоллаш касаллиги асосан боланинг кийими ва пойафзали ҳарорат режимига тўғри келмаслигидан келиб чиқади. Демак, ҳароратни ва кийимни доимо такқослаб, кичкинтойлар бадани ҳароратнинг қутарилиши ёки пасайишига йўл қўймаслик керак. Шунингдек, болаларнинг ўхлаши ва овқатланиши учун шароитлар яратиш ҳам муҳим.

Болалар соғлиги учун у яшаётган шарт-шароитлар, муҳитни шакллантириш учун зарур бўлган асосий шартлар ҳисобланган мусика ва ҳид терапияси жуда ҳам муҳим.

Боланинг эшитиш қобилияти, куриши, ичак, жигар фолжати, жинсий ривожланиши қандай аҳволда эканлиги ва ҳоқозо. Фақат диагностик маълумотларгина онлада болага аниқ индивидуал ёндошишни таъминлайди.

Режим — ҳамиша болаларнинг тулик физиологик ривожланишининг неғизи бўлган ва бўлиб қолади.

Сайрлар — физиологлар ва психологларнинг илмий далилларига қура, мактабгача ёшдаги бола бир кунда 6-13 минг ҳаракат бажарар экан, жумладан, 6 мингдан кам бўлса болаларда қулайлиқнинг бузилиши (дискомфорт) бошланиши алоҳида таъкидланади.

Бола биринчи синфга ўқишга борар экан, унинг таълим муассасаси таълимига жисмонан тайёр ҳолда бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Боланинг ўзига нисбатан жисмонан бақувват, қучли болалар орасига тушиб қолиши унда турли ҳолатларнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин.

Тиббий, психологик — педагогик қулатув дафтари мактабгача таълим муассасасининг ҳар бир тарбияланувчиси учун алоҳида юритилади. Унда шу тарбияланувчи билан йил давомида ўтқазилган тиббий қурик, психологик-педагогик таъхис ҳулосалари ҳамда унинг мактабгача таълим Давлат

талаблари асосида узлаштирган билим, куникма, малакаларининг курсаткичлари узлуксиз кайд этиб борилади.

- Таълим муассасасига тайёрлов даври (6-7 ёшгача).
- Ривожланиш курсаткичлари: _____
- Антропометрик маълумотлар: бўйи _____ вазни _____
- Саломатлиги: _____
- Психоневролог: _____
- Отоларинголог: _____
- Офтальмолог: _____
- Уйқунинг кечиши: _____
- Иштахаси: _____
- Асаб тизимининг хусусияти: _____
- Нутк ва нуткий малакалари: _____
- Товушнинг талаффузи: _____
- Суз бойлиги: _____
- Нутки ифодали: _____
- Нутки равон: _____
- Гаплар тугалланган мантикий: _____
- Киска хикоя сузлаб бера олади: _____
- Жисмоний ривожланиши: _____
- Харакат: _____
- Майда куллар моторикаси: _____
- Маънавий ахлокий етуқлик: _____
- Маънавий куникма: _____
- Маданий гигиеник куникма: _____

Хулоса килиб шуни айтиш жоизки, ҳар қандай таълим муассасаси ёшига етган (6-7 ёш) бола, аввало тиббий кўрикдан ўтиши лозим. Тиббий кўрик орқали болани таълим муассасасига ақлан, жисмонан, маънан соғлом ёки соғлом эмаслигини аниқлаш орқали уни таълим муассасасига чиқишини ёки чикмаслигини аниқлаш мумкин.

3.5. Тарбиячининг креативлиги ва ижодкорлиги

Креативлик (лот., инг. "create" – яратиш, "creative" яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, хистуйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини, зехни ўткирлигини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади.

Америкалик психолог П.Торренс фикрича, креативлик муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршичилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди. Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолида фикрламаслик, ўзига ҳослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилмасликка ёрдам беради. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятини ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, болаларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади. Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади, шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалар йилларида пойдевор қўйиладиган ва касбий

фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга.

Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдида муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш қелади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради. Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқибўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шаклланади. Замонавий таълим барча турдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган тарбиячи, педагогларнинг ижодкор бўлишларини тақозо этмоқда.

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил- мутуйиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йуе, 2000 й.). Ғарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлсада, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгалликни юкори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Қўпгина педагог-тарбиячилар ўзларида креативлик қобилиятини мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар. Бунинг икки хил сабаб билан асослаш мумкин: биринчидан, аксарият педагог-тарбиячилар ҳам аслида “креативлик” тушунчаси қандай маънони англатишини етарлича изоҳлай олмайдилар; иккинчидан,

креативлик негизида бевосита қандай сифатлар акс этишиндан бехабарлар.

Айни ўринда шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир шахс табиатан креативлик қобилиятига эга. Хўш, улар ўзларида креативлик қобилияти мавжудлигини қандай намоён эта олишлари мумкин. Бу ўринда Патти Дранеау шундай маслаҳат беради: Агарчи ўзингизни креатив эмасман деб ҳисобласангизда, ҳозирданок креатив тафаккурни ривожлантиришга қаратилган дарсларни ташкил эта бошлашингизни маслаҳат бераман. Аслида, гап сизнинг ижодкор ва креатив бўлганингиз ёки бўлмаганингизда эмас, балки дарсларни креативлик руҳида ташкил этишингиз ва янги ғояларни амалда синатишга интилишингиздадир.

Патти Дранеау нуктаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. Ҳар томонлама фикрлаш таълим олувчилардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда қўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда бир томонлама фикрлаш эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва қўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият қасб этади. Яъни, топширикни бажариш, масалани ечишда таълим олувчи ечимнинг бир неча вариантини излайди (қўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани қафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Юкорида билдирилган фикрларга қайта халқимизнинг “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин: Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, хистуйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик интидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳний ўткирликни белгилаб беради, “таълим олувчилар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Касбий фаолиятда педагогнинг креативлиги турли шаклларда намоён бўлади. Улар қуйидагилардир: ахборот, шу жумладан, компьютер технологияси ёрдамида педагог - тарбиячи томонидан креатив ёндашув асосида тайёрланиб, таълим жараёнида самарали фойдаланиш мумкин бўлган ижод маҳсулотлари санаб ўтилади.

Мультимедиа – бир неча кўринишдаги: электрон шаклдаги график, матнли, рақамли, овозли, мусикали, видео, аудио, фотография, ҳаракатланувчи образлар (анимациялар) ва бошқа ахборотларни узатувчи компьютер технологиялари учун тааллуқли умумий тушунча

Электрон альбом – расмлар, суратлар, чизмалар ва бошқар график тасвирлар ҳамда уларнинг изоҳларини ўзида акс эттирувчи электрон шаклдаги тўплам

Электрон атлас (юн. "Atlas" – биринчи бўлиб, осмон глобусини яратган афсонавий Ливия подшоҳининг номидан) – муайян ўқув модули (ўқув фани) бўйича тавсия этилган ва ўзига хос график тасвирларга эга бўлиб, ўқув мақсадларига кўра фойдаланилади

Рақамли видео лавҳалар – ўқув модули (ўқув фани) бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган маълумотларни ўз ичига олган 3D ўлчамдаги замонавий ўқув манбаи

Виртуал стендлар – 1) реал объект, предмет, жараён, воқеа ва ҳодисаларнинг электрон модели; 2) матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва б. шаклдаги ахборот, жараён ҳамда виртуал муҳитларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш, рақамлаштириш ва тизимли равишда амалга оширишни ифодаловчи компьютерли восита

Имитацион виртуал тренажёр (ингл. "train" – "тарбияламоқ", ўқитмоқ", "машқ қилдирмоқ") – электрон шаклдаги ўқув-машқлаштирувчи қурилма бўлиб, у ёрдамида меҳнат фаолиятининг реал шароити моделлаштирилади, муайян фаолият (м-н: машина (механизм)ни бошқариш, мураккаб станокда иш бажариш ёки ҳарбий техника сирларини ўзлаштириш) кўникмалари шакллантирилади, кўникмалар малакаларга айлантирилади ҳамда ҳосил бўлган малакалар такомиллаштирилади

Мультимедиа маҳсулотлари – ўзида АКТнинг дастурий ва техник имкониятлари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқув материални тингловчиларга етказиб берилишини мужассамлаштирган ишланма (маҳсулот)лар

Аудио ва видео визуал материаллар – ўқув ахборотларини компьютер технологияси ёрдамида овозли ва визуал шаклда қабул қилинишини таъминловчи материаллар

Видео анимациялар – чизилган (расмли) ёки кичик ҳажмли образ (ҳажмий, қўғирчоқ ёки ўйинчоқли объект)ларни ҳаракатга келтириш ва бу ҳаракатнинг ҳар бир босқичини кетма-кет суратга олинишини ифодаловчи электрон тасвирлар

Презентация (такдимо; лат. "praesentatio" – такдим этиш) муайян мавзу ёки муаммо бўйича ўқув (илмий, амалий) характердаги материалларнинг иш қоғозлари (оддий ёки ватман қоғозлар) ҳамда ахборот-коммуникацион воситалар (компьютер, проектор, процесор ва б. қурилмалар) ёрдамида такдим этилиши

Педагог-тарбиячи ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қobiliяти маълум вақт ичида изчил ўқиш-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани қаби бўлажак педагогларнинг креативлик қobiliятига эга бўлишлари учун талабаларнинг йилларида пойдевор қўйиладиган ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммолар масалаларни ечиш, муаммолар вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Ижодкорлик – муайян янгиларнинг аҳамияти ва фойдали эканлигини белгиловчи шахс фаолияти ва унинг натижаси.

Ижодкор шахс – ижодий жараёни муваффақиятли амалга ошира оладиган ҳамда аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс.

Креатив шахс – жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуллар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш,

янгиликларни илгари суришга, ижодий махсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс

Ижод – ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва фойдалилиги жамият ёки муайян гуруҳ томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти натижаси

Ижодкор шахсни тарбиялаш – касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ва ривожлантириш

Касбий-ижодий фаолият – мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хатти-ҳаракати

Ижодий топшириқлар – муаммоли вазиятларни тизимли таҳлил асосида ҳал қилишга йўналтирилган масалалар тизими

Касбий-ижодий имконият

- 1) касбий компетенция, малакага эгаллик;
- 2) касбий ижод методологияси асосларини ўзлаштирганлик;
- 3) ижодий тафаккурнинг шакллانганлик даражаси;
- 4) касбий-ижодий лаёқат ва шахсий сифатларнинг ривожланганлиги

Касбий ижодкорлик методологияси – ижодкорликнинг жараёни ва натижа сифатида объектлар ҳамда муайян касбий фаолият турларига муносабат кўринишидаги тузилиши, мантикий ташкил этилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот

Ижодий тафаккур – тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури

Ижодий қобилият – ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини баҳолашда намоён бўладиган индивидуал хусусияти.

Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш – шахснинг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантиришининг ижодкор ва креатив бўлиши ёки бўлмаслиги эмас, балки машғулотларни ижодкорлик, креативлик руҳида ташкил этиши, янги ғояларни таълим жараёнида синаб кўришга интилиши зарур. Машғулотларда “креативлик йўл

харитаси”га кўра қуйидаги 4 та йўналиш бўйича ҳаракатланади ва улардаги ҳаракатлар педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар (Патти Драпеау) саналади:

- 1) ижодий фикрлаш кўникмаларини намоён этиш;
- 2) машғулотларни кизиклиш билан ўзлаштиришга рағбатлантирувчи стратегиялардан фойдалана олиш;
- 3) инновацион ёндашув ва педагогик масалаларнинг ечимини топишга креатив ёндашнинг;
- 4) кутиладиган натижа

3.6. Тарбиячининг инновацион фаолияти

Ҳозирги ҳаракатимизнинг талаблари асосида таълим стандартлари такомиллаштирилиб, дастурлар модернизация қилиниб, таълим муассасаларига етказилиб берилмоқда. Таълим муассасаларининг моддий базалари жадаллик билан мустаҳкамланмоқда.

Янги турдаги таълим муассасаларни қуриш, реконструкция қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, янги замонавий асбоб-ускуналари, ўқув қуроллари, техника воситалари ва компьютерлаштириш ишлари аниқ давлат режалари асосида амалга оширилмоқда.

Инновациянинг асосий тушунчалари сифатида янгилик: ғоя, аниқ бир шахс учун янгилик, восита (янги метод) эътироф этиш мумкин.

Инновация:

- 1) янгиланиш, ўзгариш;
- 2) бирор-бир янгиликни киритиш;
- 3) янгиликни ўзлаштириш жараёни.

Инновация (инглизча Innovation - янгилик киритиш) – тизим ички тузилишини ўзгартириш, амалиёт ва назариянинг муҳим қисми. Инновацион жараённинг мазмуний томонини ўз ичига олади (илмий ғоялар ва уларнинг технологияларини амалиётга киритиш).

Педагогик янгилик – педагогик фаолиятда илгари таълим жараёнида номатълум бўлган ўзгаришларни киритиш орқали

таълим ва тарбиянинг назария ва амалиётини бойитиш ва уни ривожлантирувчи воситасидир.

Инноватика – янгиликни яратилиш қонуниятларини ўзлаштиришни ва тарғиб-тарғиботини ўрганадиган фан.

Инновацион жараён – янгиликнинг киритилиши ва шарт-шароитлари, тизимни янги кўрсаткичларга

муваффақиятли ўтишини таъминловчи ўзгаришдир. Инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалиётга киритиш жараёнидир.

Инновацион педагогик ғоя – тизимлаштирилган педагогик ғоялар; ўқув жараёни башорат этилиши, маълумотлар тўплами.

Инновацион таълим – 1) таълим соҳасига киритилган ва киритилаётган янгиликлар; 2) янгилашган янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни.

Инновацион таълим муассасаси – янги типдаги таълим муассасалари:

академик лицейлар, мактабгача таълим комплекси, шахсий мактабгача таълим муассасалари, ихтисослашган синф ва мактаблар, гимназия, турли йўналишли, предметлари чуқур ўргатиладиган мактаблар ва ҳ.к.

Инновацион технология – педагогик тараққиётни таъминлашга қаратилган ташкилий фаоллик жараёни (фаоллик, дидактик ўйинлар, эвристик, креатив, муаммоли, лойиҳаштирилган, АКТ технологиялари).

Инновацион ўқитиш – 1) янгилашган ўқитиш тизими, 2) ва таълим оловчиларни янги киритилган технологиялар асосида ўқитиш жараёни


(алгоритмлаш, лойиҳали, модулли ва б.). Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифода қилади.

Инновация – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолиятдир. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovations” – киритилган янгилик, ихтиро)

1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар;

2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”.

Инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) таълим оловчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга онд сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.



Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгилаш ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани қафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари "инновацион таълим" деб ҳам номланади. "Инновацион таълим" тушунчаси биринчи бор 1979 йилда "Рим клуби"да қўлланилган.

Инновациялар турли кўринишга эга. Қуйидагилар инновацияларнинг асосий кўринишлари саналади: янги ғоялар; тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар; ноанъанавий ёндашувлар; одатий бўлмаган ташаббуслар; илгор иш услублари

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юкори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам "новация", "инновация" ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгилашиш)** деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади.

Илмий адабиётларда "новация" (янгилашиш, янгилик) ҳамда "инновация" (янгилик киритиш) тушунчаларининг бири-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, В.И. Загвязинскийнинг эътирофи этишича, "янги", амалиётда фойдаланилмаган ёндашув, метод ҳамда технологияларни ифодалайди. Аммо бунда жараён элементлари яхлит ёки алоҳида олинган элементларан иборат бўлиб, ўзгариб турадиган шароит ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш ғояларини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади.

Моҳиятига кўра новация ва инновация ўртасида муайян фарқлар мавжуд.

Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади;	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди;
2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади;	3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади;
3) методлар янгиланади;	4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади;
4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, Х.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гопоболн, С.М. Годинн, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кўзьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тadbик этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган. Моҳиятига кўра инновациялар муносабат ёки жараёнга янгилик киритишнинг динамик тизими саналади. Ўз-ўзидан тизим сифатида янгилик киритириш муносабат ёки жараёнининг, биринчидан, ички маънида, иккинчидан, киритилаётган янгиликнинг муайян вақт оралиғида изчил

ривожланиши ва атроф-муҳитга кўрсатадиган ўзаро таъсирини ифодалайди.

В.А.Сластенин инновацияни янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланишга қаратилган мақсадга мувофиқ, йўналтирилган жараёни мажмуи деб билади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар қандай инновация янги воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжини қондириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди.

Ҳар қандай инновацияда “янги”, “янгилик” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Турли муносабат ва жараёнларга киритилаётган янгилик мазмунан хусусий, субъектив, маҳаллий ва шартли ғоялар тарзида намоён бўлади. Хусусий янгилик муносабат, объект ёки жараёнга тегишли элементлардан бирини ўзгартириш, янгиланиш назарида тутади. Субъектив янгилик маълум объектнинг ўзини янгилаш заруриятини ифодалайди.

Маҳаллий янгилик алоҳида олинган объект учун киритилаётган янгиликнинг амалий аҳамиятини тавсифлаш учун хизмат қилади. Шартли янгилик эса муносабат, объект ёки жараёнда мураккаб, прогрессив янгиланишнинг содир

этилишини таъминловчи маълум элементларнинг йиғиндисини ёритишга хизмат қилади.

Р.Н.Юсуфбекова инновацияларни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишга эътиборни қаратади. Хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб боровчи педагогик ходисанинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмунни эканлиги таъкидланади. Россиялик олимлар, А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, Н.П.Степанов ва б. эса инновацион жараён ҳамда унинг таркибий қисмларини ўрганишга эътиборни қаратган. Бу ўринда улар инновацион жараённинг ташкил этилишига нисбатан қуйидаги икки ёндашув мавжуд эканлигини эътироф этади:

- 1) янгиликнинг индивидуал микро даражаси (унга кўра қандайир янги ғояга амалиётга жорий этилади);
- 2) алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи микро даража (бу ўринда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирланиши.

бирлиги, рақобати ва бирининг ўрнини иккинчиси томонидан эгалланиши аҳамиятди саналади).

А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равишда муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойитиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англанадиги, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнинини иштирокчисини сифатида ўзига хос инноватор фаолиятини ташкил этади.

Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ва АҚШда таълим тизимини ислох қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шартшаронтни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзига келган даврда илк бора ўрunga ташланди. Мазкур ғоя 30-йилларда таълим жараёнига “педагогик техника” (“таълим техникаси”) тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврларда яратилган махсус адабиётларда “педагогик (таълим) техника(си)” тушунчаси “ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндисини” тарзида талқин этилди ҳамда ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жихозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея баҳоланди.

XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш “*таълим технологияси*” йўналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий эътибор талабалар аудиториясини кенгайтириш, техник воситаларнинг фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, уларнинг ахборот имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг хизматини сиғимини кенгайтириш, ахборотларни ўзатиш сифатини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу борада олиб борилган

тадқиқотларнинг объекти, таянч нуктаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўқув жараёнини "технологиялаштириш"нинг ташкилий жиҳатларини ўрганишга алоҳида урғу берилди.

60-йилларнинг бошларида таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш "технология" тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим таълим олувчиларга муайян билимларни алоҳида қисм ҳолида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилишини назарда тутди. Таълим жараёнини яхлит, мақбул дастурга мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора АҚШда фаолият юрита бошлаган "Дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган Кўмита" томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим максадлари, уларни ўзгартириш ва баҳолашнинг мос равишдаги мезонлари ҳамда таълим муҳитининг аниқ тавсифини қамраб олади. Бу эса ўзгартириш мажмуасини тўлалигича қайта ташкил этиш тушунчаси мазмунига мос келади. Педагогик тизим элементларнинг жуда чидамли ва мустаҳкам мажмуидир.

Инновация чуқурроқ билим олиш, ўрганиш, ўзлаштириш, кенг ҳажмдаги билимларни олишга қаратилмоғи яхши натижалар бериши мумкин.

Булар доимий педагогик муаммо бўлиб келаётган: ўқув-тарбиявий фаолият мотивациясини ошириш, дарс жараёнларида ўқув материални ҳажминини ошириш, ўқув жараёнини жадаллаштириш, вақтни тежаш, кўпроқ илгор методлардан фойдаланиш, ўқув-тарбиявий ишларда интерфаол усуллардан фойдаланиш, илгор технологияларни қўллаш. ахбороткоммуникация технологияларни жорий қилишдан иборат. Юқори натижалар берадиган янги ғоялар, янги назарий билимлар берувчи, шахсни ривожланишига олиб келувчи, том маънодаги инновацияларни яратиш, излаш, жорий этиш талаб этилади.

Қўшлаб умумий ва хусусий лойиҳаларни таҳлил этиб, педагогик назария ва амалиётга тадбиқ этилиш хусусият ва ҳолатларини ўрганиш асосида умумпедагогик инновацияларни қуйидаги кўринишларини белгилаш мумкин:

1. Жуда янги бўлмаса-да, доимий фаол бўлган, ўзининг ғояси, аҳамияти жиҳатдан эскирмаган, ўқув жараёнини оптималлаштиришга хизмат қиладиган ўқув-тарбия технологиялари.

2. Гуманистик педагогика моҳиятини ифодаловчи технологиялар.

3. Педагогик тизим жараёнидаги бошқарувларни янги ғоя, ёндашувлар асосида ташкил этилишини таъминловчи технологиялар.

4. Янги ғоялар, ахборот воситалари ва оммавий коммуникацияларга асосланган технологиялар.

Инновацион технологияларда янгиликларни асосий йўналишлари сифатида: педагогик тизимнинг бир бутунлиги; ўқув муассасалари; педагогик назария; таълим олувчилар; педагогик технология; таълим (тарбия) мазмуни; таълим (тарбия)нинг шакл, метод ва воситалар; таълим (тарбия) жараёнини бошқариш; таълим (тарбия) максади; таълим (тарбия) натижаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Инновацион машғулоти ишланмаси

Мавзу: Мен севган фасл.

Мақсад: Болаларнинг қайси фасл ёкини ҳақидаги фикрларини билиш, баҳор фасли бўйича кенг тушунча бериш, баҳор фаслидаги байрамлар ҳақида кенг тушунча бериш. Болаларнинг фаолиятлар орқали баҳор фаслини акс эттиришларини аниқлаш. Мазкур фаслга оид ўйинлар ўргатиш.

Керакли жихозлар: Ҳамма фасл акс эттирилган расмлар, баҳор байрамларини акс эттирувчи расмлар, рангли қоғоз, елим, кайчи, қалам ва расм дафтар.

Машғулоти бориси: **Тарбиячи:** Болалар бир йилимизда нечта фасл бор?

Болалар: Тўртта фасл бор.

Тарбиячи: Қани, бирин-кетин уларнинг номларини айтилайликчи.

Болалар: Қиш, баҳор, ёз ва куз.

Тарбиячи: Сизга қайси фасл кўпроқ ёқади ёки қайси фаслни севасиз?

Болалар: баҳор

Тарбиячи: жуда яхши. Мен ҳам бу фаслни жуда ҳам ёктираман. Қани, ҳаммамиз кўлларимизни каттикрок ушлайликчи. Энди эса секин-аста юмшатиб кўйитб юборамиз. Демак, биз қиш фаслидан баҳор фаслига кириб келдик. Баҳор фаслида ҳаммаёқ ям-яшил тусга киради. Оби ҳавомиз қандай бўлади?

Болалар: Илик, баъзи-баъзида ёмғир ёғади. Лекин оби ҳаво илик бўлиб, куюш чараклаб чикиб туради.

Тарбиячи: Яхши болалар, баҳор фаслининг элчиси бўлиб қайси қуш биринчи бўлиб учиб келади?

Болалар: Қалдирғоч

Тарбиячи: Тўғри, қайси дарахт биринчи бўлиб гуллайди?

Болалар: Бодом ва ўрик

Тарбиячи: Тўғри болалар, бодом ва эрта пишар ўриклар биринчи бўлиб гуллайди. Болалар сизлар жуда ҳам баҳор фаслини яхши кўрар экансиз. Бу фаслдаги байрамлар ҳақида ҳам биласизларми?

Болалар: ҳа, бу фаслимиз ўз ичига март, апрел, май ойларини олиб, байрамларга бой фасл ҳисобланади.

Тарбиячи: Болалар 8-март "Халқаро хотин-қизлар байрами" яъни онажонларимиз, опагонларимиз, сингилжонларимиз байрами. 21- март Наврўз байрами яъни янгилашниш, яшарниш байрами. 9-май Хотира ва кадрлаш куни.

Тарбиячи: Яхши болалар, қани энди биз хоҳлаган столимизга бориб, баҳор фаслини акс эттирайликчи.

Болалар ўзлари яхши кўрган баҳор фаслининг расмини дафтарга қирқиб ёништириш орқали акс эттиришади.

Тарбиячи: Келинлар болалар, шу фаслга мос ажойиб бир шйин ўйнаймиз. Ўйинимизнинг номи "Баҳорой ва ёмғирой". Мен сизларга ўйинимизнинг шартини тушунтириб бераман. Кўлимдаги мана бу шилдирикни тез шилдиратсам демак ёмғир ёғаётган бўлади. Биз тезда соябон тагига қочамиз. Агар мен шилдирикни аста-секин, бирин-кетин чалсам, сизлар лола, лолакизгалдоқлар териб саватчангизга соласиз. Энди эса ўйинимизни сизлар билан биргаликда ўйнаймиз. Яхши болажонлар, энди ўйинимизни шу тарзда сайрда давом эттирамиз.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракалар стратегияси". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.

3. Мирзиёев Ш.М. "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз" мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: "Ўзбекистон", 2016. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккиёти ва халқ фаровонлиги гарови" мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. "Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараккий элтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир" мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 8 декабрь 2017 йил.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 22 декабрь 2017 йил.

7. Раҳимов Ш. Асосий вазифа – болаларни таълимга қамраб олиш.//

"Мактабгача таълим" журнали, 3-сон, 2017, 2-3 бет.

8. Н. Азизхаджаева Педагогик технология ва Т. 2001 й

9. У.Толипов Педагогик технология Т. 2001й

10. Н.Х Саидахмедов Янги Педагогик технология Т. 2008 й
11. Б. Ферберман Илғор педагогик технология Т. Фан 2000 й
12. Аскарлова «Педагогика» Т2008 йил
13. М.Очилова, Н.Очилова Олий педагогика Т.2008й
14. Х.Ибрагимов « Педагогика » Т. 2008 йил

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.
3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.
4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
5. <http://www.xs.uz> – "Халқ сўзи" газетаси сайти.
6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.

МУНДАРИЖА

Кириш3

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

1.1	Мактабгача таълим тизими – давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида	5
1.2	Мактабгача таълим тизими таракқиётининг янги босқичи	12
1.3.	Мактабгача таълимда хорижий мамлакатлар тажрибаси	22
1.4.	Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини Жанубий Корея тажрибаси асосида ислох қилиш жараёнлари	40

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

2.1	Мактабгача таълим педагогикаси	44
2.2	Мактабгача таълим педагогикасининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни	50
2.3.	Мактабгача таълимда тасвирий фаолият	52
2.4.	Болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методлари	58

III БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БОЛАЛАР ҲАМЖИВАТИ

3.1	Болалар ўйинларининг турлари ва хусусиятлари	71
3.2	Харакатли ўйинларнинг тавсифи ва ривожлантирувчи хусусиятлари	75
	Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш	80
3.4	Тайёрлов гуруҳидаги болалар жисмоний ва руҳий тарбиялашга йўналтирилган машғулотларни режалаштириш ва уларни ўтказиш.	85
3.5	Тарбиячининг креативлиги ва ижодкорлиги	94
3.6	Тарбиячининг инновацион фаолияти	101
	ИЛОВА	110
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	112

Шарафутдинова Халиҷахон Гулямутдиновна
Шоймардонова Нигора Қурбоновна

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Монография

Тошкент - "Innovatsiya-Ziyo" - 2020

Мухаррир Холсаидов Ф.Б.

Нашриёт лицензияси AI № 023, 27.10.2018.
Босишга 5.09.2020 да рухсат этилди. Бичими 60x84.
"Times New Roman" гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 8. Нашр босма табағи 7,25.
Адади 200 нусха

ISBN 978-9943-6791-2-2

